

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ КИМЕ ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

«САНОАТ МАРКЕТИНГИ»

БОЖХОНА ИШИ

АСОСЛАРИ

МАЪРУЗА МАТНЛАРИ

ТЎПЛАМИ

Тошкент-2005

Аннотация

Мазкур маъруза матнларида «Божхона иши асослари» фанининг предмети ва вазифалари, божхона фаолиятининг ҳуқуқий асослари, божхона сиёсати ва ўзига хос хусусиятлари, божхона назорати, божхона режимлари ва уларнинг қўлланилиши, божхона тўловлари, божхона қиймати ва уни аниқлаш усуллари, божхона қонунчилигини бузганлиги учун жавобгарлик каби масалалар ёритилган.

Мазкур маъруза матнлари тўплами институт қошидаги Олий ўқув юртлараро илмий-услубий Кенгаш мажлисида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган.

«28» август 2004 й. 2-сон мажлис баёни.

Тузувчилар:

асс.Ядгорова М., асс.Усманова К.А.

Такризчилар:

доц.Султонходжаев.О
доц.Хасанов.Р.С.

ТХТИ 2004

1-мавзу: "Божхона иши асослари" фанининг предмети ва вазифалари

Режа:

- 1.1. Фанининг предмети, вазифалари ва бошқа фанлар билан ўзаро алоқадорлиги.*
- 1.2. Божхона муносабатларининг ривожланиш тарихи.*
- 1.3. Божхона муносабатларида қўлланиладиган асосий атамалар ва тушунчалар.*

1.1. Фанининг предмети, вазифалари ва бошқа фанлар билан ўзаро алоқадорлиги

Божхона иши Ўзбекистоннинг ташқи ва ички сиёсати тизимида устувор ўринлардан бирида туради. Бир томондан, ташқи иқтисодий фаолиятнинг эркинлаштирилиши ташқи бозорга мустақил чиқиш ҳуқуқига эга бўлган корхоналар, ташкилотлар ва тадбиркорлар доирасини жиддий равишда кенгайтди. Давлат божхона сиёсати воситалари - тарифли ва нотариф бошқариш воситалари орқали уларнинг товарлар, ишлар ва хизматлар экспорти ва импорти бўйича фаолиятига таъсир кўрсатади.

Иккинчи томондан, ички иқтисодий жараёнларни тартибга солиш, миллий бозорни шакллантириш, республика бюджетининг даромад қисмини тўлдириш воситаси сифатида божхона ишининг аҳамияти ортди. Бу, ўз навбатида, божхона ишининг ҳуқуқий асосини яратувчи қонун ҳужжатлари ва норматив ҳужжатлар тизими ишлаб чиқишни тақозо этди. Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси, «Давлат божхона хизмати тўғрисида» ва «Бож тарифи тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари божхона ҳақидаги қонун ҳужжатлари тизими асосини ташкил этади. қайд этилган қонун ҳужжатлари ва уларни ривожлантириш учун чиқарилган норматив ҳужжатлар Ўзбекистон Республикасининг миллий манфаатлари ҳимоя қилинишининг ишончли механизмини яратади, иқтисодий ва сиёсий устуворликларини ҳисобга олган ҳолда ягона божхона сиёсатини ўтказилишини таъминлайди.

«Божхона иши» атамаси мазмунини аниқлаш принципиал аҳамиятга эгадир. Божхона сиёсатининг хусусияти ва мазмунини, божхона ҳуқуқи, унинг институтлари ва юридик нормаларини тушуниш кўп жиҳатдан ушбу атамани белгилашнинг пухталиги ва тўлиқлигига, божхона иши таркибини аниқлашга боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексида (2-модда) божхона ишига қуйидагича таъриф берилади: «Божхона иши Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали товарлар ва транспорт воситаларини олиб ўтиш, бож тўловларини ундириш, божхона расмийлаштирувчи, божхона назоратини амалга ошириш тартиби ва шартларидан ҳамда божхона сиёсатини амалга оширишнинг бошқа воситаларидан иборатдир».

Мазкур таъриф умуман олганда божхона иши тушунчасини ва унинг таркибий элементларини аниқ тавсифлаб беради. Божхона иши кўп режали ва

жуда хилма-хил вазифаларни ҳал этишга йўналитирилганлиги шартланганлигидан келиб чиқувчи унинг ўзига хослиги ва нодирлиги мана шундан иборатдир.

Божхона ишининг Божхона кодексида кўрсатилганлардан ташқари таркибий қисмлари рўйхатига бож тарифлари воситасида тартибга солиш, валюта назорати, божхона таъминоти, божхона статистикаси ва Ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатурасини юритиш, контрабандага ва божхона иши соҳасидаги бошқа жиноятларга қарши кураш, божхона ҳақидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги ҳақидаги ишларни кўриб чиқиш киритилиши керак.

Бундай ёндашилган тақдирда божхона иши мазмуни кенгроқ тушунилади, боз устига унинг таркибига киритилган, юқорида айтиб ўтилган қўшимча элементлар Божхона кодексида назарда тутилган ҳамда унда етарлича кенг ва батафсил тартибга солинган.

Шундай қилиб, божхона иши тузилмаси божхона сиёсатини амалга оширишнинг кўйидаги воситалари билан ифодаланиши мумкин:

- товарлар ва транспорт воситаларини божхона чегараси орқали олиб ўтиш тартиби ва шартлари;
- божхона режимлари;
- бож тарифлари воситасида тартибга солиш;
- божхона расмийлаштирилиши;
- божхона таъминоти;
- божхона назорати;
- божхона статистикаси ва ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатураси;
- божхона экспертизаси;
- контрабандага ва божхона иши соҳасидаги бошқа жиноятларга қарши кураш;
- божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги ишларни юритиш ва кўриб чиқиш.

Божхона ишининг мазкур тузилмаси ҳам, албатта, батафсил эмас, уни янада табақалаштириш мумкин. Умуман олганда эса божхона сиёсати воситаларининг келтирилган рўйхати Ўзбекистон Республикаси божхона ишининг ҳозирги тузилмасини айнан акс эттиради.

Божхона ишининг юқорида санаб ўтилган таркибий қисмларининг аҳамияти, роли ва мақоми бир хил эмас. Бироқ, улар хусусияти ва мақсадларига, божхона иши тизимидаги ўрнига кўра турлича бўлса ҳам жам бўлган ҳолда узвий бирликни ташкил этади, чунки Ўзбекистон Республикасининг ягона божхона вазифаларига хизмат қилади.

«Божхона иши асослари» фанининг предмети божхона сиёсати, божхона божлари ва тарифлари, божхона муносабатларининг назарий ва амалий жиҳатларини ўрганиш ҳисобланади.

«Божхона иши асослари» фанини ўрганиш жараёнида анализ, синтез, таҳлил этиш, амалий ҳужжатлар нусхаларини қиёсий таҳлил этиш методларидан фойдаланилади.

«Божхона иши асослари» фанининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган божхона сиёсати турлари, принциплари ва вазифаларини ўрганиш;
- Божхона қонунчилиги ҳужжатларини ўрганиш ва таҳлил этиш;
- Божхона фаолиятини давлат томонидан тартибга солинишини ўрганиш;
- Божхона божлари, тарифлари ва имтиёзларни ўрганиш;
- Ўзбекистон Республикасида қўлланиладиган божхона режимларини ўрганиш;
- Божхона қиймати ва уни аниқлаш усулларини ўрганиш.
- «Божхона иши асослари» фани «Молия», «Солиқ назарияси», «Солиқлар ва солиққа тортиш», «Солиқ қонунчилиги асослари» ва шу каби бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқ.

1.2. Божхона муносабатларининг ривожланиш тарихи

Таркибига солиқлар ва божларни ундириш ҳам кирадиган молиявий-иқтисодий тизимнинг пухта фаолият кўрсатиши ҳар қандай тузумда давлат мавжуд бўлишининг иқтисодий асоси ҳисобланади.

Академик Б.Аҳмедовнинг фикрига кўра божхона органлари бундай тизимнинг бир қисми сифатида Марказий Осиёда қадим замонлардан бошлаб мавжуд бўлган. Чунки кўп минг йиллаб Шарқни ғарб билан боғлаган Буюк Ипак йўли Марказий Осиё ҳудудидан ўтган. ўрта денгиздаги Суриянинг Антиохия (ёки Анталия) порти узоқ вақт Испания, Португалия, Венециядан товарларни ташувчи кемаларга хизмат қилган. Бу кемалар Буюк Ипак йўли орқали Хитой ва Японияга йўл олганлар.

Буюк Ипак йўли орқали амалга ошириладиган савдога қайсидир даражада алоқадор бўлган барча давлатларнинг божхона органлари тажрибасини умумлаштирувчи қоидалар асрлар давомида такомиллаштирилди ва мақбул ҳолга келтирилди. Агар қайсидир давлат ёки шаҳар божхона қоидаларини қаттиқлаштира, божлар ва йиғимларни ҳаддан ташқари кўпайтира, карвонлар уларни четлаб ўтишининг йўли бор эди. Биргина Марказий Осиёда Буюк Ипак йўлининг бир неча шохобчаси мавжуд бўлган. Ушбу карвонлар четлаб ўтган давлатлар эса анчагина даромаддан маҳрум бўлишар, чунки йўлларда карвонлар мунтазам қатнар эди.

Буюк Ипак йўлидаги бож йиғимлари ҳақидаги дастлабки ёзма эслатмалар VIII асрдаги араб манбаларидан маълум. Кўп асрлар давомида бож миқдори ўзгаришсиз бўлиб, у товар қийматининг 2 фоизини ташкил этган (Бундай бож XIX асргача сақланиб қолди. Бухоро, қўқон ва Хивадан Россияга қатновчи карвонлардан 2,5 фоиз миқдорида бож олинарди). Бу барчани қониқтирувчи мақбул вариант дейиш мумкин. Карвонлар йўлида кўплаб давлатлар жойлашгани ҳисобга олинса, катта миқдордаги бож савдогарларни хонавайрон

қилиши, бу билан ушбу давлатларни кафолатли даромаддан маҳрум қилиши мумкин эди.

Ушбу даромаднинг хазина учун аҳамиятини тушунган ҳукмдорлар қулай йўллар билан, обод карвонсаройлар қуришди, карвонларни хавф-хатардан қўриқлаш чора-тадбирларини кўришди. XIV-XV асрларда Амир Темур ва темурийлар фаолияти бунинг мисоли бўлиши мумкин. Амир Темур олдинги юз йилликлардан охири йўқ урушлар ва кўчманчилар босқинлари туфайли деярли тўхтаб қолган Буюк Ипак йўлидаги ҳаракатни қайта тиклади.

XV аср бошида Амир Темур саройида бўлган Кастилиянинг элчиси Рюи Гонзалес де Клавихо ўзининг Самарқандга қилган тўрт ойлик саёҳатида «бутун мамлакат Темур ҳукмронлиги остида тинч яшайди», деб қайд этган.

Темурийлар даврида улкан салтанатда йўллар анча яхши ҳолатда сақланган. Йўлнинг ҳар бир кунлик масофасида карвонсаройлар бўлиб, уларда савдогарларни қурол-яроғ осган отлиқ қўриқчилар отряди кутиб олар, улар савдогарларни кейинги дам олиш жойига кузатиб қўйишга шай туришар эди. «Офиси» узоқ вақт Султонияда бўлган ватиканлик архиепископ Иоанн Амир Темур томонидан савдогарларга берилган имтиёзларни қайд қилади: «Темур хорижий савдогарларга хайрихоҳлик билан муносабатда бўлар ва бутун салтанатида уларга қулай шароитлар ва хавфсизликни яратиб берган. ... Агар унга қарашли ерларда қайсидир савдогарни тунашса, ўша ернинг ҳукмдори савдогарга йўқотган нарсасини икки баробар қилиб қайтариб берар, бундан ташқари ушбу суммани Темурга беш баробар миқдорида тўларди».

Академик Б.Аҳмедов бу даврда карвонларни қўриқлаш зиммасига кирадиган божхона пухта ишлаганлигини қайд қилар экан, қуйидаги мисолни келтиради. Бу воқеа Бобурнинг отаси темурийзода Умаршайх Андижонда ҳукмронлик қилган даврда юз беради. Беш юз кишилик от уловли катта карвон кўп юк билан Хитойдан қайтар эди. Тоғда йўловчилар қор бўронига йўлиқиб, қалин қор остида қолишади. Фақат икки киши тирик қолади ва Андижонга келиб юз берган фалокатдан хабар беради. Умаршайхнинг амри билан карвон ортган юклар қор остидан кавлаб олинади ва меросхўрлар топилмагунча ишончли қўриқланади. Меросхўрларни эса фақат Андижондан эмас, балки бутун Хуросон, Эрон ва Ироқдан излашга тўғри келади. Амир Темур даврида эҳтимолки ундан ҳам илгари айрим бож имтиёзлари мавжуд бўлган. Масалан, «қизил мол» бождан озод қилинган эди. Бундай товарлар уларга илова қилинган хужжатлар, яъни раҳномолар оддий муҳр билан эмас, балки шоҳона қизил муҳр билан тасдиқланганлиги боис «қизил мол» деб аталган. Бу эса моллар ҳукмдорга инъом қилишга мўлжалланганлигини англатарди. ўша давр қоидаларига кўра, совғалардан бож ундирилмаган.

Албатта, тузукларни бузиш ҳоллар ҳам бўлиб турарди. Масалан, айрим савдогарлар раҳномодан фойдаланиб, «қизил ёрлик»да кўрсатилган молдан бошқа молларга ҳам бож тўламасликка уринишар эди. Айрим ҳолларда қароқчилар ўзларини бож йиғувчи қилиб кўрсатишар эди. Бундан ташқари Амир Темур салтанати парчаланиб кетгандан кейин майда давлатларнинг ҳукмдорлари ёки уларга буйсунувчилар юз йиллаб амал қилган бож қоидаларига ҳилоф қилишар эди. 1621 йилда савдогарлар билан сафардош

бўлган Москвалик элчи Иван Хохловнинг эсдаликларида қйд қилинишича, дарё бўйида савдогарларни 60 чоғли божхоначилар тўхтатган ва 9 қўй, 2 та от, 100 ботмон арпа беришни талаб қилишган.

Тарихчиларнинг гувоҳлик беришича, Марказий Осиёда ердан хирож ва таноб, товардан эса закот ундирилган. қуръонга мувофиқ, ҳар бир мусулмон мол-мулкнинг қирқдан бир қисмини закот қилар эди. Закот шунингдек келаётган ва кетаётган ҳар бир қарвондан ҳам ундирилар, шу сабабли закотчилар қарвонлар ҳаракатини сергаклик билан кузатиб туришарди. Шаҳардан ўтадиган ҳар қандай савдогар закот олинадиган саройга тўхтаб ўтиши шарт бўлган. Бу ерда унинг товаридан 2,5 фоизли бож ундирилар эди. Бундан ташқари савдогар ҳар бир туя ҳисобига ёрлик ёзилганлиги учун ҳам ҳақ тўлаган. Бу ёрлик товар хонлигининг қолган барча аҳоли яшайдиган жойларидан эркин ўтишига кафолат берар эди. ҳар бир мустақил мулкда закот ундирилар эди. Амударёнинг жанубий қирғоғида деярли ҳар бир шаҳар бож ундириш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолган. Улар закотни кўпинча қонун бўйича эмас, балки ўз билганларича белгилашарди. Афғонистонда эса 2,5 фоиз эмас, балки 20 фоиз миқдорида закот ундирилган.

Кўчманчилардан закот натурада ундириларди. ҳар қирқ бош молдан биттаси закот сифатида олинган. Закотчи йиққан бутун мол-мулк хоннинг хазинасига келиб тушган. Закотчиларга савдо ишлари бўйича фавқулодда ҳуқуқлар берилган эди. Улар давлат манфаатларига асосланиб, товарларни олиб кириш ва олиб чиқишни таъқиқлаши, ҳатто бирор бир оқловчи сабаб бўлса, уларни мусодара қилиши ҳам мумкин эди.

XIX аср охирида бозор муносабатлари ривожланиши билан биргаликда божхона сиёсати янги бозорлари эгаллаб олишга ёрдам берувчи воситалардан бирига айланди.

Бухоро хонлигининг катта қисмини инглизлар ўз назорати остида тутиб турган Афғонистон билан чегарасида божхоналар ташкил этилди. ўлканинг Афғонистон билан савдо қилиш учун махсус ташкил этилган божхона бирлашмасига кирувчи бошқа туманларидан чиқувчи товарлар мана шу божхонадан ўтар эди. Афғонистон билан савдо-сотикда фискал мақсадни кўзламаган ушбу бирлашма товарларнинг айрим турлари мазкур мамлакатга олиб кирилганлиги учун махсус мукофотлар тайинланган, шундай қилиб, Пешовар ва Кобул орқали Афғонистоннинг шимолий қисмига ва Бадахшоннинг бир қисмига кириб келувчи Англия ва ҳиндистон товарлари билан рақобат қилиш учун қулай шарт-шароитлар сунъий равишда яратилган. Афғон бозорини қўлга киритиш унчалик қийин эмасдек туюларди: йўл йўқлиги сабабли Афғонистоннинг Бадахшон вилоятига, масалан, «инглиз моллари шунчалик оз миқдорда келар эдики, бу нафақат Бадахшоннинг ўзида, балки Сарой ва Чебек орқали Рустак ва Файзобод шаҳарларига, бу шаҳарлардан инглизлар қўл остидаги ерларга олиб ўтиладиган инглиз товарларига нисбатан сифатли ва арзон товарлар учун маҳаллий бозорларни очиб қўяр эди».

Товарлар (мануфактура, керосин, гугурт, қанд, шакар) кўздан кечириш учун Самарқанд омбор божхонасига тақдим этилиши керак бўлган. Бу ерда товарларга махсус тамғалар босилар ва товарлар савдогарлар томонидан

Афғонистон-Бухоро чегарасида жойлашган Карки, Калиф, Чушкагузар, Термиз, Айжан, Сарой ва Чебекдаги чегара божлари орқали олиб ўтиларди. Бу ерда божхоначилар тамға босилган жойларни кўздан кечиришар, тамғани олиб қўйишар ва товарни чет элга чиқаришар эди. Товар ҳақиқатда Бухородан ташқарига олиб чиқиб кетилганлигининг исботи ҳисобланган тамға эса божхоначилар томонидан Самарқандга қайтаришар эди. Бу ерда товарнинг эгаси ўзига тегишли мукофотни олган.

Товар учун бериладиган мукофотнинг салмоғи кўплаб савдо фирмаларини ўзига жалб қилган. Улар Самарқанд, Бухоро, Каркида ўз идораларини ташкил этиб, фаолиятларини йилдан-йилга ривожлантиришди. Маша шу туфайли чегара божхоналари орқали ип газлама товарлар, шакар ва керосин кўп миқдори ўтила бошланди.

Бироқ божхона бирлашмаси ўз мақсадига тўла эришишга муваффақ бўлмади. Савдо жилловини ўз қўлида ушлаб турган бухоролик, афғонистонлик майда савдогарлар мукофотларда фойдаланиш имкониятидан маҳрум эди. Улар газламани Бухоронинг чегара шаҳарларида сотиб олишар, бироқ бундай мол қонунга кўра Самарқанд божхонасининг тамғаси бўлмаса мукофотланмас эди.

Бухоро божхоналари ҳатто тамға қўйилган товарлардан ҳам бож йиғувчининг хоҳишига ва виждонига боғлиқ миқдорларда бож йиғишарди. «... Божгирлар ҳар бир жойдан 4 тадан 5 гача рупий (бир рупий - 45 тийин), амлоқдорлар (уезд бошлиқлари) эса Амударёдан ўтганлик учун 4-6 рупий, ичига ҳаво тўлдирилган ҳайвон терисидан ясалган солни тортиб борувчи ҳар бир от учун бир томонга ўтишдан 4-5 рупий ва ҳар бир одам олиб ўтилганлиги учун алоҳида 2 рупий ундиришган».

Савдогарлар ўтадиган бекликларда ҳар бир туя ёки отдан ўлпон ундирилади, агар йўл бир нечта бекликдан (Китоб, Шаҳрисабз, Ҷузор, ҳисор, қўрғонтепа) ўтиши ҳисобга олинса, устама харажатлар анча сезиларли бўлар ва бериладиган мукофотларнинг ярмига ёки ҳатто ҳаммасига тенг бўлар эди.

Маълумки, Бухоро ҳукумати ўз вақтида Афғонистонга олиб кетиладиган товарларни бождан озод қилиш ҳақида фармойиш чиқарган бўлиб, бироқ бу фармойиш Бухоро девонхонасидан ташқарига чиқмади.

Лекин шунга қарамай, божхона бирлашмаси давлатлар ўртасидаги савдо алоқалари кенгайишида ўз аҳамиятига эга бўлди.

Марказий Осиё Россия томонидан босиб олингандан кейин Трукистон генерал-губернаторлиги ташкил этилди. 1893 йилда Россияда 11 та чегара округи ташкил этилди. Туркистон округи ўшалардан бири бўлди. Туркистон округида 16 та божхона органи мавжуд эди. 1895 йилда Термиз шаҳрида Паттакесар божхонаси ташкил этилди. Унда асосан Афғонистондан келтириладиган товарлардан бож ундирилган. ҳар йили ушбу божхона пости орқали 2500 дан зиёд саёхатчи ўтарди. У пайтлари Афғонистон ҳудуди орқали Марказий Осиёга кўплаб контрабанда товари ҳам ўтказилган.

1917 йилдан кейин ички ва ташқи савдо халқ Комиссарлигида 8 та божхона округидан иборат божхона бошқармаси ташкил этилиб, Туркистон округи шулардан бири эди. 1925 йилда божхона бошқармаси Божхона бош бошқармасига айлантирилди. Унинг таркибида божхонанинг 11 та

инспекторлик органлари ва 266 та божхона бўлиб, уларда 5710 нафар ходим ишлар эди. ўша йили Термиз шаҳридаги Паттакесар божхонаси Термиз божхонасига айлантирилди. Халқ комиссарликлари вазирликларга айлантирилгандан кейин божхона бош бошқармаси Ташқи савдо вазирлиги таркибида қолди.

1986 йилда Божхона бош бошқармаси СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Давлат божхона назорати Бош бошқармасига айлантирилди.

Тошкент шаҳри собиқ СССР жанубий дарвозаси ҳисобланиб, хориждан учиб келган самолётлар Тошкентда тўхтаб ўтар эди. Янги ҳаво йўллари очилиши мунсабати билан 1959 йил 14 апрелда Тошкент аэропортида Термиз божхонасига бўйсунувчи божхона пости ташкил этилди. Тошкент постида ҳаммаси бўлиб 3 та ходим ишлаган. Уларга В.Н.Новиков раҳбарлик қилар эди. 1970 йилларда ташқи иқтисодий алоқалар ривожланиши муносабати билан ушбу пост Тошкент божхонасига, 1988 йилда эса Ўзбекистон Республикаси божхонасига айлантирилди.

1988-89 йилларда Самарқанд, Бухоро, Наманган, Андижон, қарши, Гулистон, Жиззах, қўқон, Навоий, Урганч, Чирчиқ, Олмалиқда божхона постлари ишга тушди. 1990 йил охири ва 1991 йил бошида Самарқанд, Фарғона ва Нукус постлари божхоналарига айлантирилди ва Ўзбекистон Республикаси Божхона бошқармасига бўйсундирилди. У пайтлари божхона ишлари Москвадан туриб бошқарилар, барча раҳбар ходимлар марказдан тайинланарди. Божхона томонидан мусодара қилинган товар моддий бойликлар ва бож тушумлари Москва ихтиёрига юборилган.

Божхона органларининг республика давлат назорати ва бошқарувининг мустақил тузилмаси сифатида шаклланиши ва фаолият кўрсатиши Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгандан кейин бошланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги 1997 йил 8 июлдаги Фармони республика божхона иши тарихидаги муҳим ҳужжат бўлди. Мазкур фармонга мувофиқ, Давлат солиқ қўмитасининг Божхона бош бошқармаси негизида Давлат божхона қўмитаси тузилди. Тарихда биринчи марта божхона органларига ҳуқуқни муҳофаза қилиш ташкилоти ҳуқиқи берилди.

1.3. Божхона муносабатларида қўлланиладиган асосий атамалар ва тушунчалар

Божхона ишига, унинг мазмуни ва тузилмасига умумий таъриф бериш муносабати билан ушбу соҳада энг кўп қўлланиладиган айрим атамалар ва категорияларга қисқача тўхталиб ўтиш зарур. Булар қуйидаги тушунчалар: *божхона; божхона органлари; божхона органлари тизими; божхона хизмати; божхона ҳудуди; божхона чегараси.*

Божхона тушунчаси турк халқларининг «тамға» сўзидан келиб чиққан бўлиб, хоннинг моли, мол-мулкига қўйиладиган белги, тамға, муҳрни англатган. Кейинроқ хоннинг ёрликлари йиғим олингандан кейин берила бошланган ва у «тамға» деб аталган. У моҳиятан бозорлар ва ярмаркаларда

савдо қилишда ундириладиган бож эди. «Тамға» сўзидан бож олинган товарга «тамға босиш» («тамжить») феъли келиб чиққан. Мухр босган одам божхоначи, мухрдор, мухр босилган жой эса божхона (таможня) деб атала бошланган.

Божхона ҳозирги тушунчада давлатнинг божхона сиёсатининг амалга оширилиши ва божхона ҳуқуқи қўлланилиши учун масъул бўлган ҳукумат хизматини англатади.

Божхона органлари - бевосита божхона ишини амалга оширадиган ижро этувчи ҳокимиятнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидир.

Божхона органлари тизими деганда фақат божхона ишининг моддий компонентини - давлатнинг божхона сиёсатини амалга оширувчи ижроя ва фармойиш берувчи органларини тушунмоқ керак. Шунинг таъкидлаш зарурки, қатъий субординация мавжудлиги, маъмурий бўйсунушнинг иерархик муносабатлари бошқарув исталган тизимининг муҳим белгиси ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан гарчи ўз фаолияти давомида айрим божхона масалаларини ҳал этиш билан шуғулланувчи, бироқ марказий ёки маҳаллий божхона органлари бўйсунувида бўлмаган бир қанча давлат ва тижорат тузилмаларини, муассасалар ва ташкилотларни божхона органлари тизимига киритиш мумкин эмас.

Божхона хизмати атамаси сўзининг кенг ва тор маъносида қўлланилиши мумкин. Кенг маънода божхона органлари жами: божхона вазифалари амалга оширилишида бевосита қатнашувчи бўғинлар ва тузилмалар, шунингдек божхона органларига хизматга қабул қилиш ва давлат хизматини ўташ тартиби ва ҳуқуқий шартлари тушунилади. Иккинчи ҳолатда божхона хизмати деганда фақат давлат хизмати тури: божхона органларида, бошқа бўғинларда (божхона лабораториялари, марказлари, божхона ихтисосидаги ўқув муассасалари ва бошқа муассасаларда) давлат хизматини ўташ тартиби ва шартлари тушунилади.

Божхона кодексига (3-модда) мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг қуриқликдаги ҳудуди, ҳудудий ва ички сувлар ҳамда улар устидаги ҳаво бўшлиғи *божхона ҳудудини* ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида эркин божхона зоналари ва эркин омборлар бўлиши мумкин, уларнинг ҳудудлари, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан ташқарида жойлашган деб қаралади.

Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудуди сарҳадлари, шунингдек эркин омборларнинг тегралари Ўзбекистон Республикасининг *божхона чегараси* ҳисобланади.

Божхона тизими - давлатнинг божхона сиёсати амалга оширилишини таъминловчи давлат тузилмалари ва бошқа тузилмаларнигина эмас, балки улар фаолиятининг амалий шакллари ҳам назарда тутучи энг умумий ва жамловчи тушунчадир.

Божхона ишида қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

товарлар - ҳар қандай кўчар мол-мулк, шу жумладан валюта ва валюта бойликлари, электр, иссиқлик энергиялари ва энергиянинг бошқа турлари,

ушбу модданинг 4 - бандида қайд этилган транспорт воситаларидан бошқа транспорт воситалари, интеллектуал мулк объектлари;

2) **Ўзбекистон товарлари** - Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган товарлар ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудида эркин муомалага чиқарилган товарлар;

3) **чет эл товарлари** - ушбу модданинг 2-бандида кўрсатилмаган товарлар;

4) **транспорт воситалари** - йўловчилар ва товарларни ташиш учун фойдаланиладиган воситалар, шу жумладан контейнерлар ва бошқа транспорт ускуналари;

5) **товарлар ва транспорт воситаларини олиб ўтувчи шахслар** - товарлар ва транспорт воситаларининг мулкдорлари, уларнинг сотиб олувчилари, эгалари ёхуд улар билан Божхона кодексида назарда тутилган ҳаракатларни ўз номидан амалга ошириш учун қонун ҳужжатларига мувофиқ етарли бўлган бошқача тарзда иштирок этувчи шахслар;

6) **ташувчи** - товарларни амалда олиб ўтувчи ёхуд транспорт воситасидан фойдаланиш учун масъул шахс;

7) **декларант** - товарларни олиб ўтувчи, товарлар ва транспорт воситаларини ўз номидан декларацияловчи, кўрсатувчи ва тақдим этувчи шахс ёки товар олиб ўтувчи шахс номидан иш олиб бораётган божхона брокери;

8) **божхона чегарасидан олиб ўтиш** - товарлар ёки транспорт воситаларини ҳар қандай усулда, шу жумладан халқаро почта жўнатмаларини юбориш, қувур транспортидан ҳамда электр узатиш линияларидан фойдаланиш йўли билан божхона ҳудудига олиб кириш ёки олиб чиқиш ҳаракатларини амалга ошириш. Шундай ҳаракатлар жумласига қуйидагилар киради:

товарлар ёки транспорт воситалари божхона ҳудудига олиб кирилганда, шу жумладан эркин божхона зоналари ва эркин омборлар ҳудудидан олиб кирилганда - божхона чегарасидан амалда ўтиш;

товарлар ёки транспорт воситалари божхона ҳудудидан олиб чиқилганда, шу жумладан эркин божхона зоналари ва эркин омборлар ҳудудига олиб чиқилганда - божхона декларациясини тақдим этиш ёки товар ёхуд транспорт воситаларини олиб чиқиш мақсадини амалга оширишга бевосита қаратилган ўзга ҳаракатни бажариш;

9) **божхона назорати** - қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномаларга риоя этилишини таъминлаш мақсадида божхона органлари амалга оширадиган тадбирлар мажмуи;

10) **божхона таъминлови** - божхона органлари пломбалар, муҳрлар босиш, рақамли, ҳарфли ва бошқа маркалар, қиёслаш белгилари қўйиш, штамплар босиш йўли билан амалга оширадиган товарлар ва транспорт воситаларини, бинолар ва бошқа жойларни қиёслаш воситаси;

11) **божхона расмийлаштируви** - товарлар ва транспорт воситалари устидан божхона назоратини таъминлаш мақсадида божхона органларининг мансабдор шахслари амалга оширадиган операциялар мажмуи;

12) **божхона режими** - Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарлар ва транспорт воситаларининг мақомини божхона мақсадлари учун белгиловчи қоидалар мажмуи;

13) **чиқишга рухсат бериш** - божхона органларининг божхона расмийлаштирувидан ўтган товарлар ёки транспорт воситаларини шахснинг тўла ихтиёрига бериши;

14) **шартли чиқариб юбориш** - шахснинг белгиланган чеклашлар, талаблар ёки шартларга риоя қилиш мажбуриятларини ўз зиммасига олиши билан боғлиқ ҳолда товарлар ва транспорт воситаларини чиқариб юбориш;

15) **иқтисодий сиёсат чоралари** - товарлар ва транспорт воситаларини Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ҳамда Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқишга доир чекловлар бўлиб, улар квота белгилашни, лицензиялашни, шунингдек республика иқтисодиётининг жаҳон хўжалиги билан ўзаро ҳамкорлигини тартибга солиб турувчи бошқа чораларни ўз ичига олади;

16) **дастлабки қарор** - товарнинг таснифи, унинг бож қиймати, қайси мамлакатда тайёрланганлиги, божхона тўловларининг миқдорига ҳамда божхона ишига оид бошқа масалаларга тааллуқли бўлган божхона органи чиқарган қарор.

Таянч сўз ва иборалар

1. Божхона иши
2. Божхона фаолияти
3. Божхона органлари
4. Божхона хизмати
5. Божхона муносабатлари
6. Божхона атамалари
7. Божхона тушунчалари

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Божхона муносабатлари ривожланишининг сабаблари нималардан иборат?
2. Божхона муносабатларини мамлакат ички ва ташқи сиёсатида тутган ўрни қандай?
3. Фаннинг предмети ўзининг қайси жиҳатлари билан бошқа фанлардан фарқланади?
4. Божхона муносабатларининг ривожланиш хусусиятлари нималардан иборат?
5. Марказий Осиё ҳудудида божхона муносабатлари ривожланишининг хусусиятлари ниямалардан иборат?
6. Божхона муносабатларида божхона атамалари ва тушунчаларининг ўрни қандай?

7. Божхона муносабатларида қўлланиладиган атама ва тушунчаларнинг бошқа фанларда қўлланиладиган атамалардан қайси хусусиятларига кўра фарқланади?

Фойдаланилган адабиётлар

Асосий адабиётлар: 1,2,6,7,9,12,24,25.
қўшимча адабиётлар: 38,39,40.

2-мавзу: Ўзбекистон Республикаси давлат божхона органлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари

Режа:

2.1. Божхона органлари тизими.

2.2. Давлат божхона органларининг ваколатлари.

*2.3. Давлат божхона органларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви
органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ўзаро ҳамкорлиги.*

2.1. Божхона органлари тизими

1997 йил Ўзбекистон Республикасида божхона иши учун бурилиш йили бўлди. Божхона ишини такомиллаштириш, унинг ҳуқуқий негизини халқаро нормаларга мувофиқлаштириш жараёни уни ташкил этишга тизимли-таркибий, функционал ўзгартиришлар киритишни тақозо этар эди. Шу сабабли божхона ишини ташкил қилишни яхшилаш, ягона божхона сиёсатини ўтказиш, республика божхона органларининг тезкорлигини ҳамда улар фаолиятининг самарадорлигини ошириш, мамлакат иқтисодий хавфсизлигини мустаҳкамлашда уларнинг ролини кучайтириш, шунингдек божхона иши соҳасидаги халқаро ҳамкорликни янада кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасини ташкил этиш тўғрисида» 1997 йил 8 июлдаги ПФ-1815-сон Фармони эълон қилинди.

Ушбу Фармон билан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Божхона бош бошқармаси негизида Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ташкил қилиниб, у бевосита Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига бўйсундирилди. қорақалпоғистон республикаси, вилоятлари ва Тошкент шаҳрида ишлаб турган божхона хизматлари негизида Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг ҳудудий бошқармалари тузилди.

Давлат божхона хизмати органлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги 1997 йил 29 августдаги қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлари Маҳкамасининг 1997 йил 30 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида»ги 374-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси тўғрисидаги Низом билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Давлат божхона қўмитасининг қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри бўйича бошқармалари, ихтисослаштирилган божхона комплекслари ва божхона постлари божхона органлари ҳисобланади.

Божхона органлари ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, «Давлат божхона хизмати тўғрисида» ги Ўзбекистон

Республикаси қонунига, бошқа қонун ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига амал қилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ давлат бошқаруви органи ҳисобланади.

Давлат божхона қўмитаси ўз ваколатлари доирасида ягона бож сиёсати ўтказилишини, божхона ишлари тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилишини, божхона органлари тизимининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлайди.

Божхона органлари қонунчиликка мувофиқ ўз фаолиятини жойлардаги давлат органларидан мустақил равишда амалга оширадилар.

Давлат божхона қўмитасининг қонунчиликка мувофиқ ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари, мулкчилик шаклларида қатъи назар жисмоний ва юридик шахслар томонидан бажарилиши мажбурийдир.

Божхона органлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ҳисобланади ва давлат бюджети маблағларидан таъминланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвири туширилган ва ўз номи битилган муҳрга эга.

Давлат божхона қўмитасининг функцияларига қуйидагилар киради:

- Ягона божхона сиёсати амалга оширилишининг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий механизмларини ишлаб чиқиш, уларнинг амалда қўлланилишини таъминлаш, божхона иши соҳасида қонун ҳужжатлари ва норматив ҳужжатлар лойиҳалари тайёрланишида қатнашиш;

- Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ишлаб чиқирилишида қатнашиш, белгиланган тартибда ва ўз ваколатлари доирасида божхона масалалари бўйича халқаро битимлар ва шартномалар тузиш;

- республиканинг божхона ҳудудида давлат хавфсизлигини, жамоат тартиби, инсон ҳаёти ва саломатлиги ҳимоя қилиниши, атроф муҳим муҳофазаси бўйича чора-тадбирлар амалга оширилишига қўмаклашиш;

- белгиланган тартибда божхона назорати амалга оширилишини таъминлаш ва унинг шаклларида такомиллаштириш;

- божхона қонунчилигига ва ўз ваколатлари доирасида – солиқ қонунчилигига риоя этилиши устидан назоратни такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

- божхона тартибга солиш воситалари қўлланилишини таъминлаш, божхона-тариф механизми ҳам шу жумлага киради, ташқи иқтисодий фаолиятни тарифли тартибга солиш усуллари, квоталаш нормалари, лицензиялаш ва декларация тақдим этиш ишлаб чиқирилиши ва амалга оширилишида белгиланган тартибда қатнашиш;

- божлар, солиқлар ва бошқа тўловлар давлат бюджетига ўз вақтида ва тўлиқ ўтказилишини таъминлаш;

- ўз ваколатлари доирасида валюта назоратини амалга ошириш;

– божхона статистикаси услубиятини такомиллаштириш, божхона иши соҳасида статистика маълумотлари тўпланиши, уларга ишлов берилиши ва таҳлил қилинишини ташкил этиш, республиканинг ташқи иқтисодий алоқаларини ривожлантириш, ташқи савдо ва тўлов балансини мустаҳкамлаш бўйича прогноз ҳисоб-китобларини амалга ошириш ва таклифларни ишлаб чиқиш;

– божхона иши соҳасидаги фаолият тўғрисида ахборот тўпланиши тизимини ишлаб чиқиш ва жори этиш, шунингдек божхона статистика маълумотларини тегишли идоралар ва манфаатдор органларга тақдим этиш;

– контрабанданинг, божхона қонунчилигининг, ўз ваколатлари доирасида солиқ қонунчилиги бузилишининг олдини олиш ва уларга барҳам бериш чора-тадбирларини мустақил равишда ёки ҳуқуқни муҳофоза қилиш органлари билан ўзаро ҳамкорликда ишлаб чиқиш, шунингдек халқаро терроризмга ва Ўзбекистон аэропортларида халқаро авиацияси фаолиятига ғайриқонуний аралашишга қарши курашишга кўмаклашиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва қўлаш;

– божхона органлари ваколатига тегишли бўлган ишлар бўйича суриштирувлар олиб бориш ва қонунчиликка мувофиқ божхона қоидалари бузилиши тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш;

– юридик ва жисмоний шахсларга нисбатан қонунчиликка назарда тутилган божхона қоидалари бузилганлиги учун таъсир кўрсатиш чораларини белгиланган тартибда қўллаш;

– гиёҳвандлик воситалари, психотроп ва портловчи моддалар, қурол-яроғ республиканинг божхона чегараси орқали ғайриқонуний олиб ўтилишининг олдидини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва қўллаш;

– республиканинг ва хорижий давлатларнинг ваколатли органлари билан биргаликда гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар назорат остида етказилиб берилишини амалга ошириш;

– Миллий хавфсизлик хизмати ва ички ишлар органлари билан ўзаро ҳамкорликда қонунчиликда белгиланган тартибда тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш;

– Айбдорларни жавобгарликка тортиш тўғрисидаги масалани ҳал этиш божхона органлар ваколатлари доирасидан ташқарига чиққанда қонун бузилишлари фактлар бўйича материалларни тергов, суд органлари ва бошқа органларга топшириш;

– божхона органларининг мансабдор шахслар томонидан қонунийликка риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш, божхона органлари мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатлари ва қарорлари устидан тушган шикоятлар ва эътирозларни белгиланган тартибда кўриб чиқиш;

– божхона органларига юкланган вазифалар ва функциялар амалга оширилишини таъминловчи илмий-техник хизматлар, лабораториялар, ўқув марказлари, бошқа корхоналар ва ташкилотларни ташкил этиш;

– божхона органлари ходимларини, шунингдек давлат органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар учун божхона расмийлаштириши бўйича мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

– божхона омборлари ва эркин омборлар, божсиз савдо дўконлари, божхона брокерлари ва божхона ташувчилари, товарларга божхонахудудидан ташқарида, божхона худудидан ёки божхона назорати остида ишлов бериш устидан назоратни амалга ошириш, шунингдек қонунчиликда белгиланган тартибда фаолиятнинг санаб ўтилган турларини амалга ошириш ҳуқуқга рухсатномалар бериш;

– халқаро божхона ва савдо ташкилотларида қатнашиш, хорижий давлатларнинг божхона органлари, божхона иши масалалари билан шуғулланувчи халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш, қонунчиликда белгиланган тартибда хорижий мамлакатларнинг божхона хизматлари билан ахборотни ўзаро айирбошлаш;

– божхона органларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, ташқи савдо юқларини божхона расмийлаштириши учун пунктлар тармоғини ва божхона инфратузилмасининг бошқа объектларини кенгайтириш ҳам шу жумлага киради;

– Давлат божхона қўмитасининг моддий ёрдам, ижтимоий ҳимоя қилиш, божхона органларини ривожлантириш ва кўзда тутилмаган харажатлар махсус жамғармасига тушадиган маблағлари ҳисобига республикада божхона ишини ривожлантириш чора-тадбирларини маблағ билан таъминлаш.

Давлат божхона қўмитасига қонун ҳужжатларга биноан бошқа функциялар ҳам юклатилиши мумкин.

Бошқарув тузилмаси ҳарқандай тизимнинг самарали фаолият кўрсатиши учун муҳим аҳамиятга эгадир.

Бошқарувнинг ташкилий тузилмаси деганда маскур даврда шакилланган ва бошқарув мақсадларига мувофиқ келувчи тизимнинг бўғинлилиги, унинг органлари ўртасидаги алоқа шакиллари тушунилади.

Республика божхона органларининг тузилмаси бошқарувнинг тўрт даражали тизимдан иборат бўлиб, марказий аппарат (Давлатбожхона қўмитаси), Давлат божхона қўмитасининг қорақалпоғистонРеспубликаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар бошқармалари (ДБҚБ), ихтисослаштирилган божхона комплекслари (ИБК) ва божхона постларини ўз ичига олади.

Давлат божхона қўмитаси марказий аппарат, ДБҚБ, ИБК юридик шахс ҳисобланадилар, банк муассасаларда ҳисоб-китоб, жорий ва бошқа

ҳисобварақаларига, шу жумладан валюта ҳисобварақаларига, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвирланган ва ўз номи ёзилган муҳрга эга бўладилар.

Давлат бошқаруви органининг ташкилий тузилмаси (ички тузилма) – унинг ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатидан нисбатан мустақил ва алоҳид, ўзаро боғлиқ бўлинмаларининг жамидир, уларнинг ҳар бири алоҳида ва улар барчаси биргаликда божхона органлари вколатига кирувчи вазифалар ҳал этилишини таъминлайди.

ўринбосар ва режим ва кадирлар бўйича бирчи ўринбосари, Давлат божхона қўмитасининг раҳбар бўғинини раис, раиснинг биринчи ўринбосари, икки айъат ташкил этади.

Давлат божхона қўмитаси раиси Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан тайинланади ва кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сессиясида тасдиқланади.

Давлат божхона қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари, ДБҚБ ва ИБК бошлиқлари Давлат божхона қўмитаси раисининг тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тайинланадилар.

Раис Давлат божхона қўмитасига бошчилик қилади, ўз ўринбосарлаи ўртасида вазифаларини тасдиқлайди, Давлат божхона қўмитасига юкланган вазифаларнинг бажарилиши ва у ўз функциядарини амалга ошириши учун шахсан жавоб беради. У Давлат божхона қўмитаси органлари тизимига умумий раҳбарликни таъминлайди, Давлат божхона қўмитаси марказий аппарати, ДБҚБ ва ИБК штат жадвалини тасдиқлайди.

Раис бундан ташқари:

- ДБҚ, ДБҚБ ва ИБК таркибий бўлинмалари тўғрисида низомни тасдиқлайди;

- Зарурат бўлганда ДБҚ марказий аппарати, ДБҚБ ва ИБК нинг тасдиқланган тузилмаларини белгиланган ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ўзгартиришлар киритади;

- божхона органларининг контрабанда, божхона қонунчилигини бузиш тўғрисидаги ишлар бўйича суриштирув олиб борувчи, божхона қоидалари бузилиши тўғрисидаги ишларни олиб борувчи ва уларни кўриб чиқувчи мансабдор шахслари рўйхатини белгилайди.

- ДБҚ мансабдор шахслари, ишчи ва хизматчиларни рағбатлантириш ва жазолаш тўғрисидаги қарорлар қабул қилади.

- ўз ваколатлари доирасида божхона органларининг мансабдор шахсларига махсус унвонлар берилади.

- ўз ваколатлари доирасида буйруқлар, йўриқномалар ва норматив ҳужжатлар чиқаради, шу жумладан, мулкчилик шаклларида қатъи назар, барча жисмоний ва юридик шахслар бажариши мажбур бўлган буйруқлар,

йўриқномалар ва норматив ҳужжатлар чиқаради. Уларнинг бажарилишини текширишни ташкил этади.

– Божхона органларининг ўрнатилган ходимларини ва божхона ишига фаол қўмаклашган фуқароларни мукофатлаш ва Ўзбекистон Республикасининг фахрий унвонини бериш, кўрак нишонлари, фахрий ёрлиқлар ва рағбатлантиришнинг бошқа турлари билан мукофотлаш тўғрисидаги таклифлар киритади.

– қонунчилик томонидан ўз ваколатига киритилган бошқа масалалар бўйича қарорлар қабул қилади.

ДБҚ раиси ёрдамчи ва котибиятга эга бўлади.

Раиснинг биринчи ўринбосари қўмитанинг ташкилий – инспекторлик бошқарувлари, ҳуқуқий бошқармаси шини юритади. Унга оммавий ахборот воситалари билан алоқа боғлаш бўлими, Марказий божхона экспорт лабораторияси, Миллий кинология маркази бевосита бўйсунди.

ДБҚ раисининг ўринбосарларидан бири божхона назорати, божларни тарифлар билан тартибга солиш ва тўловлар, божхона сиёсати, таҳлил ва компьютерлаштириш, валюта назоратини бошқариш билан шуғулланади.

ДБҚ раиси ўринбосарларидан иккинчиси молия-иқтисодиёт бошқармаси, моддий-техника бошқармаси, ашёвий таъминот, қурул-яроғ ва транспорт, капитал қурилиш ва божхона объектлардан фойдаланиш, назорат ва алоқанинг техника воситалари учун жавоб беради.

ДБҚ раисининг режим ва кадрлар бўйича ўринбосарлари кадрлар бошқармаси, ўқув маркази, ташқи алоқалар департаменти ва махсус қисм ишини бажаради.

ДБҚ раиси божхона органлари олдига қўйилган вазифаларни тезкорлик билан ҳал қилиш мақсадида бир қанча вазифаларни ўз ўринбосарлари ўртасида қайта тақсимлаши мумкин.

Давлат божхона қўмитаси топширилган иш участкасидаги ишларнинг аҳволи учун мансабдор шахсларнинг шахсий жавобгарлигини белгилаган ҳолда, органларнинг мазкур тизимига раҳбарлик қилишининг барча масалаларини қилиш этишда коллегиялик яккабошчилик қўшиб олиб бориш асосида ўз ишини ташкил этади.

Коллегиалик органни шакллантириш тартибида, раҳбарликни ташкил этишда, раҳбар бўғинлар ўртасида ваколатларни тақсимлашда ишнинг ташкилий ҳуқуқий шаклларида, божхона сёсатини амалга оширишда муҳим масалаларини ҳал этишда даъват этилган қўмитанинг мураккаб ва кўп қиррали фаолиятига мувофиқ келадиган қарорлар қабул қилиниши тартибида ўз ифодасини топади. Коллегиалик кўп органлари билан боғлиқ бўлган умумий раҳбарлик масалаларини ҳал этишда кўплаб кишиларнинг тажрибаси ва билимидан кенг фойдаланиш имконини беради. Бу коллегиял муҳокама ва ижодий мунозара жараёнида мураккаб масалар юзасидан тўғри қарорлар қабул қилиниши имконини беради. Коллегиял иш топширилган иш участкалари учун

раис ва хайъат аъзоларининг шахсий жавобгарлиги билан қўшиб олиб борилади.

Шу мақсадда Давлат божхона қўмитаси қўмита раиси – Хайъат раиси унинг ўринбосарлари ва ДБК нинг бошқа ходимларидан иборат таркибда 9 кишидан иборат хайъат ташкил этади.

Хайъат аъзоларининг шахсий таркиби ДБК Раисининг тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

ДБК Хайъатининг иш тартиби унинг Раиси томонидан белгиланади.

Хайъат қарорлари ДБК Раис буйруқлари билан амалга оширилади.

Хайъатнинг бошқа вазирликлар ва идоралар билан биргаликда қабул қилинган қарорлари ДБК раиси ҳамда тегишли вазирликлар ва идоралар раҳбарларининг қўшма буйруқлари билан амалга оширилади.

Божхона органлари фаолиятини такомиллаштириш, уларни илмий, ижтимоий ва моддий-техника ривожлантириш, кадрлар билан таъминлаш, бошқарув қарорлари ва тавсияларни келишган ҳолда ишлаб чиқиш учун ДБК да кенгашлар ва комиссиялар ташкил этилади, улар тўғрисидаги низомлар ДБК раиси томонидан тасдиқланади.

Органлар бошқаруви фаолияти хусусиятлари ва ҳажми улар аппаратининг тузилмасида намоён бўлади. Давлат қўмитаси бутун фаолияти натижалари кўп жиҳатдан органнинг ички тузилишига, унинг айрим қисмлари тузилишига, ваколатларнинг тақсимланишига, таркибий бўлинмаларнинг ўзаро муносабатларига боғлиқ бўлади.

ДБК нинг таркибий бўлинмалари қўмитанинг ишчи аппарати ҳисобланади. Уларнинг фаолияти хилма-хил бўлиб, бутун орган функциясининг ўзига хослигига боғлиқдир. Бу бўлинмалар турли материалларни тайёрлайди, ДБК га тегишли бошқа фаолиятни амалга оширади, жумладан, мувофиқлаштириш тусидаги функцияларни бажаради, маслаҳатлар, хулосалар беради, лойиҳаларни экспертизадан ўтказди, қўмита ҳужжатлари лойиҳаларини, ҳокимият ва бошқарувнинг юқори органларига таклифларни тайёрлайди. Шу муносабат билан улар ҳеч бир кўрсатма беришга ҳақли эмас. Улар томонидан таклифлар ва йўриқномалар, услубий кўрсатмалар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар лойиҳалари тайёрланади. Улар раис ёки қўмита хайъати томонидан тасдиқлангандан кейин кучга киради. Бироқ, улар ушбу бўлинмалар ваколатига кирувчи масалалар бўйича божхона сиёсатининг айрим масалаларини маслаҳатлашиш ва ишлаб чиқиш учун илмий-тадқиқот институтлари, ташкилотлар, давлат бошқаруви бошқа органларининг мутахассисларини жалб қилишлари, бошқармалар (бўлимлар) ваколатига кирувчи масалалар бўйича кенгашлар чақиришлари ва ўтказишлари мумкин, ушбу кенгашларда қатнашиш учун вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг вакиллари жалб қилишлари, улардан ушбу бошқармалар ва бўлимлар учун зарур барча материалларни олишлари мумкин.

Давлат божхона қўмитаси марказий аппаратида ташқари Давлат божхона қўмитасининг қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича бошқармалари ва ихтисослаштирилган божхона комплекслари аппарати мавжуд бўлиб, улар ҳам ўз тузилмасига эга. мазкур тузилма ихтисослаштирилган божхона комплекси бошлиғи, ДБКБ бошлиғининг биринчи ўринбосари, ДБКБ бошлиғининг икки ўринбосаридан иборатдир.

ДБКБ бошлиғи умумий раҳбарликдан ташқари божхона органлари хавфсизлиги хизмати, котибият, кадрлар бўлими, юридик хизмат, навбатчи қисм хизмати, оммавий ахборот воситалари билан алоқа гуруҳи ишини юритади.

ДБКБ бошлиғининг биринчи ўринбосарига божхона назоратини ташкил этиш, божхона тўловлари, божхона статистикаси ва таҳлил бўлимлари бевосита бўйсунди.

ДБКБ бошлиғининг ўринбосарларидан бири контрабандага ва божхона қоидалари бузилишларига қарши курашиш, божхона текширишлари, валюта назорати бўлимлари иши учун жавоб беради.

Божхона ўринбосар бухгалтерия ҳисоби ва назорат, моддий-техника таъминоти, ашёвий таъминот, қурул маслаҳатлар ва транспорт, капитал қурилиш а божхона объектларидан фойдаланиш, назорат ва алоқанинг техник воситалари бўлимлари ишига бевосита раҳбарлик қилади.

Давлат божхона қўмитасининг қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар бошқармалари божхона комплекслари ва постлари:

- божхона комплекси (пости) бошлиғи;
- божхона комплекси бошлиғининг ўринбосари – навбатчилар бошлиғи;
- контрабандага ва божхона қоидалари бузилишларига қарши курашиш гуруҳи;
- божхона назоратини ташкил этиш гуруҳи;
- божхона тўловлари гуруҳи;
- божхона статистикаси ва таҳлил гуруҳи;
- эксперт;
- кинолог;
- тезкор гуруҳдан иборат бўлади.

Божхона ҳақидаги қонунлар бузилиши ҳақида ишлар бўйича давлат божхона органлари суриштирув органлари ҳисобланади. Ушбу норма қонунчиликда Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 38-«Суриштирув органлари» моддасида мустаҳкамланган. қонунчилик божхона текширишлари бўлинмасини суриштирув органлари сирасига киритади. Бу уларда жиноий ишлар қўзғаш ва ўз ваколатлари доирасида тергов олиб бориш ҳуқуқи мавжудлигини аниқлатади.

Божхона органлари ходимлари прокуратура, суд ва милиция ходимлари сингари давлат ҳокимияти вакиллари ҳисобланади. Улар Жиноят ва Жиноят процессуал кодекслари нормаларига амал қилиб, божхона органлари ваколатига киритилган ҳуқуқбузарликлар бўйича зарур тезкор-қидирув чораларини ўтказишга, жиноят белгилари мавжуд бўлган тақдирда жиноий иш қўзғашга, суриштирув олиб боришга ҳақлидирлар.

Божхона органлари ходимлари прокуратура, суд ва милиция ходимлари сингари давлат ҳокимияти вакиллари ҳисобланади. Улар Жиноят ва Жиноят процессуал кодекслари нормаларига амал қилиб, божхона органлари ваколатига киритилган ҳуқуқбузарликлар бўйича зарур тезкор-қидирув чораларини ўтказишга, жиноят белгилари мавжуд бўлган тақдирда жиноий иш қўзғашга, суриштирув олиб боришга ҳақлидирлар.

Божхона органлари қонунийликка риоя қилган ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилишига йўл қўймаган ҳолда фақат божхона жиноятларини аниқлаш мақсадида тезкор-қидирув ишини юритишга ваколатли эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Бунда бошқа жиноятларнинг аниқланиши ахборотни ушбу жиноятларни текшириш ваколатига кирадиган ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига беришга олиб келади.

2.2. Давлат божхона органларининг ваколатлари

Божхона органларининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатларини ҳимоя қилиш;
- Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ва ўз ваколати доирасида унинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш;
- божхона сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиш;
- божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиш;
- божхона тўловларини ундириш;
- божхона назоратидан ўтказилиши керак бўлган товарлар ва транспорт воситалари шундай назоратдан ўтказилишини таъминлаш;
- божхона ҳақидаги қонун ҳужжатлари бузилишининг, шу жумладан контрабанданинг олдини олиш, уни аниқлаш ва уларга чек қўйиш;
- ташқи иқтисодий фаолиятга доир божхона статистикасини ҳамда товар номенклатурасини юритиш;
- Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларининг божхона ишига оид қисмидан келиб чиқадиган мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш.

Божхона органлари ўз ваколатлари доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эгадир:

- товарлар ва транспорт воситаларини, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса, жисмоний шахсларнинг ўзини кўздан кечириш;
- юридик ва жисмоний шахслардан кўздан кечириш учун товарлар ва транспорт воситаларини, шунингдек зарур ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилиш;

- валюта назоратини амалга ошириш;
 - молия, банк ва бошқа ташкилотлардан, шунингдек юридик ва жисмоний шахслардан экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ахборот ва ҳужжатларни ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ахборотни олиш;
 - божхона назоратидан ўтказиш мақсадида товарлар ҳамда бошқа буюмлардан намуна ва нусхалар олиш;
 - божхона назоратидан ўтказилиши лозим бўлган товарлар сақланаётган ҳудудларга ва биноларга белгиланган тартибда кириш;
 - божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларининг бузилишига доир материалларни белгиланган тартибда кўриб чиқиш ҳамда жисмоний ва юридик шахсларни қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортиш;
 - божхонага оид ҳуқуқбузарликларнинг бевосита предмети бўлган товарлар ва транспорт воситаларини қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибда ушлаб туриш ҳамда олиб қўйиш;
 - экспорт қилиниши ман этилган буюмлар ва маҳсулотлар ўзбекистон Республикасидан ташқарига олиб чиқиб кетилаётганда: шунингдек акциз маркалари қўйилмаган тамаки маҳсулотлари ва алкоғолли ичимликлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилганда, транспортировка (халқаро транзит бундан мустасно) қилинганда ва сақланганда уларни мусодара этиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
 - суриштирув ўтказиш ва тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш;
 - божхонага оид ҳуқуқбузарликларни аниқлашга хизмат қиладиган техникавий ва махсус воситаларни қўллаш.
- Божхона органлари қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эгадирлар.

Божхона органларининг қуйидаги мажбуриятлари мавжуд:

Божхона органлари:

- ягона давлат божхона сиёсатини рўёбга чиқаришда иштирок этишга;
- божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши, божлар тўғри ҳисобланиши, тўлиқ ва ўз вақтида тўланишини назорат қилишга;
- давлат хавфсизлигини, жамоат тартибини сақлаш, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлигини ҳимоя қилиш, атроф муҳитни муҳофаза этиш чора-тадбирлари амалга оширилишига кўмаклашишга;
- божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини қўлланиш бўйича белгиланган тартибда услубий кўрсатмалар ва норматив ҳужжатлар ишлаб чиқиш ҳамда уларни нашр этишга;
- юридик ва жисмоний шахсларни товарлар ва транспорт воситаларини олиб ўтиш ҳамда божхона чегарасидан ўтиш вақтидаги ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисида ўз вақтида хабардор қилишга;
- фаолият турлари билан шугулланиш ҳуқуқини берадиган махсус рухсатномаларни (лицензияларни) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда беришга;

– ўз хизмат вазифаларини бажаришлари натижасида ўзларига маълум бўлиб қолган давлат сири ва тижорат сири ҳисобланган ахборотни ошкор этмасликка мажбурдирлар.

Божхона органлари қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа вазифаларни ҳам бажарадилар.

2.3. Давлат божхона органларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ўзаро ҳамкорлиги

Божхона органлари ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни давлат бошқарувининг бошқа органлари ва давлат ҳокимияти маҳаллий органлари билан ҳамкорликда бажарадилар. Мазкур органлар божхона назоратини амалга ошириш ҳамда божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларининг бузилишига қарши курашда божхона органларига кўмаклашишлари шарт.

Божхона органлари ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни бажариш мақсадида бошқа органлар ва ташкилотлар билан аниқланган ҳуқуқбузарликлар бўйича мавжуд материаллар тўғрисидаги ахборотни, шунингдек бошқа ахборотни қонун ҳужжатларида ва битимларда белгиланган тартибда ўзаро алмашадилар.

Божхона органлари ўз ваколатлари доирасида чиқарадиган ҳамма учун мажбурий тусдаги норматив ҳужжатлар тегишли вазирликлар, идоралар билан келишилиши ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши лозим.

Божхона органлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўз ваколатларига кирадиган айрим ҳаракатларнинг бошқа органлар ва ташкилотлар томонидан бажарилишига йўл қўядилар.

Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш мақсадида банклар ва бошқа молия-кредит ташкилотлари:

- хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бюджет олдидаги мажбуриятларнинг божхона тўловларига оид қисмининг бажарилиши тўғрисидаги божхона органларининг хулосасига биноан ана шу субъектларнинг ҳисоб-китоб ва бошқа ҳисобварақларини ёпишлари мумкин;

- белгиланган муддатларда тўланмаган божхона тўловлари ва жарима суммаларини хўжалик субъектларидан сўзсиз тартибда ундириб олиш тўғрисидаги божхона органларининг фармойишларини (инкассо топшириқларини) бажарадилар;

- хўжалик субъектларининг сўмлардаги маблағлари етишмаса ва валюта ҳисобварақларида маблағлари мавжуд бўлса, божхона органларининг тақдимномасига биноан мазкур валюта маблағларини валюта биржасида сотиш кундаги курс бўйича бюджет олдидаги қарзни қоплаш учун зарур ҳажмларда сўзсиз сотишни амалга оширадилар.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг айби билан божхона тўловлари ва жарима суммаларини тўлаш кечиктирилган бўлса, шунингдек хўжалик юритувчи субъектлар ёки божхона органларининг божхона тўловларини ўтказиш ёки қайтариш тўғрисидаги топшириқлари банк ёки молия-кредит

муассасаларининг айби билан бажарилмаган бўлса (бажариш кечиктирилган бўлса), хўжалик субъектларидан, банк ёки молия-кредит муассасаларидан белгиланган тартибда пеня ундирилади.

Таянч сўз ва иборалар

1. Божхона органлари
2. Божхона кўмитаси
3. Божхона бошқармаси
4. Божхона комплекси
5. Божхона пости
6. Божхона органларининг ваколатлари
7. Божхона органларининг ҳуқуқлари
8. Божхона органларининг вазифалари
9. Божхона органларининг мажбуриятлари

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Божхона органлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари нималардан иборат?
2. Давлат божхона органларининг вазифалари нималардан иборат?
3. Давлат божхона органлари қандай ҳуқуқларга эга?
4. Давлат божхона органларининг мажбуриятлари мавжуд?
5. Давлат божхона органлари ўз фаолиятини амалга оширишида қандай давлат ҳокимияти органлари билан ҳамкорлик қилади ва бу ҳамкорликнинг аҳамияти қандай?

Фойдаланилган адабиётлар

Асосий адабиётлар: 1,2,3,4,5,6,7,9,11,18,19,22,23.

қўшимча адабиётлар: 30,33,34,36,38,40.

3-мавзу: Ўзбекистон Республикасининг божхона сиёсати (2 соат)

Режа:

3.1. Божхона сиёсатининг моҳияти.

3.2. Божхона сиёсатини амалга ошириш йўналишлари.

3.3. Божхона сиёсатининг асосий вазифалари ва принциплари.

3.1. Божхона сиёсатининг моҳияти

Ўзбекистон Республикаси суверен давлат сифатида қарор топган пайтдан бошлаб мустақил ички ва ташқи сиёсат олиб бормоқда ва халқаро даражада тенг ҳуқуқли субъект сифатида иш кўрмоқда. Минтақавий ва жаҳон даражасида қарорларни ишлаб чиқишда унинг нуқтаи-назари тобора кўпроқ ҳисобга олинмоқда.

Республикада олиб борилаётган самарали ички ва ташқи сиёсат, унинг жаҳон ҳамжамиятида ўзининг мавқеини, давлатлараро муносабатлар йўналишларида ўзаро фойдали ҳамкорлик қилишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсати ички сиёсат билан тўғридан-тўғри алоқадордир. Мустақил ташқи сиёсат олиб бориш, кўплаб давлатлар билан ҳар томонлама ҳамкорлик қилиш, ташқи сиёсатнинг халқаро даражада тан олинган принциплари ва асосий йўналишларини амалга ошириш ички сиёсатга ижобий таъсир кўрсатади, республикадаги илғор қайта ўзгартиришларга, бозор муносабатлари ривожланишига, демократик муассасалар мустахкамлашишига кўмаклашади.

Мустақиллик қўлга киритилгандан кейин ўзбекистон олдида биринчи марта унинг ички ва ташқи сиёсатининг ажралмас қисми бўлган ўз божхона сиёсатини мустақил ишлаб чиқиш ва олиб бориш имконияти вужудга келди. Ўзбекистон Республикаси божхона кодексининг 1-моддасида қайд этилишига кўра «Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи сиёсатининг таркибий қисми ҳисобланувчи ягона божхона сиёсати амалга оширилади».

Божхона сиёсатининг асосий мақсади Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудида самарали божхона назоратини ҳамда товарлар айирбошлашни тартибга солишни таъминлашдан, иқтисодиётнинг ривожланишини рағбатлантиришдан, ички бозорни ҳимоялашдан иборатдир.

Божхона сиёсатини ишлаб чиқиш ваколати Олий Мажлисга тегишлидир. Бу дунё давлатчилиги амалиётига тўлиқ мувофиқ келади. Ушбу амалиётга мувофиқ, давлат сиёсатини белгилаш ҳуқуқи давлат ҳокимиятининг қонунчилик базасида мустаҳкамланган. Божхона сиёсатига умумий раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси амалга оширади.

Божхона сиёсати - бозор муносабатлари шаклланиши шароитида сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларни динамик амалга ошириш мақсадида мамлакат ичида ва ташқи иқтисодий манфаатларни амалга ошириш ва ҳимоя

қилишга қаратилган божхона сиёсати соҳасида қонунчилик, ижроия ва назорат қилиш тусидага чора-тадбирлар тизимидир.

Бу Ўзбекистон божхона сиёсатининг энг умумий таърифидир. Ушбу таърифни аниқлаштириш учун давлат ички ва ташқи сиёсатининг таркибий қисми сифатида божхона сиёсатини кўриб чиқамиз.

Божхона сиёсати билан давлатнинг ички ва ташқи сиёсати ўзаро боғлиқлиги яққол кўриниб туради.

Биринчидан, божхона сиёсати давлат ички иқтисодий сиёсатининг таркибий элементи ҳисобланади. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида у янги иқтисодий уклад шаклланишининг муҳим омили, иқтисодий ҳаётнинг бозор муносабатларига монанд илғор шакллари барпо қилишнинг воситаси ҳисобланади. Божхона сиёсати бож тарифлари ёрдамида на тарифларсиз бошқариш воситаларидан фойдаланиб, ички иқтисодий сиёсатнинг қуйидаги бир қанча асосий вазифаларини ҳал этишга қаратилади:

- миллий иқтисодиётнинг ҳар томонлама ривожланишини рағбатлантириш;
- ички бозорни ҳимоя қилиш;
- таркибий қайта ўзгартиришлар амалга оширилишига кўмаклашиш;
- бюджетнинг даромад қисмини шакллантириш.

Божхона воситалари - ҳуқуқий, бож тарифлари, ташкилий, божхона назорати ва бошқа воситаларнинг аҳамиятини пасайтириб кўрсатиш ва уларга бўлган эътиборни сусайтириш мамлакат иқтисодий манфаатларига жиддий зарар етказиши ва сиёсий, иқтисодий ҳамда ижтимоий ислохотлар йўлидаги ҳаракатга тўсқинлик қилиши мумкин.

Иккинчидан, божхона сиёсати ички сиёсатнинг таркибий қисми сифатида ўз хусусиятига кўра давлат манфаатларини, корхоналар, тадбиркорлар, фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи ҳисобланади. У ички бозорга ташқаридан бузғунчи унсурлар кириб келишидан ҳимоя қилишга даъват этилгандир.

Божхона сиёсатининг ҳуқуқий муҳофаза қилувчи функцияси божхона назорати воситаларидан самарали фойдаланишга асосланади. Бундай воситаларга қуйидагилар киради:

- божхона назорати мақсадида божхона назорати зоналарини ташкил этиш, божхона назоратига кўмаклашиш ва уни амалга ошириш учун мутахассислар ва экспертларни жалб қилиш;
- божхона органларининг мансабдор шахслари томонидан божхона мақсадлари учун зарур бўлган ҳужжатлар ва маълумотларнинг текширилиши;
- товарлар ва транспорт воситаларини кўздан кечириш, шахсий буюмларни кўздан кечириш, ҳисоб-китоб тизимини текшириш, вақтинча юк сақланадиган омборлар ва жойлар ҳудудини, божхона омборларини кўздан кечириш;
- божхона назоратининг танлаб текшириш принципини қўллаш, ғайриқонуний зарар етказилишига йул қўймаслик.

Учинчидан, божхона сиёсати Ўзбекистон ташқи сиёсатининг ажралмас қисми сифатида давлатимизнинг ташқи иқтисодий манфаатларини таъминлаш

ва амалга ошириш мақсадларига хизмат қилади, унинг ташқи иқтисодий фаолиятини амалга оширишнинг асосий воситаларидан биридир.

Самарали божхона сиёсати миллий иқтисодиётни жаҳон бозори конъюнктурасининг кескин ўзгаришларидан ҳимоя қилишга, унинг жаҳон ҳўжалигига қўшилишига фаол кўмаклашишга даъват этилгандир. Ўзбекистоннинг божхона иши соҳасида ҳамкорликда қатнашиши ушбу йўналишдаги жуда муҳим кадам ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг божхона сиёсати жаҳондаги сиёсий ва ижтимоии-иқтисодии шарт-шароитлар нисбатан тез ўзгараётганлигини ҳисобга олиб, динамик, ҳаракатчан, мослашувчан бўлишга, айтилиб ўтган вақтда Ўзбекистон Республикаси жаҳон ҳўжалигига қўшилаётган бир шароитда гап иқтисодий суверенитет, ватан иқтисодиётини рағбатлантириш, мамлакатнинг туб манфаатларига риоя қилиш тўғрисида борар экан, етарлича барқарор бўлишга даъват этилгандир. Бунга божхона сиёсати ўз ривожланишининг умумий асосланган концепциясига таянгандагина эришиш мумкин.

Божхона сиёсати тамойили уч элементга асосланади.

1. Иқтисодиётдаги аҳволни таҳлил қилиш. Оқилона божхона сиёсати ана шундан бошланади. Таҳлил макродаражада - мамлакат иқтисодиётининг аҳволи, унинг бюджетга, тўлов баланси ва бошқа макроиқтисодий кўрсаткичларни ўрганиш, аниқ, бозорлар даражасида эса, талаб ва таклиф нисбатини, миллий ва хорижий таклифни, товарларнинг сифат тавсифини, рақобатни ва жазоларни ўрганиш асосида амалга оширилади. Таҳлил давомида ҳал этилмаган муаммолар аниқланади, уларни ҳал этиш, салбий ҳодисаларни бартараф этиш ёки бартараф этмасликнинг муқобил оқибатлари баҳоланади.

2. Мақсадларни таҳлил қилиш. У барча имкониятларни аниқлашдан, яъни мақсадларни умумлаштиришдан бошланади, сўнгра ҳар бир мақсаднинг хусусияти аниқланади. Ушбу мақсадлар дастлабки, бевосита ёки пировард, микдорли ёки сифатли, қисқа муддатли ёки ўрта муддатли мақсадлар бўлинади. Айрим мақсадларга бир вақтнинг ўзида турлича тавсифлар берилиши мумкин. Бундай ҳолда замонавий вазиятдан келиб чиққан ҳолда уларнинг асосийларини кўрсатиш зарур. Мақсадлар шунингдек уларнинг иқтисодиётга таъсир кўрсатиш кўламлари ва ҳаражатларнинг микдор кўрсаткичлари, институционал, молиявий ва кадрлар таъминоти, имкониятлари бўйича ҳам фарқланади. Сўнгра мақсадлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар аниқланади, улар уйғун, бетараф ёки низоли бўлиши мумкин.

3. Божхона орқали тартибга солиш воситалари қўлланишини таҳлил қилиш. Божхона сиёсати концепциясини ишлаб чиқишда айрим тартибга солувчи воситалар қўлланилиши шартларини, айрим воситаларнинг биргаликда қўлланилиши даражасини, уларнинг мақсадга мувофиқлигини, уларни қўллашдан қўриладиган қўшимча самараларни, тартибга солиш воситалари самарадорлигини ва уларни зарурлигининг етарлича асосланганлигини аниқлаш муҳимдир.

Божхона орқали тартибга солишда бир-бирини тўлдирувчи, бироқ, турлича асосга эга бўлган воситалар гуруҳидан - маъмурий ва иқтисодий воситалардан фойдаланилади. Маъмурий воситалар ҳукумат томонидан қабул қилинадиган

қарорларга асосланади, улар молиявий рағбатлантириш чора-тадбирлари, моддий манфаатдорлик ёки тартибга солувчи органларнинг жазо жарималари билан боғлиқ бўлмайди, яъни улар товарлар ва сармоя айланишининг иқтисодий шарт-шароитларини эмас, балки улар ҳаракатининг ташқи имкониятини белгилайди.

Тартибга солишнинг классик маъмурий воситалари уч турга бўлинади: тақиқлаш, рухсат бериш ва мажбурлаш. Масалан, давлат органлари у ёки бу товар (курол-яроғ, алкоголь, дори-дармонлар) импортини таъқиқлаши, ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларини божхона назоратидан ўтишга мажбур қилиши мумкин ва бошқалар. Таъқиқлаш, рухсат бериш ва мажбур қилиш лицензия берилиши ёки уни бериш рад этилиши, қонунлар ва қонунлар асосида ҳужжатлар қабул қилиниши орқали амалга оширилади.

Тартибга солишнинг тарифсиз усуллари маъмурий усуллар ҳисобланади. Уларга қуйидагилар киради:

- ташқи иқтисодий битимларни лицензиялаш ва квоталаш;
- товарлар мамлакат ҳудудига олиб кириш ёки чиқишга доир бўлган чеклашлар;
- товарни сертификатлаш;
- импорт учун тўловлар режимида мустаҳкамланган чеклашлар;
- миллий таркибий, техник ва санитария талаблари оқибати ҳисобланган чеклашлар;
- давлатнинг импорт операцияларида қатнашиши билан боғлиқ чеклашлар ва бошқалар.

Божхона орқали тартибга солишнинг иқтисодий воситаларига энг аввало бож тарифи ҳамда экспорт ва импорт товарларига солиқ солиш тегишлидир. Улар бозор муносабатлари шаклланиши шароитида марказий ўринда туради.

Ўзбекистон қонун ҳужжатлари билан назарда тутилган янги божхона тарифи халқаро нормаларга тўлиқ жавоб беради ва халқаро Конвенция томонидан жорий этилган товарларни таърифлаш ва кодлаштиришнинг уйғунлаштирилган тизимига асосланади. Ушбу ҳужжатнинг қўлланиши Ўзбекистоннинг халқаро савдо тизимида тўла ҳуқуқ билан қатнашиши учун шарт-шароитлар яратиш имконини беради.

Божхона орқали тартибга солишнинг маъмурий ва иқтисодий воситалари божхона иттифоқлари ва божхона конвенцияларида қатнашиш, эркин савдо зоналари ташкил этиш, божхона назоратининг давлат органлари тармоғини барпо этиш, божхона фаолиятининг зарур қонунчилик нормаларини қабул қилиш орқали амалга оширилади.

Божхона сиёсати концепцияси ишлаб чиқиши божхона орқали тартибга солишнинг реал амалиётидан олдинда бориши керак, яъни у аниқ мақсадлар қўйилиши ва улар амалга оширилишига ахвол ўзгартиришини англаган зарурияти сифатида шакллантирилиши керак. Агар концепция давлат бошқарув аппаратининг иқтисодий-сиёсий экспериментлари жараёнида шаклланса божхона сиёсатидан орқада қолиши ҳам мумкин.

3.2. Божхона сиёсатини амалга ошириш йўналишлари

Кўплаб мамлакатларнинг тадбиркорлари ўз миллий бозорларига хорижий рақобатчиларни киритмаслик мақсадида турли чора-тадбирларни қўллайдилар. Уларнинг кўзлаган манфаати хорижий рақобат бўлишига имкон бермайди, ишлаб чиқаришни доимий равишда янгилашга, чиқимларни пасайтиришга, товарлар ва хизматлар сифатини оширишга мажбур қилади.

Истеъмолчиларни эса кўпроқ яхши ва арзон молларга эга бўлиш қизиқтиради, товарнинг келиб чиқиши ва уни ким ишлаб чиқариши улар учун у қадар муҳим эмас.

Ушбу вазият жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида иқтисодий ва сиёсий ихтироларнинг доимий манбаи ҳисобланади. ҳукумат ўз иқтисодий сиёсатини шундай ишлаб чиқиши керакки, мамлакат бозорларида импорт товарлари пайдо бўлишидан ушбу мамлакат ютиб чиқиши керак.

Давлат товарлар олиб кирилиши (олиб чиқилиши)ни чеклаши ёки аксинча рағбатлантиришига боғлиқ равишда иқтисодий ва божхона сиёсатининг тўртта асосий тури фарқланади.

1. қисман чеклашлар сиёсати ички бозорга товарларнинг муайян турлари, масалан, мамлакат мафқураси ва аҳолининг турмуш тарзига зид бўлган кино ва видео маҳсулотлари, босма нашрлар кириб келишига йўл қўймаслик мақсадида ўтказилади.

2. Протекционизм сиёсати ички бозорни хорижий рақобатдан ҳимоя қилиш. Одатда, у экспорт ишлаб чиқаришни у ёки бу даражада импортнинг ўрнини босишни рағбатлантириш билан бирга қўшиб олиб борилади. Башарти, миллий ишлаб чиқариш рақобатга бардошли бўлмаса, тадбиркорлик тузилмаларининг қистови билан давлат томонидан қабул қилинади. Протекционизм – миллий товар ишлаб чиқарувчиларига алоҳида имтиёзли шароитлар яратиб беришдир, бу эса миллий иқтисодиётда турлича оқибатлар олиб келиши мумкин.

Бир томондан, импортнинг чекланиши истеъмолчиларга ва умуман мамлакатга зарар етказди, чунки халқаро меҳнат тақсимооти афзалликларидан фойдаланилмайди. Юқори божлар солиниши орқали миллий ишлаб чиқарувчиларга вужудга келтириладиган имтиёзли шартлар технологик жиҳатдан эскирган ишлаб чиқариш консервация қилинишига олиб келиши мумкин (монополия самараси).

Иккинчи томондан, хорижий рақобатчиларга қарши протекционистик чоралар кўрилишида маҳаллий тадбиркорларни ҳимоя қилиш миллий компаниялар ва фирмалар шаклланиши пайтида жуда зарурдир. Бу ҳўжалик юритишнинг янги шаклларига ўзини сақлаб қолиш, куч тўплаш имконини беради.

Мисол учун, япон автомобилсозлигининг шиддатли муваффақияти кўп жиҳатдан ҳукумат ҳозир машҳур бўлган «Мазда», «Ниссан», «Тойота» фирмалари қарор топиши шароитида ўтказган протекционизм сиёсати билан изоҳланади. 1932 йилда ҳукумат ҳали унча ўзини тутиб олмаган автокомпанияларни автомобил индустриясининг америкалик гигантлардан ҳимоя қилиш учун хорижий машиналар ва эҳтиёт қисмлар импортига доир

божларни кескин оширди. Бу мамлакатнинг узоқ муддатли иқтисодий манфаатлари билан унинг фуқаролари айрим гуруҳлари манфаатлари ўртасидаги зиддиятга классик мисол бўла олади. Агар халқаро савдодан ва халқаро меҳнат тақсимоотида қатнашишдан бугун мамлакат деярли ҳамма вақт ютиб чиқса, унинг фуқароларининг айрим гуруҳлари бундан зарар кўриши мумкин ва улар «миллий иқтисодиёт»ни ҳимоя қилишни талаб қиладилар.

Мазкур муаммо, агар арзон ва сифатли хорижий маҳсулотга эшик очиб қўйиладиган бўлса, кўплаб тармоқлар ички бозорда импорт товарлар билан рақобатлаша олмайдиган МДХда жуда кескин бўлиб турибди. Бунда кўплаб корхоналар синади ва ёпилади, уларда ишлаганлар эса яшаш учун бошқа имкон қидиришади. Масалан, 1992 йилдаёқ Эстониядан импорт қилинган гўшт Россиянинг маҳаллий фермалари маҳсулотидан арзон бўлган вазият вужудга келди (айниқса Эстонияга қўшни бўлган Псков вилоятидагилар учун). Россия шаҳарлари аҳолиси учун импорт гўшти истеъмол қилиш фойдали бўлган бўлур эди, бироқ у ҳолда Россия чорвачилиги ўз товари сотиладиган бозордан маҳрум бўларди ва ўз харажатларини тезликда пасайтириш имконига эга бўлмаганлиги сабабли хонавайрон бўларди. Шунга ўхшаш вазият енгил ва озиқ-овқат саноати, майший электротехника ва бошқа тармоқлар учун ҳам реалдир. МДХ бозори давлат томонидан тартибга солиш, энг аввало божлар (тарифлар) билан тартибга солиш чора-тадбирлари ёрдамида импорт товарлари кенг кириб келишидан узоқ вақт қўриқланиши эҳтимоли мавжуд.

Протекционизм сиёсати ривожланаётган мамлакатларда айнқса кенг қўлланилади. Ундан таркибий ўзгартиришларни амалга оширишда, импортнинг ўрнини босиш мақсадида миллий саноатни қўллаб-қувватлашда фойдаланилади.

3. Эркин савдо сиёсати («фритредерлик») - ташқи савдода чеклашларни энг оз даражада камайитириш. Одатда, у бозорда етакчи мавқега эга бўлган, ўз товарларининг рақобатга бардошлилигидан хавотирда бўлмаган мамлакатлар томонидан ўтказилади.

Божхона сиёсати кўп даражада олиб кириладиган маҳсулот ички ишлаб чиқариш билан рақобатлаша олмайдиган ёки муҳим тармоқлар учун хом ашё ҳисобланган мамлакатларда ҳам эркин савдога йуналтирилган бўлади. Агар импорт ички ишлаб чиқариш билан рақобатга киришмаса, мамлакатнинг сиёсий кучлари у харидорга имкони борица арзонроқ етиб бориши ҳақидаги фикрга келишади. ҳеч бир нарсани ҳимоя қилишнинг ҳожати бўлмаганда протекционизм ўзини оқламайди. Шунга ўхшаш хорижий ишлаб чиқариш билан рақобатлашадиган тармоқларга нисбатан тармоқ учун муҳим хом ашё ҳисобланган товар, гарчи бундан истиснолар бўлса ҳам, одатда бождан озод қилинади (ёки у жуда оз бўлади).

4. Тақчил бозорни тўлдириш сиёсати - «тескари протекционизм». Ушбу сиёсат миллий бозор ниҳоятда тақчил бўлган тақдирдагина самарали бўлади.

Ушбу стратегия унсурларидан 80-йиллар охири 90-йиллар бошларида Ўзбекистонда хорижий товарларни жалб қилиш мақсадида фойдаланилди. Ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги эски, режали алоқаларнинг барҳам топиши, янги мустақил давлатларни тушкунликка солиб қўйган ишлаб чиқаришнинг

пасайиши деярли барча товар бозорларида тақчилликни келтириб чиқарди. Импорт божларининг бекор қилиниши, имтиёзли кредит бериш ва бошқа чоралар 1995 йил ўрталарига келиб тақчиллик муаммоси кун тартибидан олиб ташланишига кўмаклашди.

Бирон-бир сиёсатни жорий этиш шартлари, улар барча товарлар ва бозорлар бўйича ўтказилса, қаттиқ булиши мумкин. Агар бу айрим товарлар ва бозорлар бўйича ўтказилса, шарт-шароитлар юмшоқ бўлиши мумкин.

Юмшоқлик кўпчилик давлатларга ўз фаолиятида бир қанча ташқи иқтисодий стратегияларни бирга қўшиб олиб бориш имконини беради, Масалан, умумий бозор мамлакатлари бир-бирлари билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари савдосида протекционизмни маъқул кўришади, айтилиши вақтда бошқа кўпчилик давлатларга нисбатан эркин савдо стратегияси танланган. АҚШ кўплаб товарлар бўйича Японияга нисбатан эркин савдо принципларини қўллайдди, бироқ бу мамлакатлар ўртасида автомобилсозликда ўзаро протекционизм мавжуддир, у кўпинча «савдо урушлари»га олиб келади.

«Савдо уруши» - халқаро савдо йўлларидаги энг охириги чекловдир. У ўзида икки мамлакат ҳукуматлари томонидан уларнинг ички бозорларига бир-бирларининг товарлари кириб келишини ўзаро чеклаш чоралари қабул қилинишини ифодалайди.

Масалан, 1992 йил сентябрь ойида АҚШ ва Хитой мана шундай уруш ёқасига келиб қолди. ХХРнинг АҚШдан импорт қилинадиган товарлар йулига тўғридан-тўғри тақиқлар, квоталар, лицензиялар, сифат стандартларига риоя қилишга нисбатан оширилган талаблар кўринишида белгаланадиган тўсиқларни олиб ташлашни рад этиши бунга сабаб бўлди. Агар хитойликлар АҚШ билан савдода сезиларли устунликка эришмаган бўлганларида Хитой маъмурларининг бундай ҳатти-ҳаракатига муносабат бунчалик кескин бўлмаслиги мумкин эди. 1991 йилда Хитой томони АҚШга ўзлари сотиб олганга нисбатан 12,7 млрд. долларлик кўп товар сотган. Айнан мана шу ҳолат АҚШ ҳукуматининг расмий вакилларида бирини қуйидагича баёнот беришга мажбур қилди: «Хитой халқаро савдо тизимида тезлик билан энг муҳим мамлакатга айланмоқда. Биз бундай савдо даражасига эга бўлган мамлакатга ўз қоидалари билан ўйнаш имконини бера олмаймиз. Агар улар экспортдан фойда олишмоқчи бўлса, импортга ҳам рухсат беришлари керак».

Ушбу нуқтаи назарга мувофиқ, АҚШ Хитойга ушбу мамлакатдан импорт қилинадиган товарларнинг кенг доирасига (йилига салкам 4 миллиард долларлик) олгунчалик юқори божлар белгилаш ниятини эълон қилди. Бунга кўра, Хитой товарларининг нархлари Америка бозорида икки барабар ошиши керак эди. Бунга жавобан хитойлик маъмурлар бундай ҳолатда улар ҳам Америка товарларига, шу жумладан, компьютерлар, самолётлар, автомашиналар ва бошқаларга ана шу миқдорда, яъни 4 млрд. долларлик жазо тариқасидаги бож тарифлари жорий этишлари ҳақида баёнот беришди.

«Савдо урушлари»нинг узоқ йиллик тажрибаси энг ривожланган мамлакатларни бунда ҳар иккала томон мағлубиятга учраяжаги, яхшиси «жанговор ҳаракатлар» бошланиб кетишига йўл қўймаслик ҳақидаги фикрга олиб келди. Бу халқаро савдода экспортни ихтиёрий чеклашни туғдирди.

АҚШ ва Япония арзон япон автомобиллари экспорти туфайли доимий равишда «савдо уруши» ёқасида туради. АҚШ иқтисодиётида автомобиль саноати анъанавий равишда алоҳида ўрин тутишини ҳисобга олганда бунинг атрофида ҳиссиётлар қанчалик қайнашини тасаввур қилиш қийин эмас. Япон автомобилсозлари ўз машиналарининг АҚШга сотилиши тўлиқ тақиқланиши хавфининг олдини олиш учун ўз маҳсулотининг Америкага экспорт қилинишига чеклаш жорий қилишга рози бўлишди, Япония ҳукумати эса Америка товарлари импортига чеклашни сусайтирди.

3.3. Божхона сиёсатининг асосий вазифалари ва принциплари

Ўзбекистон Республикасининг ўз мустақил божхона сиёсатини амалга ошириши Божхона кодексининг 1-моддаси 2-қисмида назарда тутилган мақсадларга эришишга қаратилган.

ҳар қандай фаолият унга аниқ ва тўғри риоя қилиш исталган натижалар бериши мумкин бўлган приципларга, яъни ушбу фаолият олдида олдиндан қўйилган мақсадларга асосланади. Мақсадларнинг ўзи эса, ўз навбатида, вазифаларда аниқлаштирилади. Бу вазифалар божхона сиёсатининг турлитуман воситаларидан фойдаланиш орқали амалга оширилади.

Божхона сиёсати муайян мақсадлар, принциплар ва вазифаларни ўз ичига олувчи концепцияга асосланади.

Божхона сиёсатининг асосий вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:

- миллий иқтисодиётнинг таркибий қайта қурилишига кўмаклашиш;
- мамлакат иқтисодиётининг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви;
- бозорнинг мавжуд бўлиши учун шарт-шароитлар яратиш;
- мамлакатнинг савдо ва тўлов балансини мустаҳкамлаш;
- давлат бюджети даромадларининг ўсиши;
- давлатнинг савдо сиёсий негизлари мустаҳкамланиши;
- хорижий давлатлар ва улар иттифоқларининг камситувчи ҳатти-ҳаракатларига қаршилик кўрсатиш;
- корхоналар, ташкилотлар ва тадбиркорларнинг ташқи бозорга чиқишини таъминлаш.

Ушбу вазифаларнинг айримларини, энг аввало, божхона сиёсатининг иқтисодиётни таркибий қайта қуришни рағбатлантиришга йўналтирилганлигини кўриб чиқамиз.

Бозор иқтисодиёти шароитида таркибий қайта қуриш рақобат таъсири остида юз бераётган сармоя ва ишчи кучининг тармоқлараро оқими асосида амалга оширилади. Кўргазмали бўлиши учун бирмунча схематик бўлган, бироқ бозор рағбатлари таъсири остида намоён бўлувчи таркибий қайта қуриш жараёнини аниқ акс эттирувчи мисолни кўриб чиқамиз.

Айтайлик, қайсидир миллий иқтисодиётда икки тармок: фойда нормаси 8 фоизни ташкил этувчи А тармоғи ва фойда нормаси 16 фоиз булган Б тармоғи мавжуд. А тармоғи Б тармоғига қараганда кам рентабелли, чунки унда ишлаб чиқариш чиқитлари юқори. Мамлакатнинг ички бозорига ўз товарлари билан кириб келувчи хорижий рақобатчиларда эса ишлаб чиқариш чиқимлари А

тармоққа нисбатан паст ва тегишлича фойда нормаси, дейлик, 16 фоиздир. Хорижий рақобатга дош беролмаган А тармоғи протекционистик чоратадбирлар белгиланиши мақсадида давлатга таъсир кўрсатиши тушунарли.

Ушбу вазиятга давлат таъсирининг иккита мумкин бўлган вариантини кўриб чиқамиз.

Биринчи вариант - божхона ҳимояси мавжуд эмас, савдонинг мутлақ эркинлиги режими амал қилади. Исталган инвестиция ечими фойда нормасининг энг юқори бўлишидан келиб чиқади. Б тармоғи капитал қўйилмалари учун жозибалироқ бўлади. А тармоғида реинвестиция фаолияти секинлашади, айтилиши вақтда Б тармоғи ўзига сармояни жалб қила бошлайди.

Сармоянинг оқишидан кейин иш кучининг А тармоқдан Б тармоқга кўчиши юз беради. Эркин савдо шароитларида ишлаб чиқариш ресурсларидан самаралироқ фойдаланилади. Мана шу нарса бозор шароитларида миллий иқтисодиётни таркибий қайта қуриш ҳисобланади.

А тармоқ қайта қурила олмас экан, унда битта йўл қолади, яъни давлатдан импортга божхона чекловлари жорий этилишини сўраш. Бу иккинчи вариант - божхона ҳимояси режими бўлади. Бундай режим шароитида савдо эркинлиги бирмунча чекланади. Божхона тўловлари, квоталар ва божхона сиёсатининг бошқа воситалари ёрдамида импорт товар нархи сунъий равишда оширилади. Бу эса А тармоғига, ўз навбатида маҳсулотга нархларни ошириш имконини беради. Натижада унинг рентабеллиги, айтилиши, 8 пунктга ошади, бу эса суммада 16 фоизни ташкил этади. Бир хил рентабеллик сармоя ва иш кучининг тармоқлараро кўчиши тўхтатилишини англатади. Шаклланган иқтисодий тузилманинг ўзига хос консервацияси юз беради. Бирмунча илғор Б тармоғининг ривожланишига кенглик бериш ўрнига давлат қолоқ А тармоғини сунъий равишда қўллаб-қувватлайди.

Божнинг ишлаб чиқариш тузилмасига таъсирининг келтирилган назарий модели бозор муносабатлари шароитларида ташқи иқтисодий алоқаларни эркинлаштириш фойдасига яна бир далилдир. Бироқ амалиётда ҳаммаси бундай онсон эмас. Эркин савдонинг ўзаро фойдалилигига қарамай, халқаро айирбошлашни эркинлаштирил-гандан кўрилган ижобий самара ҳамкорлар ўртасида вақт жиҳатидан нотенг тақсимланади. Дастлаб бундай самарани кучли томон, сўнгра кучсиз томон олади. Ушбу вақтинчаликлар қуйидаги ҳолатлар натижаси ҳисобланади. Кучли иқтисодиётда тузилма, одатда, кўп даражада халқаро меҳнат тақсимооти талабларига мувофиқ келади, кучсиз иқтисодиётда, табиийки кам даражада мувофиқ келади. Мана шунинг учун ҳам кучли иқтисодиёт ички бозор ҳимояси сусайтирилишидан дарҳол фойда олади. Кучсиз иқтисодиёт эса қайта қуришнинг муайян даврини босиб ўтиши керак, сармоя ва ишчи кучининг тармоқлараро кўчиши фаоллашишини, тармоқ шунингдек инвестицияларнинг такрор ишлаб чиқариш ва технологик тузилмалари мақбуллашишини кутиши лозим, бу нарса сўзсиз ижтимоий муаммолар кескинлашиши билан биргаликда юз беради.

Ўтиш иқтисодиётида, одатда, миллий ишлаб чиқарувчиларнинг хорижий ишлаб чиқарувчилар билан тенг ҳуқуқли рақобати учун зарур шарт-шароитлар мавжуд бўлмайди. Эркин бозор кучларининг ҳаракати маҳсулот импорти билан

рақобатлашувчи миллий ишлаб чиқарувчиларнинг хонавайрон бўлишига олиб келади ҳамда иш билан таъминланишни пасайтиради, маҳсулотни пировард қайта ишловчи тармоқларни емиради ва бу билан иқтисодиётнинг хом ашёвий йўналтирилганлигини консервациялайди. Бу таркибий қайта қуриш жараёнларини божхона сиёсати воситалари билан давлат томонидан тартибга солишни тақозо этади.

Протекционистик чора-тадбирлар миллий саноатнинг мустаҳкамланишига кўмаклашади. Амалиётнинг кўрсатишича мамлакатларда протекционистик чора-тадбирларнинг вақтинча жорий этилиши ўзини оқлашни кўрсатади, чунки улар туғилиб келаётган ўз индустрияси тажриба тўплаётган ва ишлаб чиқариш чиқимлари тарифга таянмасдан импорт маҳсулот рақобатига қарши туриш имконини берувчи даражагача пасайган пайтда ушбу вақт мобайнида замонавий саноат маҳсулотлари импортини жиловлаб туради.

Жаҳоннинг янги ривожланган кўпчилик мамлакатлари индустриалаштиришни протекционизмдан бошлашди ва эркин савдога аста секин ўтишди. Ушбу йўлда улар аралаш савдо режимларига эга бўлишди, яъни экспорт қилувчиларни экспорт субсидиялари орқали рағбатлантириш, мақсадли кредитлар, шунингдек ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари ва ярим тайёр маҳсулотлар импортининг солиқлардан озод қилиниши. Айни бир вақтда улар тайёр саноат товарлари импортига 30-70 фоиз тарифлар белгилашди.

Ушбу мамлакатлар ҳукуматлари, шунингдек ривожланишни жадаллаштиришга мақсадли ва субсидияли кредитларни танланган тармоқларга бериш, фойданинг ўсиши ва ишлаб чиқарувчи сармоя самараси мақсадларида депозитлар ва кредитлар бўйича нисбатан паст фоиз ставкалари белгилаш, импортнинг ўрнини босувчи ишлаб чиқаришларни ҳимоя қилиш, амалий тадқиқотларга давлат инвестициялари, экспортга йўналтирилган тармоқлар ва корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлаш ва уларга алоҳида устунлик бериш, ташқи бозорларни ўрганиш бўйича ташкилотларни ривожлантириш ва экспорт товарларни олдинга силжитиш орқали мунтазам равишда аралашиб туришди. Танланган товарлар бўйича экспорт бозорларини эгаллаш стратегияси сармоянинг ва кўникмаларнинг юқори суръатларда жамланиши, ресурслардан самарали фойдаланиш ҳамда меҳнат унумдорлигининг ўсиши билан бирга қўшиб олиб борилди.

Таркибий қайта қуришни амалга ошириш ва янги тармоқлар ривожланишини қўллаб-қувватлаш заруриятидан ташқари, ўтиш иқтисодиётига эга бўлган мамлакатларда импортга доир бож тарифларини тартибга солиш воситаларидан фойдаланилиши мақсадга мувофиқ келадиган бир қанча сабаблар мавжуддир. Улардан бири - бюджетни тўлдириш бўйича божхона сиёсати олдида турган вазифадир. Давлат бюджети даромади манбаи сифатида тариф ҳимоясидан фойдаланиш фойда келтириши ва ҳатто иқтисодий сиёсатнинг бошқа воситаларига нисбатан самаралироқ восита бўлиши мумкин. Аҳолининг турмуш даражаси паст бўлган ёш, мустақил давлат учун ҳукуматнинг ижтимоий эҳтиёжларни солиқлар йиғиш ҳисобига таъминлашга қодир эмаслиги асосий муаммо бўлиши мумкин. Мавритания каби камбағал мамлакат, агар юқумли касалликлар, қишлоқ хўжалик ерларининг

мелиорацияси, бошланғич таълимни ривожлантириш, миллий муҳофизат мустаҳкамлаш устидан назорат каби хизматлар ҳажмини кўпайтириш имконига эга бўлса, кўпроқ ижтимоий афзалликларга эга бўлади. Айни вақтда, ўтиш иқтисодиётидаги кўпчилик мамлакатларнинг маъмурий ресурслари даромад солиқларини самарали йиғишини таъминлаш учун етарлича эмас, уларда умумий солиқ маданияти паст.

Ушбу мамлакатларда амал қилувчи солиқ тизими самарадорлиги, модомики ишлаб чиқариш, истеъмол, даромад ва мулкни ишончли белгилаш ва назорат қилиш имконияти ҳали йўқ экан, таъминланиши мумкин эмас.

Бундай ҳолларда импорт божлари миллий ишлаб чиқарувчилар манфаатларини ҳимоя қилиш усулигана эмас, балки давлат даромадларининг ҳолатида муҳим манбаига ҳам айланади. Шу сабабли кўп жиҳатдан миллий даромад даражаси паст бўлган мамлакатлар давлат бюджетининг 1/4 дан 3/5 гача қисми божлар ҳисобига таъминланади. Давлат даромадлари бож тизимига боғлиқлигининг ушбу улуши ривожланган мамлакатлар учун худди шундай кўрсаткичдан устундир. Гарчи, ёш давлатларнинг иқтисодий сиёсати амалда баён қилинган қонуниятдан фарқланса ҳам, факт фактликча қолади. Ушбу мамлакатларда тариф иқтисодий сиёсатнинг муқобил тадбирларига қараганда катта ижтимоий афзалликларни таъминлашга қодирдир.

Ўтиш иқтисодиётига янги божлар жорий этишнинг эҳтимол тутилган оқибатларига баҳо берилар экан, импорт қийматининг қисқариши экспорт қийматининг худди шу тахлит қисқаришига олиб келишини ҳисобга олиш зарурдир.

Экспорт учун ишлаб чиқаришда импорт қилинадиган хом ашё, материаллар, эҳтиёт қисмлар ва бошқалардан фойдаланилади. Импорт товарларига ва уларнинг ўрнини босувчи маҳаллий товарларга нархлар ўсишига олиб келувчи савдо тўсиқлари экспорт товарларининг ишлаб чиқариш чиқимларини оширади. Мисол сифатида нефть импортига квоталар жорий этилиши натижасида (1959-1973 йй.) АҚШга олиб келинадиган кимёвий маҳсулотлар нархининг ўсишини, шунингдек пўлат импорт қилинишига чеклашлар туфайли Америка автомобиллари нархлари ўсиши тамойилини келтириш мумкин. Бинобарин, импортни чеклаш Америка товарларининг нархга рақобатбардошлигини муайян даражада пасайтиришга ва уларни жаҳон бозоридан сиқиб чиқаришга олиб келади.

Импортга чеклашлар жорий этилганда қолган мамлакатлар жавоб чоралари кўришлари мумкин. ҳукуматлар ҳамма жойда импорт томонидан рақобатдан ҳимоялашни талаб қилувчи айрим тармоқларнинг босимига дуч келади. Агар Ўзбекистон автомобиллар импортига қаттиқ чеклашлар жорий этар экан, бошқа мамлакатлар ҳукуматларига протекционистик талабларга, айниқса республикадан автомобилларни экспорт қилишга нисбатан, қарши туриш қийинроқ бўлар эди. Жавоб чоралари Ўзбекистондан экспортнинг янада қисқаришига олиб келур эди.

Ўтиш иқтисодиётига эга бўлган мамлакатларда импортга нисбатан чеклаш сиёсати учун ва унга қарши келтирилган далиллар ўз-ўзидан назарий шарт-шароитларга асосланади ва аниқ миқдорий баҳо бермайди. Аниқ бир мамлакат

учун амалий тавсияларни ишлаб чиқиш мақсадида махсус иқтисодий тадқиқотлар зарурдир, улар асосида ўзига хос шарт-шароитларни ва мазкур миллий хўжалик ривожланиши мақсадларини ҳисобга олувчи божхона сиёсатини кўриш мумкин.

ҳар қандай ҳолатда божхона сиёсатининг бир концепциясидан бошқасига ўтиш аста-секин амалга оширилиши керак. Божлар билан ҳимояланган тармоқларда фирмалар улар пасайтирилиши тўғрисида олдиндан огоҳлантирилса, у ҳолда капитал қўйилмалар ва иш ўринларининг қисқариши хонавайронликка олиб келмайди. Асосий сармоянинг табиий эскириши, одатдаги (бир томонлама) кадрлар қўнимсизлиги ўз-ўзидан хорижий рақобат таъсири остида ишлаб чиқаришнинг қисқаришига олиб келиши мумкин. Бошқа сўз билан айтганда, аста-секинлик барча таркибий чиқимларни йўққа чиқариши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси божхона сиёсатининг принциплари Жаҳон Божхона Ташкилоти ҳужжатларида қайд қилинган божхона сиёсатининг халқаро тажрибасига, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов томонидан ишлаб чиқилган Ўзбекистоннинг ташқи ва ички сиёсатининг асосий принципларига асосланади.

1. Халқаро ҳуқуқ нормаларининг ички давлат нормаларига қараганда устунлигини тан олиш принципи. Бунда божхона қонун ҳужжатларида халқаро ҳуқуқ нормаларининг ички давлат нормаларига қараганда устунлигини тан олишидан иборатдир (Ўзбекистон Республикаси божхона кодексининг 4-моддасининг 3-қисми). Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятига қўшилар экан, ўз қиёфасини йўқотмасликка интилади, бунда халқаро ҳуқуқий нормалар ва стандартларга риоя қилишга тайёрдир. Ўзбекистон Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотига, Жаҳон Божхона Ташкилотига ва бошқаларга аъзо бўлиб кириши Ўзбекистон халқаро ҳамжамиятнинг ажралмас қисмига айланганлигини, божхона иши соҳасида муҳим жаҳон муаммоларини ҳал қилишда фаол иштирок этиш учун катта имкониятлар очилганлигини англатади.

2. Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган божхона сиёсати ягоналиги принципи. У жойларда турлича божхона сиёсати ўтказилишидан воз кечишни, Ўзбекистон Республикасининг бутун божхона ҳудудига ягона божхона сиёсати татбиқ этилишини англатади.

3. Икки томонлама ва кўп томонлама алоқалар ўрнатилиши ва ривожланиши принципи. Ушбу принцип Ўзбекистон Республикасининг божхона иши соҳасида халқаро ҳамкорликда фаол иштирок этишга интилиши орқали амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасида божхона иши умумқабул қилинган халқаро нормалар ва амалиёт билан уйғунлашиш ва бирхиллашиш йўналишида ривожланмоқда. Ўзбекистон Республикаси халқаро ташкилотлар доирасида ҳамкорлик чуқурлашиши тарафдоридир.

4. Ўз миллий давлат маифаатлари юқорилиги шароитида ўзаро манфаатлар ва савдо енгилликларини ҳар томонлама ҳисобга олиш принципи.

Айрим иқтисодий муаммоларни ҳал этиш, мустақил иқтисодий сиёсат ўтказиш ва бозор иқтисодиётига ўтиш учун чуқур ислохотларни амалга

ошириш, иқтисодиётнинг барқарорлашуви, ривожланиш суръатлари муайян даражада ҳозирча ижтимоий-сиёсий вазиятга ва қўшни мамлакатлардаги иқтисодий вазиятга боғлиқдир. Божхона сиёсати, агар у ҳамкор давлатларнинг жорий манфаатларини ҳисобга олса, муайян муросаларга борса, ўз самарадорлигини оширади. Бироқ давлатларнинг миллий хавфсизлиги манфаатлари шубҳа остига қўйилиши керак эмас.

5. Камситмаслик принципи. Давлат ўз иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида божхона сиёсати воситалари орқали кўпинча у ёки бу миллий бозорда чеклаш чораларидан фойдаланади. Ушбу чоралар камситмаслик шаклида амалга оширилиши керак, яъни барча қатнашувчи давлатларга нисбатан ўтказилиши, айрим мамлакатларга нисбатан танлаб ўтказилмаслиги зарур.

6. Бир томонлама ҳаракатларнинг қабул қилинмаслиги. Миллий бозорни ҳимоя қилиш бўйича қарорлар кўп томонлама маслаҳатлашувлардан кейин қабул қилиниши керак.

7. Демократизм принципи. Божхона сиёсатини ишлаб чиқишда ва уни амалга оширишда демократизм принципи божхона иши соҳасида фуқароларнинг, хўжалик субъектларининг ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши таъминланишини тақозо этади. Божхона органлари уларга юкланган вазифаларни бажаришда жамоат тартибини ҳимоя қилиш бўйича чоратadbирлар амалга оширилишига, аҳолининг ахлоқийлиги, инсоннинг ҳаёти ва соғлиғи, ҳайвонлар ва ўсимликлар муҳофазаси, атроф ва табиий муҳит ҳимояси, ташқаридан олиб кириладиган товарлардан миллий истеъмолчиларни ҳимоя қилишга кўмаклашади.

Таянч сўз ва иборалар

1. Божхона сиёсати
2. Божхона сиёсати концепцияси
3. Божхона сиёсати стратегияси ва тактикаси
4. қисман чеклашлар
5. Протекционизм сиёсати
6. Эркин савдо сиёсати
7. Тақчил бозорни тўлдириш сиёсати
8. Савдо уруши
9. Ягона божхона сиёсати

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Божхона сиёсатининг умумий хусусиятлари нималардан иборат?
2. Протекционизм сиёсати деганда нима тушунилади?
3. Божхона сиёсати қандай йўналишларда амалга оширилади?
4. Божхона сиёсатининг асосий вазифалари нималардан иборат?
5. Божхона сиёсатининг принциплари нималардан иборат?

Фойдаланилган адабиётлар

Асосий адабиётлар: 2,3,4,5,6,7,9,10,11,16,22,23.

қўшимча адабиётлар: 30,36,39,45,49,51.

4-мавзу: Божхона назорати

Режа:

4.1. Божхона назоратининг умумий қоидалари.

4.2. Товарларни божхона назорати остида сақлаш ва реализация қилиш.

4.3. Товарлар ва транспорт воситаларини божхона назорати остида ташиш.

4.4. Амалга оширилишини назорат қилиш божхона органларига юклатилган фаолият турлари билан шугулланиш ҳуқуқини берувчи рухсатномалар.

4.1. Божхона назоратининг умумий қоидалари

Божхона назорати божхона органларининг мансабдор шахслари томонидан қуйидаги йўллар билан ўтказилади:

– божхона мақсадлари учун зарур бўлган ҳужжатлар ва маълумотларни текшириш;

– жисмоний ва мансабдор шахсларни оғзаки сўраб-суриштириш;

– божхона кўригидан ўтказиш;

– товарлар, транспорт воситалари, бинолар ва бошқа жойларни божхона томонидан қиёслаш;

– товарлар ва транспорт воситаларини ҳисобга олиш;

– божхона назоратидан ўтказилиши лозим бўлган товарлар ва транспорт воситалари туриши мумкин бўлган ёхуд назорат қилиш божхона органлари зиммасига юклатилган фаолият амалга оширилаётган ҳудудлар, бинолар ва бошқа жойларни текшириш;

– қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа шаклларда. Божхона назорати ўтказилаётганида инсон, ҳайвонот ва ўсимликлар ҳаёти ва соғлиги учун хавфсиз бўлган ҳамда товарлар ва транспорт воситаларига зиён етказмайдиган техникавий ва бошқа воситалар қўлланилиши мумкин.

Божхона назоратини ўтказиш қоидалари қонун ҳужжатларида белгиланади.

Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган ҳамда шартли чиқариб юборилган товарлар ва транспорт воситалари божхона назоратидан ўтказилиши лозим.

Божхона органлари эркин божхона зоналари ва эркин омборларда турган товарлар устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда божхона назоратини амалга оширишга ҳақлидир.

Божхона органлари божхона ҳудудидан божхона органининг рухсатсиз чиқиб кетган транспорт воситаларини мажбурий равишда тўхтатиш, денгиз, дарё ва ҳаво кемаларини мажбурий равишда орқага қайтаришга ҳақлидир, чет эл кемалари ва бошқа давлатларнинг ҳудудида турган кемалар бундан мустасно.

Божхона назорати: божхона ҳудудига олиб киришда - товарлар ва транспорт воситалари божхона чегарасини кесиб ўтган пайдан эътиборан;

божхона худудидан товарлар ва транспорт воситаларини олиб чиқишда - божхона декларацияси қабул қилиб олинган пайтдан эътиборан бошланади.

Божхона назорати, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, товарлар ва транспорт воситалари сақланган божхона режимига мувофиқ чиқишга рухсат берилган пайтдан эътиборан ёхуд улар божхона чегарасини кесиб ўтган пайтдан эътиборан тугалланади.

Божхона назорати зоналари божхона чегаралари бўйлаб, божхона расмийлаштируви жойларида, божхона органлари жойлашган ерларда ва божхона органлари томонидан белгиланадиган бошқа жойларда тузилади.

Божхона назорати зоналарини тузиш ва белгилаш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

Божхона назорати зоналарида ишлаб чиқариш, тижорат фаолиятини ва бошқа фаолиятни амалга оширишга, шунингдек уларнинг чегаралари орқали транспорт воситалари, товарлар ва шахсларни олиб ўтишга божхона органларининг рухсати билан ва назорати остида йўл қўйилади.

Божхона чегараси орқали товарлар ва транспорт воситаларини олиб ўтувчи ёки назорат қилиш божхона органлари зиммасига юклатилган фаолиятни амалга оширувчи шахслар бу органларга рўйхати ва тақдим этиш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланадиган ҳужжатлар ва маълумотларни топширадилар.

Божхона назоратини амалга ошириш учун божхона органлари банклардан, бошқа молия-кредит муассасаларидан ва ҳўжалик юритувчи субъектлардан экспорт-импорт операциялари ҳамда назорат қилиш божхона органлари зиммасига юклатилган фаолиятнинг бошқа турларига доир маълумотларни олишга ҳақлидир.

Божхона назорати учун зарур бўлган ҳужжатлар шахслар томонидан камида уч йил сақланиши лозим.

Товарлар ва транспорт воситаларини божхона кўригидан ўтказиш товарлар ва транспорт воситаларини божхона чегараси орқали олиб ўтишнинг қонунийлигини аниқлаш, уларни ҳисобга олиш, бож, солиқлар, йигимлар олиш, шунингдек олиб кириш, олиб чиқиш ва транзит қилиш тақиқланган товарлар божхона чегараси орқали ўтишининг ҳамда божхона худуди орқали транзит тартибда ўтишининг олдини олиш учун божхона органларининг мансабдор шахслари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Товарлар ва транспорт воситаларига нисбатан ваколатларга эга бўлган шахслар товарлар ва транспорт воситаларини кўздан кечириш пайтида ҳозир бўлишга ҳақлидир, божхона органлари мансабдор шахсларининг талабига кўра эса текшириш пайтида ҳозир бўлишлари ва божхона органларининг мансабдор шахсларига зарур ёрдам кўрсатишлари шарт.

Товарлар ва транспорт воситаларига нисбатан ваколатларга эга шахс бўлмаган тақдирда, транспорт воситасини бошқарувчи шахс божхона мақсадлари учун ваколатли шахс деб ҳисобланади.

Товарлар ва транспорт воситаларига нисбатан ваколатларга эга бўлган шахслар йўқлигида божхона органлари қуйидаги ҳолларда товарлар ва транспорт воситаларини кўздан кечиришга ҳақли:

- улар товарлар ва транспорт воситалари тақдим этилганидан сўнг ўн кун ўтганидан кейин келмаган бўлса;

- давлат хавфсизлиги, жамоат тартибига, инсон ҳаёти ва соғлиғига, ҳайвонот ва ўсимликлар, атроф табиий муҳитга, Ўзбекистон Республикасининг бадиий, тарихий ва археологик бойликлари сақланишига хавф мавжуд бўлганда ва кечиктириб бўлмайдиган бошқа ҳолатларда;

- товарлар халқаро почта жўнатмалари орқали юборилган бўлса; товарлар ва транспорт воситалари улар жойлаштирилган божхона режимини бузган ҳолда божхона ҳудудида қолдирилган бўлса.

Шахсни кўздан кечириш божхона чегараси орқали ўтаётган ёхуд божхона назорати зонасида ёки халқаро алоқа учун очиқ аэропортнинг транзит зонасида турган жисмоний шахс қонун ҳужжатларини бузиш объектлари ҳисобланувчи товарларни ўз ёнида яширяпти ва кўрсатмаяпти деб ҳисоблашга асослар бўлган тақдирда, божхона органи мансабдор шахсининг қарорига биноан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўтказилади.

Божхона назорати остида бўлган ҳужжатлар, товарлар, транспорт воситалари, бинолар ва бошқа жойларни божхона қиёслашидан ўтказиш уларга пломбалар, муҳрлар қўйиш, рақамли, ҳарфий ва бошқа маркалар босиш, қиёслаш белгиларини қўйиш, штамплар босиш, намуналар ва нусхалар олиш, товарлар ва транспорт воситаларини таърифлаш, уларнинг чизмаларини тайёрлаш, масшабли тасвирлар, фотосуратлар, иллюстрациялар тайёрлаш, товарларга илова қилинган ва бошқа ҳужжатлардан ҳамда ўзга қиёслаш воситаларидан фойдаланиш орқали таъминланади.

қиёслаш воситалари фақат божхона органлари томонидан ёки уларнинг рухсати билан ўзгартирилиши, олиб ташланиши ёки йўқ қилиниши мумкин, товарлар ва транспорт воситаларининг йўқ бўлиб кетиши, уларга қайта тиклаб бўлмайдиган даражада путур етказилиши ёки уларнинг жиддий бузилиши хавфи тугилган ҳоллар бундан мустасно. қиёслаш воситалари ўзгартирилганлиги, олиб ташланганлиги ёки йўқ қилинганлиги тўғрисида божхона органларига дарҳол маълум қилинади ва бундай хавф мавжуд бўлганлигини исботловчи далиллар тақдим этилади. Божхона назорати остида бўлган ҳужжатлар, товарлар, транспорт воситалари, бинолар ва бошқа жойларни божхона қиёслашидан ўтказиш уларга пломбалар, муҳрлар қўйиш, рақамли, ҳарфий ва бошқа маркалар босиш, қиёслаш белгиларини қўйиш, штамплар босиш, намуналар ва нусхалар олиш, товарлар ва транспорт воситаларини таърифлаш, уларнинг чизмаларини тайёрлаш, масшабли тасвирлар, фотосуратлар, иллюстрациялар тайёрлаш, товарларга илова қилинган ва бошқа ҳужжатлардан ҳамда ўзга қиёслаш воситаларидан фойдаланиш орқали таъминланади.

қиёслаш воситалари фақат божхона органлари томонидан ёки уларнинг рухсати билан ўзгартирилиши, олиб ташланиши ёки йўқ қилиниши мумкин, товарлар ва транспорт воситаларининг йўқ бўлиб кетиши, уларга қайта тиклаб

бўлмайдиган даражада путур етказилиши ёки уларнинг жиддий бузилиши хавфи тугилган ҳоллар бундан мустасно. қиёслаш воситалари ўзгартирилганлиги, олиб ташланганлиги ёки йўқ қилинганлиги тўғрисида божхона органларига дарҳол маълум қилинади ва бундай хавф мавжуд бўлганлигини исботловчи далиллар тақдим этилади.

Божхона органлари божхона назорати остида турган товарлар ва транспорт воситаларини, шунингдек бож тўловлари тўланмаган ёки бож тўловлари юзасидан божхона имтиёзлари берилган товарларни инвентаризациядан ўтказишга ҳақлидир.

Божхона органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ шахсларнинг назорат қилиш божхона органлари зиммасига юклатилган фаолиятини текширишга ҳақлидир.

Божхона органлари божхона назоратини ўтказишда, қоида тариқасида, назоратнинг қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш учун етарли бўлган шакллари қўллайдилар.

Божхона назоратининг айрим шакллари қўлламаслик ёки улардан озод қилиш шахслар қонун ҳужжатларига риоя этиш мажбуриятидан озод қилинишини билдирмайди.

Зарурат бўлганда божхона органлари, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, божхона назоратининг Божхона кодексида белгиланган барча шаклларида фойдаланишлари мумкин.

Божхона назоратининг муайян шаклларида озод қилиш Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномаларига мувофиқ амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аъзоларининг шахсий багажи, агар мазкур шахслар хизмат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан ўтаётган бўлсалар, божхона текширувидан озод қилинади.

Чет эл ҳарбий кемалари, жанговар ва ҳарбий-транспорт ҳаво кемалари, шунингдек ўзи юриб келаётган ҳарбий техникаси божхона текширувидан озод қилинади.

Товарлар ва транспорт воситалари чиқишига рухсат берилганидан кейин, агар қонун ҳужжатлари бузилган деб тахмин қилиш учун асослар мавжуд бўлса, товарлар ва транспорт воситалари божхона назоратидан ўтказилиши мумкин.

Кўрсатиб ўтилган ҳолларда божхона органлари товарлар ва транспорт воситалари мавжудлигини текширишга, уларни такроран божхона текширувидан ўтказишга, божхона декларациясида кўрсатилган маълумотларни қайта текширишга, ушбу товарлар билан амалга ошириладиган ташқи иқтисодий ва кейинги тижорат операцияларига дахлдор ҳужжатлар ва бошқа маълумотларни текширишга ҳақлидир. Текшириш декларант турган жойда, кўрсатиб ўтилган операцияларга бевосита ёки билвосита алоқаси бўлган ёки зарур ҳужжатларга эга бўлган ҳар қандай бошқа шахс турган жойларда

ўтказилиши мумкин. гукукбузарлик аниқланган тақдирда шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

Божхона органларининг мансабдор шахслари хизмат гувоҳномаси асосида божхона назоратидан ўтказилиши керак бўлган товарлар ва транспорт воситалари, божхона назорати учун зарур бўлган ҳужжатлар мавжуд бўлиши мумкин бўлган ёхуд назорат қилиш божхона органлари зиммасига юкланган фаолият амалга оширилаётган ҳудуд ва биноларга кира олиш ҳуқуқига эга, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ёки халқаро шартномаларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Божхона органлари божхона назоратини ўтказишда ёрдам кўрсатиш учун қонун ҳужжатларига мувофиқ мутахассислар ва экспертларни жалб этиши мумкин.

4.2. Товарларни божхона назорати остида сақлаш ва реализация қилиш

Божхона омборлари ва эркин омборлар - товарларни божхона назорати остида сақлашга мўлжалланган, махсус ажратилган ва жиҳозланган бинолар ёки бошқа жойлардир. Бошқа товарларга зарар етказиши мумкин бўлган ёки алоҳида шарт-шароитларда сақланиши талаб этиладиган товарлар фақат махсус мослаштирилган омборларга жойлаштирилиши лозим.

Божхона омбори Ўзбекистон Республикасининг юридик шахси ёхуд божхона органи томонидан таъсис этилади. Эркин омбор Ўзбекистон Республикасининг юридик шахси томонидан таъсис этилади. Божхона омборлари сақлаш шароитларига кўра товарларни вақтинча сақлаш ва (ёки) божхона омбори режимларида сақлаш учун мўлжалланган бўлади.

Божхона омборлари фойдаланиш мумкинлиги жиҳатидан ҳар қандай шахслар фойдаланиши учун очиқ бўлиши ҳамда муайян шахслар, қоида тариқасида, омбор эгалари фойдаланиши учун мўлжалланган ёпиқ омборлар бўлиши мумкин.

Божхона омборлари ва эркин омборларни очиш тартиби ҳамда уларга қўйиладиган талаблар қонун ҳужжатларида белгиланади. Божхона омборлари ва эркин омборлар - товарларни божхона назорати остида сақлашга мўлжалланган, махсус ажратилган ва жиҳозланган бинолар ёки бошқа жойлардир. Бошқа товарларга зарар етказиши мумкин бўлган ёки алоҳида шарт-шароитларда сақланиши талаб этиладиган товарлар фақат махсус мослаштирилган омборларга жойлаштирилиши лозим.

Божхона омбори Ўзбекистон Республикасининг юридик ва (ёки) жисмоний шахси ёхуд божхона органи томонидан таъсис этилади.

Эркин омбор Ўзбекистон Республикасининг юридик ёки жисмоний шахси томонидан таъсис этилади.

Божхона омборлари сақлаш шароитларига кўра товарларни вақтинча сақлаш ва (ёки) божхона омбори режимларида сақлаш учун мўлжалланган бўлади.

Божхона омборлари фойдаланиш мумкинлиги жиҳатидан ҳар қандай шахслар фойдаланиши учун очиқ бўлиши ҳамда муайян шахслар, қоида тариқасида, омбор эгалари фойдаланиши учун мўлжалланган ёпиқ омборлар бўлиши мумкин.

Божхона омборлари ва эркин омборларни очиш тартиби ҳамда уларга қўйиладиган талаблар қонун ҳужжатларида белгиланади.

Божхона омборлари ва эркин омборларнинг эгалари қуйидагиларга мажбурдирлар:

- 1) омборларни божхона назоратини таъминлаш мақсадида жиҳозлаш;
- 2) товарларнинг асралишини таъминлаш;
- 3) сақлашга қўйилган товарлар ва транспорт воситаларини олиш имкониятини истисно этиш, божхона назорати бундан мустасно;
- 4) божхона назорати амалга оширилишига тўсқинлик қилмаслик;
- 5) ҳисоб-китоб ишларини юритиш ҳамда сақлаб турилган товарлар ва транспорт воситалари тўғрисида божхона органларига қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ҳисоботлар тақдим этиш;
- 6) лицензия шартларига риоя этиш;
- 7) божхона органларининг қонуний талабларини бажариш ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларни адо этиш. Божхона омборлари ва эркин омборлар эгаларининг омборга товарлар ва транспорт воситаларини жойлаштирувчи шахслар билан ўзаро муносабатлари шартнома асосида курилади.

Божхона омборларининг эгалари бўлган божхона органларининг божхона омборларига товарлар ва транспорт воситаларини жойлаштирувчи шахслар билан ўзаро муносабатлари қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Вақтинча сақлаш режимига жойлаштирилган товарлар:

– омбор эгаси томонидан, товарларга нисбатан ваколатларга эга бўлган бошқа шахс ва уларнинг вакиллари томонидан қўздан кечирилиши ва ўлчаб чиқилиши мумкин. Божхона органининг рухсати билан текшириш ва қиёслаш учун товарлардан намуналар ҳамда нусхалар олиниши мумкин;

– уларнинг ўзгармас ҳолатда сақланишини таъминлаш учун зарур бўлган операциялар амалга оширилиши, шу жумладан шикастланган ўрови тузатилиши мумкин.

Божхона омбори режимига жойлаштирилган товарлар устида уларнинг асралишини таъминлаш, божхона органининг рухсати билан сотишга ва ташишга тайёрлаш бўйича операциялар амалга оширилиши мумкин. Операцияларнинг рўйхати ҳамда уларни амалга ошириш тартиби қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилади.

Эркин омборга жойлаштирилган товарлар билан ишлаб чиқариш ва тижорат операцияларини Божхона кодексига мувофиқ амалга оширишга йўл қўйилади, уларни чакана сотиш бундан мустасно. Ушбу товарлар учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган айрим тақиқ ва чекловлар белгилаб қўйилиши мумкин.

Божхона органлари Божхона кодекси ва бошқа қонун ҳужжатларининг қоидаларига риоя этмаган айрим шахсларга товарлар билан операциялар

ўтказишни тақиқлаб қўйишлари ва уларнинг товарлардан фойдаланишини рад этишлари мумкин.

Божхона омбори ва бож олинмайдиган савдо дўкони эгалари омборда сақланаётган ва дўконда реализация қилинаётган товарлар ҳамда транспорт воситаларининг бож тўловлари тўланиши учун жавобгар бўладилар, ушбу моддада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар божхона омбори эгаси билан товарлар ва транспорт воситаларини вақтинча сақлаш режимига жойлаштирувчи шахс ўртасидаги шартномада ушбу шахснинг бож тўловларини тўлаш учун жавобгарлиги назарда тутилган бўлса, улар солидар жавобгар бўладилар.

Божхона органининг розилиги билан бож тўловларини тўлаш учун жавобгарлик товарларни божхона омбори режимига сақлаш учун жойлаштирган шахс зиммасига юкланиши мумкин.

Агар божхона органи божхона омборининг эгаси бўлса, товарлар ва транспорт воситаларини шу омборга жойлаштирган шахс бож тўловларини тўлаш учун жавобгар бўлади, бундай шахс бўлмаган тақдирда - уларнинг мулкдори ёки эгаси ҳисобланувчи шахс жавобгар бўлади. Агар эркин омборга жойлаштирилган товарлардан бож тўловлари ундирилса, тўловлар тўланиши учун уларни омборга жойлаштирган шахс жавобгар бўлади.

Божхона омбори ва эркин омбор, шунингдек бож олинмайдиган савдо дўкони қуйидаги ҳолларда тугатилади:

- эгаларининг хоҳишига кўра; лицензияларнинг амал қилиш муддати ўтганида;

- лицензиялар бекор қилинганида ёки уларнинг амал қилиши тугатилганида;

- қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

Тугатиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санадан эътиборан божхона омборида ёки эркин омборда ёхуд бож олинмайдиган савдо дўконида турган товарларни сақлаш вақтинча сақлаш режимига мувофиқ амалга оширилади.

Лицензия бекор қилинганида товарлар божхона омбори ёки эркин омбор ёхуд бож олинмайдиган савдо дўконига жойлаштирилган санадан эътиборан қайта божхона расмийлаштирувидан ўтказилиши лозим, уларнинг эгаларидан эса, сақлаб турганлик эвазига божхона органлари томонидан таъсис этилган божхона омборлари учун белгиланган миқдорда товарларнинг тугатилаётган омборда ёки магазинда турган бутун даври учун божхона йигимлари ундирилади.

Лицензия чақириб олинганида лицензиянинг амал қилишини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан товарлар қайта божхона расмийлаштирувидан ўтказилиши лозим, уларнинг эгаларидан эса, сақлаб турганлик эвазига божхона органлари томонидан таъсис этилган божхона омборлари учун белгиланган божхона йигимлари ундирила бошлайди.

Божхона омбори ва эркин омбор, бож олинмайдиган савдо дўкони тугатилганда, шунингдек божхона омбори, бож олинмайдиган савдо дўконига берилган лицензиянинг амал қилиши тўхтатиб турилганда товарларни сақлашга жойлаштиришга ҳамда уларни реализация қилишга йўл қўйилмайди. Бундай

ҳолларда товарларни божхона омбори ва эркин омбордан, шунингдек бож олинмайдиган савдо дўконидан чиқариш Божхона кодексига мувофиқ амалга оширилади.

Эркин омборга берилган лицензиянинг амал қилиши тўхтатиб турилганда чет эл товарларини омборга жойлаштириш бож, солиқлар тўланган ва иқтисодий сиёсат чоралари қўлланилган ҳолда амалга оширилади, бож, солиқлардан озод қилиш ёхуд уларни қайтариш эса Ўзбекистон товарларига нисбатан қўлланилмайди.

Тугатилаётган божхона омбори ва бож олинмайдиган савдо дўконидан бўлган товарлар ва транспорт воситалари вақтинча сақлаш режимида туришининг умумий муддати уни тугатиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санадан эътиборан икки ойдан, эркин омборда эса - олти ойдан ошмаслиги лозим.

4.3. Товарлар ва транспорт воситаларини божхона назорати остида ташиш

Божхона назорати остида турган, шу жумладан божхона ҳудуди орқали транзит режимида олиб ўтилаётган товарлар ва транспорт воситалари юк жўнатувчи божхона органидан юк келиб тушувчи божхона органига ушбу товарлар ва транспорт воситаларини ташиш учун қабул қилган юк ташувчининг жавобгарлиги остида ташилиши мумкин.

Юк келиб тушувчи божхона органига топширилиши лозим бўлган ҳужжатлар қайси товарлар ва транспорт воситаларига тегишли бўлса, ўша товарлар ва транспорт воситалари билан бир хил тартибда етказилади.

Ташувчи қуйидаги ҳолларда товарлар ва транспорт воситаларини ташиш учун қабул қилмасликка ҳақли:

- божхона ва транспорт ҳужжатлари белгиланган тартибни бузган ҳолда расмийлаштирилган бўлса;

- божхона томонидан транспорт воситасига ва товарлар жойланган ўров-идишларга қўйилган таъминлов чоралари ташилаётган товарларга ана шу таъминлов чораларини бузмасдан тегиш имкониятини истисно этмаса.

Товарлар, транспорт воситалари ва уларга оид ҳужжатларни ташиш учун қабул қилиб олган ташувчи:

- уларни жўнатувчи божхона органи томонидан белгиланган манзилга, йўналишда ва муддатда, табиий эскириш ёхуд нормал ташиш ва сақлаш шароитларидаги камайиш оқибатидаги ўзгаришларни истисно этганда, уларнинг ўров-идишлари ёки ҳолатини ўзгартирмасдан, элтиб беришдан бошқа мақсадда фойдаланмасдан етказиб бериши;

- товарлар, транспорт воситалари ва уларга оид ҳужжатларни юк келиб тушадиган божхона органида кўрсатиши, бу орган мансабдор шахсларининг талабига биноан эса - товарлар ва транспорт воситаларини амалда тақдим этиши;

- божхона назорати остида турган товарлар билан бир вақтда бошқа товарларни ташимаслиги шарт.

Юк элтиб бериладиган жойига етиб келганидан кейин ташувчи божхона органининг рухсатисиз товарлар ва транспорт воситасини тўхташ жойида қаровсиз қолдириш, тўхташ жойини ўзгартириш, йўловчиларни тушириш, товарлар билан бирон-бир ортиш-тушириш ва ўраш-жойлаш операцияларини ўтказиш, қиёслаш воситаларини ўзгартириш, олиб ташлаш ёки йўқ қилиш ҳуқуқига эга эмас.

Агар ташувчи, йўловчиларнинг ва транспорт воситаси экипажининг ҳаёти ҳамда соғлиги чинакам хавф остида қолганлигини, товарлар ва транспорт воситасининг йўқ қилиниши, қайтариб бўлмайдиган тарзда қўлдан кетиши ёки жиддий бузилиши хавфи мавжуд бўлганлигини исботласа, ушбу модданинг иккинчи ва учинчи қисмларидаги талабларни бузганлик учун жавобгарлик юзага келмайди. Кўрсатилган талаблар бузилишига сабаб бўлган ҳолатлар тўғрисида ташувчи дарҳол божхона органини хабардор қилиши шарт.

Агар ташувчи ёхуд унинг транспорт воситаси Божхона кодексининг талабларига риоя этилишини кафолатлай олмаса, божхона органи транспорт воситаси фақат тегишлича жиҳозланган ёки божхона кузатувиغا олинган ёхуд божхона тўловлари тўланишини таъминловчи гаров суммалари киритилган ёки товарлар божхона ташувчиси томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ташилган тақдирдагина товарларнинг божхона назорати остида олиб ўтилишига йўл қўйишга ҳақли. Айрим тоифадаги товарларни ташувчилар учун қонун ҳужжатларида бошқача талаблар белгиланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали олиб ўтилаётган товарлар ва транспорт воситаларининг бут сақланиши учун ташувчи жавобгар бўлади.

Товарлар божхона органининг рухсатисиз бериб юборилган, йўқотилган ёки юк келиб тушадиган божхона органига элтиб берилмаган тақдирда, ташувчи, тегишли равишда эркин муомалага ёки экспортга чиқариш режимларида тўланиши лозим бўлган бож тўловларини тўлаши шарт, товарлар ҳалокат ёки енгиб бўлмас куч таъсири оқибатида йўқ бўлган ёхуд қайтариб бўлмайдиган тарзда қўлдан кетган, ёхуд камомад табиий эскириш ёки нормал ташиш ва сақлаш шароитида камайиш туфайли юзага келган ёхуд органлар ёки мансабдор шахсларнинг қонунга хилоф хатти-ҳаракатлари натижасида эгаликдан чиқиб кетган ҳоллар бундан мустасно. Ўзбекистон Республикасидан ташқарида рўй берган бундай ҳоллар Ўзбекистон Республикасининг дипломатия ваколатхоналари ёки консуллик муассасалари томонидан белгиланган тартибда тасдиқланиши лозим.

Фалокат юз берган ёки енгиб бўлмас куч таъсир этган тақдирда ташилаётган товарлар транспорт воситасидан туширилиши мумкин. Бу ҳолда ташувчи товарларнинг бут сақланишини таъминлаш ва улардан бирон-бир тарзда фойдаланилишига йўл қўймаслик учун зарур чораларни кўриши, ишнинг ҳолатларини, товарлар ва транспорт воситаларининг қаерда эканлигини энг яқин божхона органига дарҳол хабар қилиши, товарларнинг энг яқин божхона органига ташиб келтирилишини ёки божхона органининг мансабдор шахслари товарлар турган жойга олиб келилишини таъминлаши шарт.

Божхона органи бундай ҳолларда божхона назоратини таъминлаш учун кўриладиган чора-тадбирларни белгилайди.

Ушбу моддада назарда тутилган чора-тадбирлар кўрилиши муносабати билан ташувчининг қилган харажатлари божхона органи томонидан қопланмайди.

Ушбу модда қоидалари Божхона кодекси 84 - моддасининг учинчи қисмида кўрсатилган денгиз, дарё ёки ҳаво кемалари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ноилож тўхташ ёки қўнишга мажбур бўлган ҳолларда ҳам қўлланилади.

Божхона ташувчиси товарлар ташишни божхона кузатувини қўлламаган ва божхона тўловлари тўланишини таъминловчи гаров суммаларини киритмаган ҳолда божхона назорати остида амалга оширувчи Ўзбекистон Республикасининг юридик шахсидир.

Божхона ташувчиси Божхона кодекси асосида ташувчига нисбатан қўйиладиган талабларга риоя этиши, шунингдек:

- божхона ташувчисини рўйхатга олган божхона органининг фаолият зонасидаги божхона расмийлаштируви жойига жуда бўлмаганда битта транспорт воситаси 24 соат ичида етиб келишини таъминлай оладиган зарур миқдордаги махсус жиҳозланган транспорт воситаларига эга бўлиши;

- божхона назорати остида ташишларнинг ҳисобини юритиши ва божхона органларига тегишли ҳисобот тақдим этиши шарт.

Божхона ташувчисининг товарларни жўнатувчи билан ўзаро муносабатлари шартнома асосида йўлга қўйилади.

Юридик шахсларнинг божхона ташувчиси сифатидаги фаолияти устидан назорат олиб бориш тартиби Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан белгиланади.

4.4. Амалга оширилишини назорат қилиш божхона органларига юклатилган фаолият турлари билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи рухсатномалар

Божхона органи Ўзбекистон Республикасининг юридик шахсларига божхона омбори, бож олинмайдиган савдо дўкони, эркин омборни таъсис этиш учун беш йил муддатга лицензия беради. Лицензия беш йилдан кам муддатга фақат лицензия талабгорининг аризасига биноан берилиши мумкин.

Агар божхона омбори божхона органлари томонидан таъсис этилса, лицензия олиш талаб қилинмайди.

Божхона омбори, бож олинмайдиган савдо дўкони, эркин омборни таъсис этиш учун берилган лицензия божхона органи ёки суд томонидан бекор қилиниши, унинг амал қилиши эса тўхтатиб турилиши ёки тугатилиши мумкин.

Божхона омбори, бож олинмайдиган савдо дўкони, эркин омборни таъсис этиш учун лицензия бериш, уни қайта расмийлаштириш, лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш, амал қилишини тўхтатиб туриш ва тугатиш, шунингдек лицензияни бекор қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Товарларни божхона ҳудудида қайта ишлаш ва товарларни божхона назорати остида қайта ишлаш учун лицензия қуйидаги шартлар билан берилади:

- олиб кирилган товарларни қайта ишлаш маҳсулотларида қиёслаш мумкин бўлса, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно;
- қайта ишлаш Ўзбекистон товарларини қайта ишлаш маҳсулотлари кўринишида олиб чиқишга ёхуд ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишга ёрдам берса;
- божхона иши тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш юзасидан божхона органлари белгилаши мумкин бўлган бошқа талаблар бажарилган бўлса.

Товарларни божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлаш учун лицензия қуйидаги шартлар билан берилади:

- қонун ҳужжатларида ўзгача тартиб назарда тутилмаган ҳолларда божхона органи қайта ишлаш маҳсулотлари олиб чиқилган товарлар қайта ишлаш натижасида вужудга келганини аниқлаш мумкин деб ҳисобласа;
- товарларни божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлаш Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти манфаатларига зарар етказмаса.

Юридик шахс божхона брокери сифатида фаолият олиб бориш ҳуқуқини берадиган лицензияни олиши учун қуйидагилар талаб этилади:

- штатда божхона расмийлаштируви бўйича мутахассисга эга бўлиш;
- ўз фаолиятини сугурталаш шартномасини тузиш; бундай фаолиятни амалга ошириш учун моддий-техника жиҳозларига эга бўлиш;
- божхона назоратидан ўтказилиши лозим бўлган товарлар билан амалга ошириладиган операцияларни аниқ ва тўлиқ акс эттирувчи ҳисоб-китоблар ва ҳисоботлар юритилишини таъминлайдиган шарт-шароитларга эга бўлиш;
- қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа талабларга жавоб бериш.

Божхона ташувчиси сифатида фаолият олиб бориш ҳуқуқини берадиган лицензияни олиш учун қуйидагилар талаб этилади:

- божхона ташувчиси рўйхатга олинган божхона органининг фаолият зонасидаги божхона расмийлаштируви жойига жуда бўлмаганда битта транспорт воситаси 24 соат ичида етиб келишини таъминлай оладиган махсус жиҳозланган транспорт воситаларига эга бўлиш;
- ўз фаолиятини сугурталаш ҳақида шартнома тузиш; қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа талабларга жавоб бериш.

Агар лицензия белгиланган тартибни бузган ҳолда ёки лицензия тўлиқ бўлмаган ёхуд нотўғри маълумотлар асосида берилган бўлиб, улар лицензия бериш тўғрисида қарор қабул қилиш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган бўлса, лицензия бекор қилинади. Бекор қилиш тўғрисидаги қарор лицензия берилган санадан эътиборан амал қилади.

Лицензиянинг бекор қилиниши тўғрисидаги қарор мазкур қарорни қабул қилган божхона органи томонидан лицензиатга ёзма шаклда, қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай асосланган далиллар билан етказилади. Лицензиат лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги қарорни олган

кундан эътиборан ўн кун ичида лицензия божхона органига қайтарилиши ва йўқ қилиниши керак.

Лицензиянинг амал қилиши қуйидаги ҳолларда тугатилади:

- лицензиат лицензиянинг амал қилишини тугатиш тўғрисида ариза билан мурожаат қилганда;

- юридик шахс тугатилганда тугатилган пайтдан эътиборан ёки унинг фаолияти қайта ташкил этиш натижасида тугатилганида қайта ташкил этилган пайтдан эътиборан, унинг ўзгартирилиши бундан мустасно;

- якка тартибдаги тадбиркор давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиши тугатилганда;

- якка тартибдаги тадбиркорнинг муомала лаёқати белгиланган тартибда чекланганда ёки у муомалага лаёқатсиз деб топилганда;

- лицензиат лицензия талаблари ва шартларини мунтазам равишда ёки бир маротаба қўпол равишда бузганда;

- лицензиат лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туришига олиб келган ҳолатларни божхона органи белгилаган муддатда бартараф этмаганда;

- божхона органининг лицензия бериш тўғрисидаги қарорининг қонунга ҳилофлиги аниқланганда;

- лицензиянинг амал қилиш муддати тугаганда.

Лицензиянинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги қарор мазкур қарорни қабул қилган божхона органи томонидан лицензиатга ёзма шаклда, қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай асосланган далиллар билан етказилади. Лицензиат лицензиянинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги қарорни олган кундан эътиборан ўн кун ичида лицензия божхона органига қайтарилиши ва йўқ қилиниши керак.

Божхона органининг лицензиянинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги қарори оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши лозим.

Тугатиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санадан эътиборан лицензиянинг амал қилиши тугатилади.

Лицензия амал қилишининг тугатилиши суд томонидан асоссиз деб топилган ҳолларда божхона органи лицензиат олдида у кўрган зарар миқдорида жавобгар бўлади.

Лицензиянинг амал қилиши божхона органининг қарорига биноан қуйидаги ҳолларда тўхтатиб турилиши мумкин:

- лицензиат лицензия талаблари ва шартларини бузганлиги аниқланганда;

- божхона органининг лицензиат зиммасига аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш мажбуриятини юкловчи қарорлари лицензиат томонидан бажарилмаганда;

- юридик шахс қайта тузилганда лицензияни қайта расмийлаштириш муддатига.

Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор мазкур қарорни қабул қилган божхона органи томонидан лицензиатга ёзма шаклда, қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай асосланган далиллар билан етказилади.

Божхона органи лицензиат томонидан лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туришга олиб келган ҳолатларни бартараф этиши учун муддат белгилаши шарт. Кўрсатилган муддат олти ойдан ошиб кетиши мумкин эмас.

Лицензиянинг амал қилиши тўхтатиб турилишига олиб келган ҳолатларни лицензиат бартараф этган тақдирда, лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб турган божхона органи кўрсатилган ҳолатлар бартараф этилганлиги тўғрисидаги тасдиқномани олган кундан эътиборан ўн кунлик муддат ичида лицензиянинг амал қилишини тиклаш тўғрисида қарор қабул қилиши шарт.

Лицензия бериш тўғрисидаги такрорий ариза лицензияни бекор қилиш ёки лицензиянинг амал қилишини тугатиш тўғрисида қарор чиқарилган кундан эътиборан икки йил ўтганидан кейин бунинг учун асос бўлган сабаблар бартараф этилган тақдирда кўриб чиқилиши мумкин.

Божхона расмийлаштируви бўйича мутахассиснинг малака аттестати беш йилга берилади.

Божхона расмийлаштируви бўйича мутахассиснинг малака аттестати божхона органи томонидан бекор қилиниши ёки унинг амал қилиши тўхтатиб турилиши ёхуд тугатилиши мумкин.

Божхона расмийлаштируви бўйича мутахассиснинг малака аттестати, агар бундай аттестат белгиланган тартибни бузган ҳолда берилган бўлса ёки аттестат уни бериш тўғрисидаги қарорнинг қабул қилинишида муҳим аҳамият касб этган, бироқ тўлиқ бўлмаган ёхуд нотўғри маълумотлар асосида берилган бўлса, бекор қилинади. Бекор қилиш тўғрисидаги қарор малака аттестати берилган санадан эътиборан амал қилади.

Божхона расмийлаштируви бўйича мутахассиснинг малака аттестати амал қилиши божхона органи томонидан:

- божхона расмийлаштируви бўйича мутахассисга нисбатан божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик тўғрисида қўзғатилган жиноят иши мавжуд бўлган тақдирда олти ойгача бўлган муддатга;

- божхона расмийлаштируви бўйича мутахассис ўз мажбуриятларини инсоф билан бажарганлигига шубҳа қилиш учун етарли асослар бўлган тақдирда икки ойгача бўлган муддатга тўхтатиб турилиши мумкин.

Божхона расмийлаштируви бўйича мутахассиснинг малака аттестати амал қилиши қуйидаги ҳолларда ҳам тўхтатиб турилади:

- божхона расмийлаштируви бўйича мутахассис сифатида фойдаланиш учун у билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинганда;

- божхона расмийлаштируви бўйича мутахассис билан меҳнат шартномаси тузган божхона брокери томонидан божхона брокери сифатида фаолият юритиш шартларига риоя этилмаганда;

- божхона расмийлаштируви бўйича мутахассис билан меҳнат шартномаси тузган юридик шахс тугатилган ёки қайта ташкил этилганда.

Божхона расмийлаштируви бўйича мутахассиснинг малака аттестати амал қилиши тўхтатиб турилишига сабаб бўлган ҳолатлар бартараф этилган тақдирда малака аттестатининг амал қилишини тўхтатиб турган божхона органи мазкур ҳолатлар бартараф этилганлиги тўғрисида тасдиқ олинган

кундан эътиборан уч кунлик муддат ичида аттестатнинг амал қилишини тиклаш тўғрисида қарор қабул қилиши шарт.

Божхона расмийлаштируви бўйича мутахассиснинг малака аттестати амал қилиши қуйидаги ҳолларда тугатилади:

- божхона расмийлаштируви бўйича мутахассис ўзининг малака аттестати амал қилишини тугатиш тўғрисида ариза билан мурожаат қилганда;

- божхона органи томонидан белгиланган муддат ичида божхона расмийлаштируви бўйича мутахассиснинг малака аттестати амал қилиши тўхтатиб турилишига сабаб бўлган ҳолатлар бартараф этилмаганда;

- божхона расмийлаштируви бўйича мутахассиснинг малака аттестати амал қилиши муддати тугаганда.

Божхона расмийлаштируви бўйича мутахассиснинг малака аттестати амал қилишини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан бундай аттестатнинг амал қилиши тугатилади.

Суднинг қарорига биноан ҳам божхона расмийлаштируви бўйича мутахассиснинг малака аттестати бекор қилиниши ёки унинг амал қилиши тугатилиши мумкин.

Малака аттестати бериш тўғрисидаги такрорий ариза малака аттестати бекор қилинган, унинг амал қилиши тугатилган кундан эътиборан олти ой ўтганидан кейин, бунинг учун асос бўлган сабаблар бартараф этилган тақдирда ёки суд белгилаган муддат ўтганидан кейин кўриб чиқилиши мумкин.

Божхона расмийлаштируви бўйича мутахассиснинг малака аттестатини бериш, аттестатни бекор қилиш, унинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш тартиби, шунингдек божхона расмийлаштируви бўйича мутахассисларга қўйиладиган талаблар қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Лицензия, малака аттестати берганлик учун, шунингдек уларни қайтадан рўйхатдан ўтказганлик ёки амал қилишини тиклаганлик учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган миқдорларда йигимлар ундирилади.

Лицензия бекор қилинган, чақириб олинган ёки малака аттестати бекор қилинган, лицензиянинг амал қилиши тугатилган, ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда кўрсатиб ўтилган йигимлар қайтарилмайди.

Таянч сўз ва иборалар

1. Божхона назорати
2. Божхона назоратида сақлаш
3. Божхона назорати остида реализация қилиш
4. Божхона назорати остида ташиш

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Товар ва транспорт воситаларини олиб кириш тартиби қай тарзда олиб борилади?
2. Божхона назоратининг қандай шакллари мавжуд?
3. Дастлабки ўарорлар қандай қабул қилинади?
4. Юклар ва халқаро почта жўнатмалари қандай тартибда божхона кўригидан ўтказилади?
5. Божхона юк декларацияси тушунчаси нима?

Фойдаланилган адабиётлар

Асосий адабиётлар: 2,7,8,14,16,18,21,25.

қўшимча адабиётлар: 31,35,38,41,46,49.

5-мавзу. Божхона режимлари

Режа:

5.1. Божхона режимлари ҳақида тушунча ва уларни қўлланилиши.

5.2. Божхона муносабатларида товарлар ва транспорт воситаларини декларациялаш тартиби.

5.3. Декларантнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

5.4. Ўзбекистонда божхона режимлари такомиллаштириш масалалари.

5.1. Божхона режимлари ҳақида тушунча ва уларни қўлланилиши

Товарлар ва транспорт воситаларини божхона чегараси орқали олиб ўтиш уларнинг божхона режимларига мувофиқ амалга оширилади. қуйидаги турдаги божхона режимлари (бундан буён матнда режим) белгиланади:

- 1) эркин муомалага чиқариш (импорт);
- 2) реимпорт;
- 3) экспорт;
- 4) реэкспорт;
- 5) транзит;
- 6) вақтинча олиб кириш (олиб чиқиш);
- 7) вақтинча сақлаш;
- 8) божхона омбори;
- 9) эркин божхона зонаси;
- 10) эркин омбор;
- 11) бож олинмайдиган савдо дўкони;
- 12) божхона ҳудудида қайта ишлаш;
- 13) божхона назорати остида қайта ишлаш;
- 14) божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлаш;
- 15) йўқ қилиш;
- 16) давлат фойдасига воз кечиш.

Шахс, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, товарлар ва транспорт воситаларининг хусусияти, миқдори, қайси мамлакатда ишлаб чиқарилгани ёки қайси мақсадга мўлжалланганлигидан қатъи назар, исталган режимни танлашга ёки уни бошқасига ўзгартиришга ҳақли.

Режимларнинг қўлланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан белгиланади.

Эркин муомалага чиқариш. Эркин муомалага чиқариш шундай режимки, бунда божхона ҳудудига олиб кирилган товарлар уларни ушбу ҳудуддан олиб чиқиб кетиш мажбуриятсиз бу ерда доимий қолади.

Режим импорт божларини, солиқларни ва бошқа бож тўловларини тўлашни, иқтисодий сиёсат чораларига ҳамда бошқа чора-тадбирларга риоя этишни назарда тутади.

Реимпорт. Реимпорт шундай режимки, бунда экспорт режимида божхона ҳудудидан олиб чиқилган Ўзбекистон товарлари импорт божларини, солиқларни тўламасдан, шунингдек уларга нисбатан иқтисодий сиёсат чоралари қўлланилмаган ҳолда ушбу модданинг иккинчи қисмида белгиланган муддатларда қайта олиб кирилади.

Олиб чиқилган пайтдан бошлаб ўн йил ичида божхона ҳудудига қайтариб олиб кирилган, табиий эскириш ёхуд нормал ташиш ва сақлаш шароитларида камайиш оқибатидаги ўзгаришлар ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланадиган бошқа ҳолларни истисно этганда, олиб чиқилган пайтда қандай бўлса, шундай ҳолатда турган товарлар реимпорт режимида жойлаштирилади.

Товарларни экспорт режимида олиб чиқиладиганда тўланган экспорт божи ва солиқлар суммаси, бу товарлар олиб чиқилган пайтдан бошлаб уч йил ичида реимпорт режимида қайтариб олиб кирилган тақдирда, божхона органининг тақдимномаси бўйича қонун ҳужжатларида белгиланадиган тартибда қайтарилади.

Товарлар реимпорт қилинганда товарларни олиб ўтаётган шахс товарларни олиб чиқиш чоғида тўлов тарзида ёки бошқа имтиёзлар туфайли олган суммаларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қайтаради.

Экспорт. Экспорт шундай режимки, бунда товарлар божхона ҳудудидан ташқарига уларни ушбу ҳудудга қайтариб олиб кириш мажбуриятисиз олиб чиқилади. Экспорт режимида жойлаштирилган товарлар Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудида Божхона кодексида назарда тутилган ҳолларда бу ҳудуддан ташқарига амалда олиб чиқиб кетилмаган ҳолда туриши мумкин.

Товарларни экспорт режимида олиб чиқиш экспорт божи ва бошқа божхона тўловлари тўланган, иқтисодий сиёсат чораларига риоя этилган ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа талаблар бажарилган тақдирда амалга оширилади.

Экспорт режимида олиб чиқиладиганда товарлар солиқлардан озод этилади ёхуд тўланган солиқлар суммаси қонун ҳужжатларига мувофиқ қайтарилиши лозим.

Товарлар экспорт режимида чиқариладиганда товарлар божхона ҳудудидан ташқарига, товарлар ҳолатининг табиий эскириш ёки нормал ташиш ва сақлаш шароитларида камайиш оқибатидаги ўзгаришларни истисно этганда, божхона декларацияси қабул қилинган кунда қандай бўлса, шундай ҳолатда олиб чиқиши лозим.

Реэкспорт. Реэкспорт шундай режимки, бунда чет эл товарлари божхона ҳудудидан олиб чиқилади.

Агар товарлар божхона органига кейинчалик реэкспорт режимида олиб чиқиб кетишга мўлжалланган товар сифатидагина маълум қилинган бўлса, улар божхона ҳудудига олиб кириладиганда импорт божлари, солиқлар ҳамда иқтисодий сиёсат чоралари қўлланилмайди. Бундай товарларни амалда олиб чиқиш божхона декларацияси қабул қилинган кундан бошлаб олти ойдан кечиктирмай амалга оширилади. Амалда олиб чиқиб кетилмаган тақдирда импорт божлари, солиқлар, шунингдек улар юзасидан фоизлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўланади.

Товарлар реэкспорт режимида олиб чиқиладиганда экспорт божлари, солиқлар ундирилмайди, олиб чиқиш чоғида амал қилиб турган иқтисодий сиёсат чоралари қўлланилмайди, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Товарлар реэкспорт режимида олиб чиқиладиганда тўланган импорт божлари ва солиқлар қайтарилиши ва айна бир пайтда қуйидаги талабларга риоя этилиши лозим:

- реэкспорт қилинадиган товарлар олиб кирилган пайтда қандай бўлса, шундай ҳолатда бўлса, табиий эскириш ёки нормал ташиш ва сақлаш шароитларида камайиш оқибатидаги ўзгаришлар бундан мустасно;

- реэкспорт режимида товарларни олиб чиқиш улар олиб кирилган пайтдан бошлаб икки йил ичида амалга ошириладиган бўлса;

- реэкспорт қилинадиган товарлардан даромад олиш мақсадида фойдаланилмаган бўлса.

Транзит. Транзит шундай режимки, бунда товарлар Ўзбекистон Республикасининг икки божхона органи ўртасида, шу жумладан чет давлат ҳудуди орқали, бож, солиқлар ундирилмасдан, шунингдек товарларга нисбатан иқтисодий сиёсат чораларини қўлланилмасдан божхона назорати остида олиб ўтилади.

Товарларни транзит режимида Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали олиб ўтиш божхона органининг рухсати билан исталган йўллар ва йўналишлар бўйича амалга оширилади, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ва халқаро шартномаларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Вақтинча олиб кириш (олиб чиқиш). Вақтинча олиб кириш (олиб чиқиш) шундай режимки, бунда божхона ҳудудида ёки ундан ташқарида товарлардан бождан, солиқлардан тўла ёки қисман озод этилган ҳолда ва товарларга нисбатан иқтисодий сиёсат чоралари қўлланилмасдан фойдаланишга йўл қўйилади.

Вақтинча олиб кириш (олиб чиқиш) режимига жойлаштирилладиган товарлар ўзгартирмасдан қайтарилиши лозим, табиий эскириш ёхуд нормал ташиш ва сақлаш шароитларида камайиш оқибатидаги ўзгаришлар бундан мустасно.

Вақтинча олиб кириш (олиб чиқиш) режимига жойлаштирилладиган товарларни бож ва солиқлар тўлашдан тўла ёки қисман озод қилиш қонун ҳужжатларида белгиланади.

Товарларни вақтинча олиб кириш (олиб чиқиш) режимига жойлаштиришга, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, уларни қайта олиб чиқиш ёки қайта олиб кириш мажбурияти тақдим этилган, божхона тўловлари тўланиши таъминланган, товарларнинг айнанлиги таъминланган тақдирда божхона органининг рухсати билан йўл қўйилади.

Вақтинча олиб кириш (олиб чиқиш) режимига жойлаштирилмайдиган товарларнинг рўйхати қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Товарларни вақтинча олиб кириш (олиб чиқиш) режимига жойлаштириш мумкин бўлган муддат. Товарларни вақтинча олиб кириш (олиб чиқиш) режимига жойлаштириш мумкин бўлган муддат божхона органлари томонидан

бундай олиб кириш (олиб чиқиш)нинг мақсадлари ва ҳолатларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади ва узайтирилади, бироқ товарлар бундай режимда туришининг умумий муддати икки йилдан ошмаслиги керак. Товарларнинг айрим тоифалари учун қонун ҳужжатларига мувофиқ анча узоқроқ муддатлар белгиланиши мумкин.

Товар белгиланган муддат тугагунга қадар унга нисбатан ваколати бўлган шахс томонидан божхона ҳудудидан ташқарига олиб чиқилиши ёки у ерга олиб кирилиши ёхуд бошқа божхона режимига жойлаштирилиши лозим. Бу талабларга риоя этилмаган тақдирда товар божхона органи эгалик қиладиган божхона омборига вақтинча сақлаш режимига жойлаштирилади.

Агар товарлар ҳалокат оқибатида ёки енгиб бўлмас куч таъсирида йўқ бўлганлиги ёки мутлақо йўқолганлиги, табиий эскириши ёки нормал ташиш ва сақлаш шароитида камайиши туфайли етишмаслиги ёхуд чет давлат органлари ёки мансабдор шахсларининг Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига ҳилоф хатти-ҳаракатлари натижасида шахснинг эгалигидан чиқиб кетганлиги Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги дипломатия ваколатхоналари ёки консуллик муассасалари томонидан тасдиқланса, товарларни вақтинча олиб чиққан ва уларни белгиланган муддатда қайтариб олиб кирмаган шахс божхона органлари олдида жавобгар бўлмайди.

Вақтинча сақлаш. Вақтинча сақлаш шундай режимки, бунда олиб кирилган товарлар ва транспорт воситалари божхона органига тақдим этилган пайтдан бошлаб чиқаришга рухсат берилгунга қадар танланган режимга мувофиқ божхона омборида бож, солиқлар ва иқтисодий сиёсат чоралари қўлланилмасдан вақтинча сақланади. Божхона кодексига мувофиқ вақтинча сақлаш режимига бошқа товарлар ва транспорт воситалари ҳам жойлаштирилиши мумкин.

Товарлар ва транспорт воситаларини вақтинча сақлаш режимига жойлаштиришда қисқа декларация қўлланилади.

Товарларнинг вақтинча сақлаш режимида туриш муддати икки ойдан ошмаслиги лозим, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Вақтинча сақлаш режимига жойлаштирилган товарлар билан қилинадиган операциялар рўйхати ва уларни амалга ошириш тартиби Божхона кодексида белгиланади.

Божхона омбори. Божхона омбори шундай режимки, бунда олиб кирилган товарлар сақлаш даврида импорт божи, солиқлар ва иқтисодий сиёсат чоралари қўлланилмасдан божхона назорати остида сақланади, экспорт режимида олиб чиқишга мўлжалланган товарлар эса божхона назорати остида Божхона кодексининг 26-моддасида назарда тутилган имтиёзлар берилган ҳолда сақланади.

Ўзбекистон Республикасига олиб кириш, Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш, Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит олиб ўтиш ман этилган товарлар ҳамда рўйхати қонун ҳужжатлари билан белгиланадиган бошқа товарлар божхона омбори режимига жойлаштирилиши мумкин эмас.

Товарлар божхона омбори режимида уч йил мобайнида туриши мумкин. Ушбу муддат товарларнинг айрим тоифалари ва айрим шахслар учун қонун ҳужжатлари билан чекланиши мумкин, лекин у бир йилдан кам бўлмаслиги керак.

Белгиланган муддат тугагунга қадар товарга нисбатан ваколатга эга бўлган шахс томонидан товарни бошқа божхона режимида жойлаштириш сўралиши керак. Бу талабларга риоя этилмаган тақдирда, товар божхона органига қарашли божхона омборига вақтинча сақлаш режимида жойлаштирилади.

Божхона омбори режимида жойлаштирилган товарлар билан қилинадиган операциялар рўйхати ва уларни амалга ошириш тартиби Божхона кодексида белгиланади. Божхона омбори шундай режимки, бунда олиб кирилган товарлар сақлаш даврида импорт божи, солиқлар ва иқтисодий сиёсат чоралари қўлланилмасдан божхона назорати остида сақланади, экспорт режимида олиб чиқишга мўлжалланган товарлар эса божхона назорати остида Божхона кодексининг 26 - моддасида назарда тутилган имтиёзлар берилган ҳолда сақланади.

Ўзбекистон Республикасига олиб кириш, Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш, Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит олиб ўтиш ман этилган товарлар ҳамда рўйхати қонун ҳужжатлари билан белгиланадиган бошқа товарлар божхона омбори режимида жойлаштирилиши мумкин эмас.

Товарлар божхона омбори режимида уч йил мобайнида туриши мумкин. Ушбу муддат товарларнинг айрим тоифалари ва айрим шахслар учун қонун ҳужжатлари билан чекланиши мумкин, лекин у бир йилдан кам бўлмаслиги керак.

Белгиланган муддат тугагунга қадар товарга нисбатан ваколатга эга бўлган шахс томонидан товарни бошқа божхона режимида жойлаштириш сўралиши керак. Бу талабларга риоя этилмаган тақдирда, товар божхона органига қарашли божхона омборига вақтинча сақлаш режимида жойлаштирилади.

Божхона омбори режимида жойлаштирилган товарлар билан қилинадиган операциялар рўйхати ва уларни амалга ошириш тартиби Божхона кодексида белгиланади.

Агар товарларни амалда четга олиб чиқиш вақтида тўловлардан озод қилиш ёки тўланган суммани қайтариш назарда тутилган бўлса, божхона омбори режимида жойлаштирилган ва экспорт режимида кўра олиб чиқишга мўлжалланган товарлар бождан, солиқлардан озод қилинади ёхуд тўланган суммалар қайтарилади. Бу товарлар божхона омбори режимида жойлаштирилган кундан бошлаб уч ойдан кечикмай олиб чиқилиши лозим.

Товарлар белгиланган муддатларда амалда олиб чиқилмаган тақдирда бож, солиқлар, шунингдек уларнинг фоизлари қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда тўланади.

Эркин божхона зонаси ва эркин омбор. Эркин божхона зонаси ва эркин омбор шундай режимларки, бунда чет эл товарлари муайян ҳудудлар ва жойларда бож, солиқлар ва иқтисодий сиёсат чоралари қўлланилмасдан

жойлаштирилади ва ишлатилади, Ўзбекистон товарлари эса экспорт режимига мувофиқ олиб чиқишда қўлланиладиган шартларга кўра жойлаштирилади ва ишлатилади.

Эркин божхона зонаси ва эркин омбор режимлари қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

Товарлар эркин божхона зонаси ва эркин омбор режимларида чекланмаган муддатларгача туриши мумкин.

Эркин божхона зоналари ва эркин омборларда, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, товарлар билан ишлаб чиқариш ва тижорат операцияларини бажаришга йўл қўйилади, уларнинг чакана савдоси бундан мустасно.

Божхона кодексининг ва бошқа қонун ҳужжатларининг қоидаларига риоя этмаётган айрим шахсларга божхона органлари товарлар билан операцияларни амалга оширишни тақиқлаб қўйиши ҳамда эркин божхона зоналари ва эркин омборларга монеликсиз кириб чиқишни рад этиши мумкин.

Эркин божхона зонаси режими амал қилаётган ҳудудда бинолар, иморатлар ва иншоотлар барпо этишга божхона органи билан келишган ҳолда йўл қўйилади.

Эркин божхона зонаси ва эркин омбор режимларида турган товарларни эркин муомалага ёки экспортга чиқариш режимларига жойлаштирганда, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, бож, солиқлар ҳамда иқтисодий сиёсат чоралари товарларнинг келиб чиқишига қараб қўлланилади.

Товарнинг келиб чиқиши тўғрисидаги сертификат бўлмаган тақдирда товарга: олиб чиқиляётганда экспорт божи, солиқлар ва иқтисодий сиёсат чораларини қўлланиш мақсадларида Ўзбекистон товари деб, бошқа мақсадларда эса чет эл товари деб қаралади.

Эркин божхона зонаси ёки эркин омбор режимларига жойлаштираётган ва экспорт режимида Ўзбекистон Республикасидан ташқарига олиб чиқишга мўлжалланган товарлар, агар товарларни амалда олиб чиқишда экспорт божи ва солиқлардан озод қилиш ёки тўланган суммаларни қайтариш назарда тутилган бўлса, экспорт божидан, солиқлардан озод қилинади ёхуд тўланган суммалар қайтарилади. Бундай товарларни амалда олиб чиқиш бож, солиқлар қайтарилган ёки улардан озод қилинган кундан бошлаб олти ойдан кечиктирмай амалга оширилиши лозим.

Ўзбекистон Республикасидан ташқарига олиб чиқилиши лозим бўлган товарлар эркин божхона зоналари ҳудудидан ва эркин омборлардан божхона ҳудудига қайтарилганда ёхуд белгиланган муддатларда улар амалда олиб чиқиб кетилмаган тақдирда, қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда бож, солиқлар, шунингдек уларнинг фоизлари тўланади.

Бож олинмайдиган савдо дўкони. Бож олинмайдиган савдо дўкони шундай режимки, бунда товарлар божхона ҳудудининг божхона органлари Божхона кодексига мувофиқ белгиладиган жойларида бож, солиқлар ва иқтисодий сиёсат чоралари қўлланилмасдан божхона назорати остида туради ҳамда реализация қилинади.

Бож олинмайдиган савдо дўкони режимига божхона ҳудудига олиб кириш ҳамда ундан олиб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида реализация қилиш тақиқланган товарлар жойлаштирилиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида реализация қилиниши чекланган товарлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бож олинмайдиган савдо дўкони режимида реализация қилиниши мумкин.

Бож олинмайдиган савдо дўкони режимига жойлаштирилган товарлар бож олинмайдиган махсус савдо дўконларида реализация қилинади.

Товарларни қайта ишлаш. Товарларни қайта ишлашга қуйидагилар киради:

- товарларни бевосита қайта ишлаш ёки уларга ишлов бериш, шу товарларнинг ва фойдаланилаётган бошқа товарларнинг йўқоладиган ўзига хос хусусиятларини қайта ишлаш маҳсулотларида сақлаб қолган ҳолда;

- янги товарларни тайёрлаш, шу жумладан товарларни уларнинг асосий хусусиятларини қайта ишлаш маҳсулотларида сақлаб қолган ҳолда монтаж қилиш, йиғиш ёки қисмларга ажратиш;

- товарларни таъмирлаш, шу жумладан уларни тиклаш, янгिलाш ва тартибга келтириш, уларнинг шикастланган ёки эскириб қолган таркибий қисмларини (элементларини) алмаштириш ёки тиклаш, шунингдек нуқсонларини бартараф этиш;

- товарларни қайта ишлашга ёрдам берадиган ёхуд бундай ишни енгиллаштирадиган бошқа товарлардан тўлиқ ёки қисман фойдаланиш.

Айрим товарларга нисбатан қайта ишлаш режимидан фойдаланишга доир чекловлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Товарларни қайта ишлаш учун рухсатнома ариза берувчининг ёзма мурожаатига асосан божхона органи томонидан қуйидаги ҳолларда берилади:

- товарларни уларнинг қайта ишлаш маҳсулотларида қиёслаш мумкин бўлса, қонун ҳужжатларида белгиланадиган ҳоллар бундан мустасно;

- қайта ишлаш жараёнининг техник-иқтисодий асослари ваколатли орган билан келишилган бўлса;

- товарларни божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлаш Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий манфаатларига зарар етказмаслиги ҳақида ваколатли органнинг хулосаси бўлса;

- алоҳида хусусиятга эга бўлган товарлар рўйхатига киритилган товар ёки қайта ишлаш маҳсулотини олиб кириш ва олиб чиқиш учун ваколатли органнинг махсус рухсатномаси бўлса;

- божхона иши ҳақидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлашга доир бошқа талаблар бажарилган бўлса.

Товарларни қайта ишлаш учун рухсатнома бериш ёки бундай рухсатнома беришни рад этиш ҳақидаги қарор уни қабул қилиш учун барча зарур ҳужжатлар олинган кундан эътиборан ўттиз кун ичида божхона органи томонидан қабул қилиниб, ариза берувчи бу ҳақда ёзма равишда хабардор этилади.

Товарларни қайта ишлаш учун рухсатнома бериш, агар ариза берувчи томонидан лозим даражада расмийлаштирилмаган ҳужжатлар тақдим этилган бўлса ёки тақдим этилган ҳужжатларда нотўғри ёхуд бузиб кўрсатилган маълумотлар бўлса, шунингдек Божхона кодекси талабларига риоя этилмаган бошқа ҳолларда рад этилиши мумкин.

Товарларни қайта ишлаш учун рухсатнома бериш рад этилган тақдирда, божхона органи бу ҳақда ариза берувчини рад этиш сабабларини ҳамда ариза берувчи кўрсатилган сабабларни бартараф этиб, ҳужжатларни такрорий кўриб чиқиш учун тақдим этиши мумкин бўлган муддатни кўрсатган ҳолда ёзма равишда хабардор қилади.

Товарларни қайта ишлаш учун рухсатнома бериш рад этилишига асос бўлган сабабларни ариза берувчи бартараф этган бўлса, ҳужжатларни такрорий кўриб чиқиш ариза ва барча зарур ҳужжатлар олинган кундан эътиборан ўн кундан ошмайдиган муддат ичида божхона органи томонидан амалга оширилади.

Божхона ҳудудида қайта ишлаш. Божхона ҳудудида қайта ишлаш шундай режимки, бунда товарлар Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига импорт божлари, солиқлар тўланмаган ва иқтисодий сиёсат чоралари қўлланмаган ҳолда божхона назорати остида қайта ишлаш учун олиб кирилиб, кейинчалик қайта ишлаш маҳсулотлари олиб чиқилади ёки улар ўзга режим остида жойлаштирилади.

Божхона ҳудудида қайта ишлаш режими остида ҳар қандай товарлар жойлаштирилиши мумкин, ана шундай режим остида жойлаштирилиши қонун ҳужжатлари билан тақиқланган товарлар бундан мустасно.

Чет эллик юридик ёки жисмоний шахс томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида олинган Ўзбекистон товарлари божхона ҳудудида қайта ишлаш режими остида жойлаштирилиши мумкин. Мазкур товарлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига амалда олиб чиқиб кетилмаган ҳолда экспорт режими остида жойлаштирилиб, кейинчалик божхона ҳудудида қайта ишлаш режимида декларацияланади.

Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига олиб кирилган товарлар ва қайта ишлаш маҳсулотлари уларни олиб чиқиш пайтида экспорт божлари ва солиқлардан озод қилинади. Мазкур товарлар ва қайта ишлаш маҳсулотларига нисбатан иқтисодий сиёсат чоралари қўлланилмайди.

қайта ишлаш маҳсулотлари эркин муомалага чиқарилганда импорт божлари ва солиқлар қайта ишлаш учун фойдаланилган товарларнинг қиймати ҳамда уларга нисбатан қўлланилган тўловлар ставкаларига қараб тўланади.

қайта ишлаш маҳсулотларини Ўзбекистон товарлари билан алмаштиришга қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда йўл қўйилади.

Божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлаш. Божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлаш шундай режимки, бунда товарлар экспорт божлари, солиқлар тўланмаган ва иқтисодий сиёсат чоралари қўлланмаган ҳолда қайта ишлаш учун олиб чиқилиб, кейинчалик қайта ишлаш маҳсулотлари эркин муомалага чиқариш режимида олиб кирилади.

Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудида эркин муомалада бўлган ҳар қандай товарлар божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлаш режими остида жойлаштирилиши мумкин, олиб кирилиши (олиб чиқилиши) қонун ҳужжатлари билан тақиқланган товарлар бундан мустасно.

Божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлаш режимидан қуйидаги ҳолларда фойдаланиш мумкин эмас:

- агар товарларни олиб чиқиш импорт божлари ва солиқларнинг тўланган суммаларини қайтаришни, импорт божлари ва солиқлардан озод қилишни ёки олиб чиқиш чоғида тўловлар олишни талаб қилиш учун асос бўлса;

- импорт божлари ва солиқлардан озод этишнинг амал қилиб турган вақти мобайнида, агар унинг амал қилиши товарларни эркин муомалага чиқаришда уларни қайта ишлаш учун олиб чиқилгунга қадар фойдаланилган бўлса;

- қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳолларда.

- қайта ишлаш маҳсулотларини чет эл товарлари билан алмаштиришга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда йўл қўйилади.

Олиб кириладиган қайта ишлаш маҳсулотларини эркин муомалага чиқариш режимида божхона расмийлаштируви чоғида импорт божлари ва солиқлар қайта ишлаш қийматига ҳамда қайта ишлаш маҳсулотларига нисбатан қўлланиладиган божлар ва солиқлар ставкаларига қараб тўланади.

қайта ишлаш учун олиб чиқилган товарлар қайтариб олиб кирилганда импорт божлари ва солиқлар тўланмайди.

қайта ишлаш маҳсулотлари, агар қайта ишлашдан мақсад олиб чиқилган товарларни қонун ҳужжатлари ёки шартамага биноан беғараз таъмирлашдан иборат бўлганлигига божхона органи белгиланган тартибда ишонч ҳосил қилса, импорт божлари ва солиқлардан озод қилинади, товарларни эркин муомалага дастлабки чиқаришда нуқсони мавжудлиги ҳисобга олинган ҳоллар бундан мустасно.

Товарларни қайта ишлаш учун олиб чиққан ва товарларни қайтармаган ёки қайта ишлаш маҳсулотларини белгиланган муддатда олиб кирмаган шахс Божхона кодекси 23-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган ҳолларда жавобгар бўлмайди.

Товарларни қайта ишлаш муддати божхона органи томонидан белгиланади ва бу муддат икки йилдан ортиқ бўлиши мумкин эмас. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси товарларнинг айрим тоифаларига нисбатан қайта ишлашнинг бир мунча узайтирилган муддатларини белгилаши мумкин.

Товарларни қайта ишлаш муддатини белгилашда товарларни қайта ишлаш жараёни қанча давом этиши ва қайта ишлаш маҳсулотларини тасарруф этиш ҳисобга олинади.

Товарларни қайта ишлаш муддати товарларни божхона ҳудудида қайта ишлаш режими остида ёки божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлаш режими остида жойлаштирилган кундан эътиборан, товарлар алоҳида товар туркумлари

қилиб олиб кирилганда (олиб чиқилганда) эса товарларнинг биринчи туркуми тегишли режим остида жойлаштирилган кундан эътиборан ўта бошлайди.

Товарларни қайта ишлаш маҳсулотларида божхона мақсадлари учун қиёслаш ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган хом ашё, материаллар ва бутловчи буюмлар ҳақидаги, шунингдек қайта ишлаш маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи технологиялар ҳақидаги муфассал маълумотларни тақдим этиш йўли билан ёки қайта ишлаш вақтида божхона назоратини олиб бориш орқали амалга оширилиши мумкин. Божхона ҳудудида товарларни қайта ишлаш маҳсулотларида қиёслашга нисбатан қўйиладиган талаблар Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан белгиланади.

Товарларни қайта ишлаш маҳсулотларида қиёслаш қуйидаги ҳолларда талаб этилмайди:

- қайта ишлаш чоғида ишлаб чиқаришнинг узлуксиз туркумларига тааллуқли технология жараёнидан фойдаланилаётган бўлса;

- қайта ишлаш чоғида қайта ишлаш амалга оширилаётган мамлакатдан бошқа мамлакатларнинг божхона ҳудудида худди шундай ва (ёки) аynи бир хил қайта ишлаш маҳсулоти ишлаб чиқарилишини истисно этувчи ноёб технология жараёнидан фойдаланилаётган бўлса.

Олиб кириладиган қайта ишлаш маҳсулотларини қиёслаш учун божхона органлари товарларнинг ишлаб чиқарилган жойи ҳақидаги сертификатлардан, шунингдек мазкур товарларни Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлашга тааллуқли бошқа ҳужжатлардан фойдаланишлари мумкин.

қайта ишлаш маҳсулотларининг чиқиши нормаси муайян миқдордаги товарларни қайта ишлаш натижасида ҳосил бўладиган қайта ишлаш маҳсулотларининг миқдори ёки уларнинг фоиздаги ифодасидир. қайта ишлаш маҳсулотларининг чиқиши нормаси қайта ишлаш учун рухсатнома бериладиганда қайта ишлаш амалга ошириладиган шароитларни ҳисобга олган ҳолда божхона органлари томонидан белгиланади ёки улар билан келишиб олинади. қайта ишлаш маҳсулотларини тавсифлаш, уларнинг сифати ва миқдори қайта ишлаш маҳсулотларининг чиқиши нормалари асосида белгиланади.

Эксперт ташкилотларининг хулосалари асосида божхона органлари қайта ишлаш маҳсулотлари чиқишининг мажбурий нормаларини, агар бу божхона мақсадларида зарур бўладиган бўлса ёки товарларни қайта ишлашни амалга оширишга ёрдам берадиган бўлса, белгилашга ҳақли.

қайта ишлаш маҳсулотларининг чиқиши нормалари қайта ишлаш учун бериладиган рухсатномада кўрсатилади.

Товарларни қайта ишлашга рухсатнома олган шахс товарларни қайта ишлашни Божхона кодексининг 34-моддасига мувофиқ белгиланган муддат тугайдиган кундан кечиктирмасдан:

- божхона ҳудудида қайта ишлаш режимидан фойдаланган тақдирда - қайта ишлаш маҳсулотларини, қайта ишланмаган товарлар қолдиқлари ва товарларни қайта ишлаш натижасида ҳосил бўлган чиқиндиларни Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан ташқарига олиб чиққан ҳолда;

– божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлаш режимидан фойдаланган тақдирда - қайта ишлаш маҳсулотларини, қайта ишланмаган товарлар қолдиқлари ва товарларни қайта ишлаш натижасида ҳосил бўлган чиқиндиларни Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига олиб кирган ҳолда тугаллаши шарт.

қайта ишлаш олиб кирилган товарлар, уларни қайта ишлаш маҳсулотлари ва чиқиндиларни эркин муомалага чиқариш режимда, олиб чиқилган товарлар, уларни қайта ишлаш маҳсулотлари ва чиқиндиларни эса, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, Божхона кодексида белгиланган шартлар асосида экспорт режимда жойлаштириш билан тугалланиши ҳам мумкин. Товарларни қайта ишлашга рухсатнома олган шахснинг аризасига биноан божхона органи товарлар, уларни қайта ишлаш маҳсулотлари ва чиқиндиларни божхона ҳудудида қайта ишлаш режимининг ёки божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлаш режимининг амал қилишини тугаллашга, агар бунинг учун сабаблар асосли деб топилган бўлса ҳамда башарти айти шу режимлар талабларига риоя этиладиган бўлса, рухсат бериши мумкин. Бундай ҳолда қайта ишлаш режимларининг амал қилиши янги режимларнинг амал қилиши муддатига тўхтатиб қўйилади.

қайта ишлаш маҳсулотларини божхона чегараси орқали бир неча туркум қилиб олиб ўтишда қайта ишлаш маҳсулотлари миқдорининг рухсатномада кўрсатилганига мувофиқлигини текшириб туриш вақти-вақти билан, аммо уч ойда камида бир марта ва қайта ишлаш маҳсулотларининг охириги туркуми божхона чегараси орқали олиб ўтилган кундан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай амалга оширилиши мумкин. Агар ана шундай текшириб кўриш натижасида қайта ишлашга рухсатнома олган шахс божхона тўловларини тўлаши шарт бўлса, бунда мазкур тўловларнинг суммасига, башарти бу суммалар уларни тўлаш зарурлиги ҳақида божхона органи томонидан қарор қабул қилинган кундан эътиборан ўн кун ичида тўланадиган бўлса, пеня ҳисоблаб чиқарилмайди.

Йўқ қилиш. Йўқ қилиш шундай режимки, бунда чет эл товарлари бож, солиқлар ва иқтисодий сиёсат чоралари қўлланилмаган ҳолда божхона назорати остида йўқ қилинади, шу жумладан улар фойдаланиш учун яроқсиз ҳолга келтирилади.

Товарларни йўқ қилишга божхона органининг рухсати билан йўл қўйилади. Рухсатнома қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда берилади.

Товарларни йўқ қилиш манфаатдор шахс томонидан ўз ҳисобидан амалга оширилади.

Товарларни йўқ қилиш натижасида ҳосил бўлган чиқиндилар божхона назорати остида турган чет эл товарлари сифатида тегишли режимга жойлаштирилади.

Йўқ қилиб ташлаш учун рухсатнома бериш рад этилган тақдирда товарлар уларни олиб кирган шахс ҳисобидан Ўзбекистон Республикасидан ташқарига олиб чиқиб кетилади.

Давлат фойдасига воз кечиш.

Давлат фойдасига воз кечиш шундай режимки, бунда шахс товарларга нисбатан бож, солиқлар ва иқтисодий сиёсат чоралари қўлланилмаган ҳолда улардан давлат фойдасига воз кечади.

Товарларни давлат фойдасига воз кечиш режимига жойлаштиришга қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда божхона органининг рухсати билан йўл қўйилади.

Товарлардан давлат фойдасига воз кечиш давлатнинг харажатлар қилишига сабаб бўлмайди.

5.2. Божхона муносабатларида товарлар ва транспорт воситаларини декларациялаш тартиби

Товарлар ва транспорт воситалари муайян божхона режимига жойлаштирилгунига қадар қисқа декларация қўлланилиши мумкин.

Божхона органининг рухсати билан қисқа декларация сифатида транспорт, тижорат ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатлардан, шу жумладан халқаро ташишларни амалга ошириш чоғида қўлланиладиган, чет тилларда тузилган ҳужжатлардан фойдаланилиши мумкин.

қисқа декларация ташувчи томонидан товарлар ва транспорт воситаларини кўрсатиш билан бир вақтда ёки божхона органининг рухсати билан товарлар ва транспорт воситалари кўрсатилганидан кейин йигирма тўрт соат ичида топширилади.

Агар товарлар кўрсатилган муддат ичида муайян божхона режимига жойлаштирилса, қисқа декларация топширилмайди.

Ташувчи томонидан қисқа декларация топшириш ваколати берилган шахс бўлмаса, капитан, ҳайдовчи ёки транспорт воситасини бошқарувчи бошқа шахс божхона органлари учун шундай шахс деб ҳисобланади.

Ташувчининг вакили қисқа декларацияни расмийлаштиришда божхона органларига ёрдам кўрсатиши шарт.

қисқа декларациянинг шакли ва унда кўрсатилиши лозим бўлган маълумотларнинг рўйхати ва уни бериш тартиби божхона органлари томонидан белгиланади.

Олиб кирилган товарлар ва транспорт воситалари муайян божхона режимига жойлаштирилгунига қадар улар учун, шу жумладан бож тўловлари тўланиши учун божхона органлари олдида ташувчи жавобгар бўлади, Божхона кодекси 84 - моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳол бундан мустасно.

Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан олиб ўтиладиган ёки божхона режими ўзгартириладиган товарлар ва транспорт воситалари, шунингдек бошқа товарлар ва транспорт воситалари учун қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда божхона органига декларация топширилиши лозим.

Декларациялаш товарлар ва транспорт воситалари тўғрисидаги, улар жойлаштириладиган божхона режимлари ҳақидаги аниқ маълумотларни, божхона мақсадлари учун зарур бўлган бошқа маълумотларни белгиланган шаклда баён этиш орқали амалга оширилади.

Декларациялашнинг шакли ва тартиби, шунингдек божхона декларациясида кўрсатиладиган маълумотларнинг рўйхати қонун ҳужжатларида белгиланади.

Товарлар учун божхона расмийлаштирувидан ўтказилаётган божхона органига декларация топширилади.

Товарлар ташийдиган транспорт воситалари товарлар билан бир вақтда декларацияланади.

Юксиз транспорт воситалари ва йўловчилар ташиётган транспорт воситалари Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасини кесиб ўтиш вақтида декларацияланади.

Денгиз, дарё ва ҳаво кемалари ўзи етиб келган Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидаги порт ёки аэропортда ёхуд ўзи жўнаб кетган Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидаги порт ёки аэропортда декларацияланади.

Божхона декларацияси божхона органлари томонидан белгиланган муддатларда топширилади. Бу муддатлар товарлар ва транспорт воситалари кўрсатилган кундан эътиборан ўн беш кундан ошмаслиги лозим.

Жисмоний шахслар томонидан нотижорат мақсадлардаги товарларни қўл юки ва багаж ҳолида божхона чегарасидан олиб ўтишда божхона декларацияси товарларни кўрсатиш билан бир вақтда топширилади.

Божхона ҳудудига кириб келаётган транспорт воситалари Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасини кесиб ўтганидан кейин кўпи билан уч соат, божхона ҳудудидан чиқиб кетаётган транспорт воситалари эса Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасини кесиб ўтишига кўпи билан уч соат қолганида декларацияланади.

Ушбу моддада кўрсатилган муддатлар божхона органлари белгилайдиган тартибда ва шартларда узайтирилиши мумкин.

Божхона органи божхона декларациясини қабул қилишни рад этишга ҳақли эмас.

Божхона декларацияси қабул қилинганлиги расмийлаштирилган пайтдан бошлаб у юридик аҳамиятга молик фактлардан далолат берувчи ҳужжатга айланади.

Божхона декларациясини тақдим этиш билан бир вақтда божхона органига бошқа зарур ҳужжатлар ҳам топширилади. Божхона органи божхона декларацияси ва тақдим этилган ҳужжатларда баён этилган маълумотларни текшириш учун қўшимча маълумотларни сўраб олишга ҳақли. Кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар ва қўшимча маълумотлар рўйхати қонун ҳужжатларида белгиланади.

Божхона органи етишмаётган ҳужжатлар ва маълумотларни тақдим этиш муддатларини белгилашга ҳақли.

Божхона органининг рухсати билан халқаро ташишларда қўлланиладиган чет тилларда тузилган ҳужжатлар тақдим этилиши мумкин.

Божхона декларациясида кўрсатилган маълумотлар божхона органининг рухсати билан декларант томонидан ўзгартирилиши ёки тўлдирилиши, топширилган божхона декларацияси эса қайтариб олиниши мумкин.

Ўзгартириш, тўлдириш ёки қайтариб олиш фақатгина: божхона декларациясини текшириш бошлангунига қадар; товарлар ва транспорт воситаларини кўздан кечириш бошлангунига қадар; кўрсатилган маълумотларнинг нотўғри эканлиги божхона органи томонидан аниқлангунига қадар амалга оширилиши мумкин. Божхона декларациясини ўзгартириш ёки тўлдириш унинг амал қилиш доирасини кенгайтириши ёки торайтириши мумкин эмас. Божхона органларининг мансабдор шахслари ўз ташаббуси билан, шахснинг топшириги ёки илтимосига биноан ёзма божхона декларациясини тўлдиришга, божхона декларациясида кўрсатилган маълумотларни ўзгартириш ёки тўлдиришга ҳақли эмас, божхона органларининг ваколатига киритилган маълумотларни божхона декларациясига киритиш ҳоллари, шунингдек агар машинада ишлов бериш учун фойдаланиладиган кодли маълумотлар божхона декларациясида кодсиз кўринишда мавжуд бўлса, кодли маълумотларни ўзгартириш ёки тўлдириш бундан мустасно.

Агар декларант алоҳида сабаблар туфайли батафсил божхона декларациясини тақдим эта олмаса, божхона органи қонун ҳужжатларида белгиланадиган тартибда муваққат ёки тўлиқ бўлмаган божхона декларациясини тақдим этиш учун рухсат беришга ҳақли, бунда муваққат ёки тўлиқ бўлмаган божхона декларациясида божхона мақсадлари учун зарур бўлган асосий маълумотлар баён этилиши ва етишмаётган маълумотлар божхона органи белгилайдиган муддатларда тақдим этилиши шарт қилиб қўйилади.

Айни бир шахс томонидан айна бир хил товарлар ва транспорт воситалари мунтазам равишда олиб ўтилса, божхона органи муайян давр мобайнида Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган барча товарлар ва транспорт воситаларига битта божхона декларацияси берилишига рухсат этиши мумкин.

Даврий божхона декларациясини топшириш ҳоллари ва тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

Божхона органлари товарлар ва транспорт воситаларини декларациялашнинг соддалаштирилган тартибини белгилаб қўйишга ҳақли.

5.3. Декларантнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Товарлар ва транспорт воситаларини олиб ўтувчи шахс ёки божхона брокери декларант бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахси декларант бўлиши мумкин, жисмоний шахслар томонидан божхона чегараси орқали нотижорат мақсадларида товарлар олиб ўтиш ҳоллари ва божхона органлари белгилайдиган бошқа ҳоллар бундан мустасно.

Декларант, у божхона чегараси орқали товарлар ва транспорт воситаларини олиб ўтувчи шахс ёки божхона брокери бўлишидан қатъи назар, қонун ҳужжатларида назарда тутилган барча вазифаларни бажаради ва тўлиқ жавобгар бўлади.

Декларант божхона декларациясини топширгунга қадар божхона назорати остида товарлар ва транспорт воситаларини кўздан кечиришга, божхона органининг рухсати билан намуналар ва нусхалар олишга ҳақли. Агар товарларга доир божхона декларациясида ҳисобга олинган бўлса, намуналар ва нусхалар олинганида улар ҳақида алоҳида божхона декларацияси тақдим этилмайди.

Товарлар ва транспорт воситаларини декларациялаш чоғида декларант:

- Божхона кодексида назарда тутилган тартибга мувофиқ товарлар ва транспорт воситаларини декларациялашга ва божхона органига божхона декларациясини топширишга;

- божхона органининг талабига биноан декларацияланаётган товарлар ва транспорт воситаларини кўрсатишга;

- божхона органига божхона расмийлаштируви учун зарур бўлган ҳужжатлар ва қўшимча маълумотларни тақдим этишга;

- божхона тўловларини тўлашга; божхона органларига божхона расмийлаштирувини амалга оширишда ёрдам беришга мажбурдир.

- қонун ҳужжатларида декларантнинг бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳам назарда тутилган бўлиши мумкин.

Божхона брокери ўзини вакил қилган шахс ҳисобидан ва унинг топшириғига биноан божхона расмийлаштируви бўйича операцияларни ўз номидан ўтказувчи ҳамда божхона иши соҳасида бошқа воситачилик вазифаларини бажарувчи Ўзбекистон Республикасининг юридик шахсидир.

Божхона брокери билан уни вакил қилган шахснинг ўзаро муносабатлари шартнома асосида йўлга қўйилади.

Божхона брокерининг божхона органлари олдидаги ҳуқуқлари ва мажбуриятлари уни вакил қилган шахс билан тузилган шартномада чеклаб қўйилиши мумкин эмас.

Юридик шахс божхона брокери сифатида фаолият олиб бориш учун:

- ходимлар штатида божхона расмийлаштируви бўйича мутахассисга эга бўлиши;

- Божхона кодекси 100-моддаси иккинчи қисмининг бешинчи хатбошисида назарда тутилган ҳолларда фуқаролик жавобгарлигини суғурталаш ҳақида шартнома тузиши шарт.

Юридик шахсларнинг божхона брокери сифатидаги фаолияти устидан назорат олиб бориш тартиби Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан белгиланади.

Божхона расмийлаштируви бўйича мутахассис божхона органи томонидан берилган божхона расмийлаштируви бўйича мутахассиснинг малака аттестати бўлган, Ўзбекистон Республикасининг юридик шахси - декларант билан меҳнат шартномаси тузган ва шу декларант номидан божхона расмийлаштируви бўйича ҳаракатларни амалга оширадиган Ўзбекистон Республикасининг жисмоний шахсидир.

Декларант божхона расмийлаштируви бўйича мутахассиснинг божхона органлари олдидаги мажбуриятларини чеклаб қўйиши мумкин эмас.

5.4. Ўзбекистонда божхона режимлари такомиллаштириш масалалари

Божхона кодексида баён этилган божхона режимларидан бири вақтинча олиб кириш (олиб чиқиш) божхона режими бўлиб бугунги кунда бу режимда товарларни расмийлаштиришда маълум муаммолар мавжуд. Бу муаммолар мустақилликнинг дастлаки кунларидан бошлаб давом этиб келмоёда.

Божхона кодексида вақтинча олиб кириш божхона режимига киритилган товарлар ва транспорт воситаларини расмийлаштириш масалалари кенг ёритилмаган ва жуда ўйсў таъриф берилган, моддаларда расмийлаштириш қоидалари тўлиқ акс эттирилмаган.

Вақтинча олиб кириш режимига жойлаштирилган товарларни бож ва солиқлар тўллашдан тўла ёки қисман озод қилиш қандай ва ўайси ҳолатларида амалга оширилиш аниқ кўрсатилмаган.

Бугунги кунга қадар, ушбу божхона режимини мувофиқлаштирувчи, унинг қонун-қоида ва тартибларни ўзида аниқ жамлаб турувчи йўриқнома иўлаб чиқилган бўлсада, ваколатли органлардан рўйхатдан ўтказилмаган. Бу ҳол вақтинча олиб қираётган (олиб чиқилаётган) товарлар ва транспорт воситаларини расмийлаштиришга божхона ходимларининг ўз вазифаларини оқилона бажаришда ва аниқ қарор қабул қилишларида қийинчиликлар тугдирмоқда, шунингдек юридик ҳамда жисмоний шахслар олдида маълум муаммоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

Киота Конвенциясига 31та илова киритилган бўлиб, уларнинг ҳар бири божхона фаолиятининг маълум бир соҳаларини, масалан, эркин муомала учун божхона текшируви, божхона транзити, йўловчиларнинг божхонада расмийлаштирилиши қабиларни қамраб олади. Конвенция ахдлашувчи томонларнинг бир-бирларига қатта имтиёзлар беришидаги ҳуқуқларини ҳам қенгайтиради.

Ўзбекистон Республикаси Бутунжаҳон Божхона Ташкилотига ва Европа ҳамжиятига аъзо мамалакатлар ўртасидаги шерикчилик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Шартномага аъзо бўлганлиги сабабли божхона қонунларини юқоридаги конвенция тартибларидан келиб чиққан ҳолда, унга мослаштириб ишлаб чиқиши ва уни қўллаши мумкин. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Киота Конвенциясига аъзо эмас.

Ўзбекистон Республикасидаги “Ташки иқтисодий фаолият тўғрисида”ги, “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”ги ва бошқа қўплаб қонунлар божхона ишига у ёки бу даражада дахилдордир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан у ёки бу масалалар бўйича қонун қучига эга бўлган қарорлар ҳам қабул қилиниши мумкин ва улар ҳам божхона соҳасининг ҳуқуқий манбалиридан саналади.

Мазкур Конвенцияда божхона режимлари, уларни ўзгатириш тартиблари жуда қенг ва тушунарли ҳолда белгиланган. Ушбу конвенциянинг таҳрири қабул қилинган, лекин қучга киритилмаган, чунки уни қучга киритиш шартларидан бири бу конвенцияга 63та давлат аъзо бўлиб кириши

зарурлигидир. Шундагина, бу конвенция кучга киритилади. Ушбу шартларнинг бажарилиши ва конвенциянинг кучга кириши 5-6 йилга чўзилиши мумкин.

Бугунги кунда Киота Конвенциясининг янги тахририга атиги 10 давлат аъзо бўлган холос. Ривожланган давлатлар АКШ, Франция, Германия ва шунга ўхшаш давлатларнинг бирортаси ҳам бу конвенцияга аъзо бўлганича йўй.

Ўзбекистон Республикаси Бутунжахон Савдо Ташкилотига аъзо бўлиши борасида ишлар давом эттирилмоқда ва Киота Конвенциясига аъзо бўлиш ҳам айнан бунга ҳамоҳанг бўлади. Бу борада, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Давлат Божхона Кўмитаси раҳбарияти томонидан саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда.

Вактинча олиб кириш (олиб чиқиш) божхона режими бўйича муаммоларни ечишда Ўзбекистон Республикасининг 1990 йил 26 июндаги “Вактинча олиб кириш ҳақида”ги Истанбул Конвенциясига аъзо бўлиши мақсадга мувофиқ бўларди.

Конвенциянинг 13 низоми мавжуд бўлиб, бирор бир давлат ёки божхона ҳудуди мазкур Конвенциясига кўшилиш ёки расмий тасдиклаш тўғрисида изох бермасдан уни имзолашда, расмий тасдиклашда ўзи қабул қиладиган Низомни кўрсатади, бунда “А” Низомни ва камида яна битта низомни қабул қилиши лозим. У кейинчалик бир ёки бир неча бошқа Низомларни қилиши тўғрисида депозитарийларни хабардор қилиши мумкин.

“Вактинча кириш” божхона режими борасида амалиётда маълум қийинчиликларга дуч келинаётганлиги бу соҳада мавжуд қонун ва меъёрий актларни қайта кўриб чиқишни тақозо этади.

Бу қўйидаги йўналишларда олиб борилиши зарур:

1. Республикамиз ташки иктисодий алоқаларни янада ривожлантириш, халқаро божхона ташкилотлари билан ҳамкорликни янада тараққий эттиришга ва такомиллаштиришга сабаб бўлувчи божхона сиёсатини юритиш.

2. Божхона органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини халқаро божхона ҳуқуқи нормалари асосида янада такомиллаштириш.

3. “Божхона тартибларини соддалаштириш ва мувофиқлаштириш тўғрисида”ги 1973 йил 18 майда имзоланган Киота Конвенциясига Ўзбекистон Республикасининг аъзо бўлиб кириши борасидаги олиб борилаётган саъй-ҳаракатларни давом эттириш ва унга аъзо бўлишга эришиш.

4. Вактинча олиб кириш (олиб чиқиш) божхона режими бўйича муаммоларни тезроқ ҳал этиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 1990 йил 26 июндаги “Вактинча олиб кириш ҳақида”ги Истанбул Конвенциясига аъзо бўлиб киришини таъминлаш.

5. Божхона қонунчилиги яратилиш даврида Ўзбекистон Республикаси аъзо бўлиши қўйилаётган Халқаро ҳуқуқ нормалари ва конвенциялар талабларини назарда тутган ҳолда ишлаб чиқилиши зарур, бу ҳолат божхона қонунчилигига қайта ўзгартиришлар киритилиши муаммосини қамайтиради.

Президентимиз И.А.Каримов таъбири билан айтганда “Биз давлат қудратига, ҳокимият ва бошқарувга қараб эмас, аксинча уларнинг иш тизими қанчалик самара бераётганига, улар фаолиятининг қонуний асослари қай даражада шаклланишига қараб баҳо беришимиз керак”.

Таянч сўз ва иборалар

1. Эркин муомалага чиқариш (импорт)
2. Реимпорт
3. Экспорт
4. Резэкспорт
5. Транзит
6. Вақтинча олиб кириш (олиб чиқиш)
7. Вақтинча сақлаш
8. Божхона омбори
9. Эркин божхона зонаси
10. Эркин омбор
11. Бож олинмайдиган савдо дўкони
12. Божхона ҳудудида қайта ишлаш
13. Божхона назорати остида қайта ишлаш
14. Божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлаш
15. Йўқ қилиш
16. Давлат фойдасига воз кечиш

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Божхона режимлари деганда нимани тушунасиз?
2. Божхона режимларининг қандай турлари бор?
3. Божхона режимларини қўлланилишини тушунтириб беринг?
4. Божхонада товарлар ва транспорт воситаларини декларациялаш деганда нимани тушунасиз?
5. Декларациялаш шакллари айтинг.
6. Товарлар ва транспорт воситалари ўаерда декларацияланади?
7. Декларациялар қандай муддатларда топширилади?
8. Декларантнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини сананг.

Фойдаланилган адабиётлар

Асосий адабиётлар: 4,6,8,17,14,25,27.

қўшимча адабиётлар: 30,35,40,41,45,48.

6-мавзу. Божхона тўловлари (2 соат)

Режа:

6.1. Бож тарифини шакллантиришнинг моҳияти ва хусусиятлари.

6.2. Божхона тўловларининг моҳияти ва турлари.

6.3. Божхона тўловларини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби.

6.1. Бож тарифини шакллантиришнинг моҳияти ва хусусиятлари

“Бож тарифи тўғрисида”ги қонун бож тарифини шакллантириш ва қўлланиш тартибини, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан олиб ўтиладиган товарлардан бож ундириш қоидаларини белгилайди.

“Бож тарифи тўғрисида”ги қонуннинг асосий вазифалари Ўзбекистон Республикасининг жаҳон иқтисодиёти билан самарали интеграциялашуви учун шарт-шароит яратиш ва иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишдан иборатдир.

Бож тарифи-божхона чегарасидан олиб ўтиладиган, Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятининг Товар номенклатураси (бундан кейин матнда Товар номенклатураси деб юритилади) принциплари ва қоидаларига мувофиқ ҳолда бир тизимга солинган товарларга нисбатан қўлланиладиган бож ставкаларининг тўпламидир.

Товар номенклатураси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Бож-Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан товарлар олиб ўтиладиганда божхона органлари томонидан ундириладиган тўлов.

Ўзбекистон Республикасида импорт божи, экспорт божи, мавсумий ва алоҳида (махсус, антидемпинг, компенсация) бож қўлланилади. Алоҳида божларнинг қўлланилиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикасида бож ставкаларининг қуйидаги турлари қўлланилади:

- бож ундириладиган товарларнинг божхона қийматига нисбатан фоизларда ҳисобланадиган адвалор ставкалар;
- бож ундириладиган товарлар бирлиги учун белгиланган миқдорда ҳисобланадиган хос ставкалар;
- божнинг адвалор ҳамда хос турларини ўз ичига оладиган аралаш ставкалар.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бож тарифи тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади. Импорт божи халқаро шартномаларга мувофиқ белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси савдо-иқтисодий алоқаларда энг кўп қулайлик бериш тартибини қўллаётган мамлакатда ишлаб чиқарилган товарлар учун ундириладиган импорт божи ставкаларининг энг кам ёки энг кўп миқдори қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилади.

Савдо-иқтисодий алоқаларда энг кўп қулайлик бериш тартиби назарда тутилмаган мамлакатларда ишлаб чиқарилган ёки қайси мамлакатда ишлаб чиқарилганлиги аниқланмаган товарлар учун ундириладиган импорт божининг ставкалари икки барабар оширилади, ушбу қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси томонидан тариф преференциялари бериладиган ҳоллар бундан мустасно.

Импорт ва экспорт божининг ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган тартибда жорий этилади.

Мавсумий божлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланиб, товарлар олиб кириш ва олиб чиқишни тезкор тартибга солиш учун қўлланилади. Бунда бож тарифида назарда тутилган бож ставкалари қўлланилмайди. Мавсумий божлар улар белгиланган вақтдан эътиборан олти ойдан ортиқ амал қилиши мумкин эмас.

Махсус божлар, башарти, ўхшаш ёки бевосита рақобат қилувчи товарлар божхона ҳудудига Ўзбекистон Республикасидаги товар ишлаб чиқарувчиларга зиён етказадиган ёки зиён етказиши мумкин бўлган миқдорда ва шартларда олиб кириладиган бўлса, ҳимоя чораси сифатида, шунингдек бошқа давлатлар томонидан қилинадиган Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқларини чекловчи ва манфаатларини камситувчи бошқа ҳаракатларга жавоб чораси сифатида қўлланилади.

Демпингга қарши божлар қуйидаги ҳолларда қўлланилади:

- товарлар божхона ҳудудига уларнинг олиб чиқилган давлатда айна вақтда амалда бўлган реал қийматидан паст нархда олиб кирилса, агар бундай олиб кириш Ўзбекистон Республикасининг шунга ўхшаш товарларни ишлаб чиқарувчиларига моддий зиён етказса ёки етказиш хавфини тугдирса ёхуд Ўзбекистон Республикасида худди шундай товарлар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ёки кенгайтиришга тўсқинлик қилса;

- товарлар божхона ҳудудидан унинг Ўзбекистон Республикасида айна вақтда амалда бўлган реал қийматидан паст нархда олиб чиқилаётган бўлса, агар бундай олиб чиқиш Ўзбекистон Республикасининг шунга ўхшаш товарларни ишлаб чиқарувчиларига моддий зиён етказса ёки етказиш хавфи бўлса ёхуд Ўзбекистон Республикасининг ишлаб чиқарувчилари ўртасида нормал рақобат ўрнатилишига тўсқинлик қилса.

Компенсация божлари қуйидаги ҳолларда қўлланилади:

- Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига ишлаб чиқариш ёки олиб чиқиш пайтида бевосита ёхуд билвосита субсидиялардан фойдаланилган товарлар олиб кирилса, агар бундай олиб кириш Ўзбекистон Республикасининг ўхшаш товарлар ишлаб чиқарувчиларига моддий зиён етказса ёки етказиш хавфи бўлса ёхуд Ўзбекистон Республикасида худди шундай товарлар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ёки кенгайтиришга тўсқинлик қилса;

- божхона ҳудудидан ишлаб чиқариш ёки олиб чиқиш пайтида бевосита ёхуд билвосита субсидиялардан фойдаланилган товарлар олиб чиқилса, агар бундай олиб чиқиш Ўзбекистон Республикасининг манфаатларига моддий зиён етказса ёки етказиш хавфи бўлса.

Алоҳида божлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат бошқаруви органлари ташаббуси билан ўтказиладиган текширув натижаларига биноан қўлланилади.

Алоҳида божларнинг ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ҳар бир ҳолат бўйича махсус белгиланади ва уларнинг миқдори текширув натижасида аниқланган баҳони демпинг тарзида арзонлаштиришга, субсидиялар ва аниқланган зарар миқдорига мутаносиб бўлиши керак.

6.2. Божхона тўловларининг моҳияти ва турлари

Товарлар ва транспорт воситаларини божхона чегараси орқали олиб ўтишда ва Божхона кодексида назарда тутилган бошқа ҳолларда қуйидаги божхона тўловлари тўланади:

- бож;
- қўшилган қиймат солиғи;
- акциз солиғи;
- божхона ҳудудида қайта ишлаш режимидан ва божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлаш режимидан фойдаланиш билан боғлиқ рухсатномаларни берганлик учун йиғимлар;
- божхона расмийлаштируви бўйича мутахассиснинг малака аттестатини берганлик, бундай аттестатни қайта расмийлаштирганлик ва унинг амал қилиш муддатини узайтирганлик учун йиғимлар;
- божхона расмийлаштируви учун божхона йигими;
- товарларни сақлаганлик учун божхона йигими;
- товарларни божхона кузатувиغا олганлик учун божхона йигими;
- дастлабки қарорни қабул қилганлик учун ҳақ.
- қонун ҳужжатларида бошқа божхона тўловлари ҳам белгиланиши мумкин.

Божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарларга қонун ҳужжатларига мувофиқ бож, қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи солинади.

Товарлар қайтариб олиб чиқилган тақдирда илгари тўланган бож, қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи суммалари қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда қайтарилиши лозим.

қуйидаги ҳаракатлар учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган миқдорларда божхона йиғимлари ундирилади:

- товарлар ва транспорт воситаларини, шу жумладан кузатувчисиз бажада, халқаро почта жўнатмалари ва юкларда олиб ўтилаётган нотижорат мақсадларидаги товарларни божхона расмийлаштирувидан ўтказганлик учун;
- товарлар ва транспорт воситаларини белгиланган жойлардан ташқарида ва божхона органларининг белгиланган иш вақтидан ташқари вақтда божхона расмийлаштирувидан ўтказганлик учун;
- товарлар ва транспорт воситаларини божхона органлари эгалигидаги божхона омборлари ва вақтинча сақлаш омборларида сақлаганлик учун;

- товарларни божхона кузатувиغا олганлик учун.

6.3. Божхона тўловларини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби

Товарлар ва транспорт воситаларининг қонун ҳужжатларида белгиланадиган божхона қиймати божни, акциз солигини ва тегишли бож йиғимларини ҳисоблаб чиқариш учун асос бўлади.

қўшилган қиймат солигини ҳисоблаб чиқариш учун товарнинг божхона қиймати асос бўлиб, унга тўланиши лозим бўлган бож, акцизга тортиладиган товар бўйича эса, акциз солигининг суммаси ҳам қўшилади.

Божхона тўловлари декларант томонидан тўланади. гар қандай манфаатдор шахс, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, тўловчининг ўрнига божхона тўловларини тўлашга ҳақли.

Божхона тўловлари божхона декларацияси қабул қилингунга қадар ёки қабул қилиниши билан бир вақтда тўланади. Товарлар нотижорат мақсадлари учун олиб ўтилаётганда божхона тўловлари божхона декларациясини қабул қилиш билан бир вақтда тўланади.

Божхона тўловларини тўлаш муддатининг ўтиши божхона декларациясини топшириш муддати тугаганидан кейинги кундан бошланади.

Божхона тўловлари божхона органига, халқаро почта жўнатмаларида юборилаётган товарларга нисбатан эса, - алоқа корхоналарига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгиладиган тартибда тўланади.

Божхона тўловлари, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоидалар назарда тутилган бўлмаса, Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида тўланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси жисмоний шахслар томонидан олиб кирилаётган товарлардан олинадиган қўшилган қиймат солиғи, бож ва йиғимлар ўрнига ягона божхона тўлови тўлашни назарда тутувчи божхона тўловларини ундиришнинг соддалаштирилган тартибини белгилаши мумкин. (ЎЗР 30.08.2002 й. қонуни тахриридаги қисм)

Тўловчига божхона органининг қарорига асосан тўловларни кечиктириб ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти, божхона тўловларининг тўланиши Божхона кодексининг 111 - моддасида назарда тутилган тартибда таъминланган тақдирда, берилиши мумкин.

Божхона тўловларини тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш божхона декларацияси қабул қилинган кундан бошлаб икки ойдан ошмаслиги лозим.

Кечиктириш ва бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти берилган тақдирда қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда фоизлар ундирилади.

Ишлаб чиқарувчи корхоналарга экспорт махсулоти ишлаб чиқариш мақсадида фойдаланиладиган импорт қилинаётган моддий-техника ресурслари учун қўшилган қиймат солиғи бўйича уни тўлашни фоиз ундирилмаган ҳолда тўқсон кунлик муддатга кечиктириш имконияти берилади.

Моддий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги микрофирмалар ва кичик корхоналарга, фермер хўжаликларига, шунингдек юридик шахс

мақомидаги деҳқон хўжаликларига ўз эҳтиёжлари учун импорт қилаётган ускуналар, хом ашё ва моддий ресурслар учун божхона тўловлари тўлашни (божхона расмийлаштируви учун божхона йиғимлари бундан мустасно) фоиз ундирилмаган ҳолда тўқсон кунлик муддатга кечиктириш имконияти берилади.

Божхона тўловларини тўлашдан бўйин товлаётган шахсларга божхона тўловларини кечиктириб ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти берилмайди.

Божхона тўловларини тўлаш товарлар ва транспорт воситаларини гаровга қўйиш, учинчи шахснинг кафолати ёхуд тегишли суммаларни божхона органининг депозит ҳисобварагига ўтказиш йўли билан таъминланади.

Гаровга қўювчи божхона органининг розилигисиз гаров нарсасини тасарруф этишга ҳақли эмас.

Гаровга қўйилган товарлар ва транспорт воситалари, агар божхона органи бошқача қарор қабул қилмаса, гаровга қўювчининг эгалигида қолади.

Гаровни расмийлаштириш ва ундирувни гаров нарсасига қаратиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Божхона тўловлари тўланишини таъминловчи омил сифатида банкнинг ёки Ўзбекистон Республикасида банк операцияларини ўтказиш ҳуқуқига эга бўлган бошқа молия-кредит муассасасининг кафолатидан фойдаланиш мумкин.

Товарлар эркин муомала ёки экспорт учун божхонанинг чиқариш режимларига мувофиқ чиқариладиган ҳолларда тўланиши лозим бўлган божхона тўловларининг суммаси божхона органининг депозит ҳисобварагига ўтказилади. Суммалар депозит ҳисобварагида сақланган вақт учун фоизлар қўшилмайди. Тегишли суммаларни депозит ҳисобварагига ўтказиш ва уларни қайтариш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

Божхона кодексига мувофиқ тўланмаган божхона тўловлари божхона органи томонидан сўзсиз тартибда ундирилади, товарларни нотижорат мақсадларида олиб ўтадиган жисмоний шахслардан ундириладиган тўловлар бундан мустасно бўлиб, улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ундирилади.

Тўланмаган божхона тўловлари, тўламаганлик факти қачон аниқланганлигидан қатъий назар, ундирилиши лозим.

қарздорлик вақти учун боқимонда суммасидан қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорда сўзсиз тартибда пеня ундирилади.

Божхона тўловларини тўлашдан бўйин товланган ёки тўловчида пул маблағлари бўлмаган тақдирда ундирув қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Ортиқча тўланган ёки ундирилган божхона тўловларининг, шунингдек божхона режимларига мувофиқ қайтарилиши лозим бўлган божхона тўловларининг суммалари қайтарилиши ёхуд тўланган пайтдан бошлаб ёки бундай тўловлар ундирилган пайтдан бошлаб бир йил мобайнида тўловчининг талабномаси бўйича қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда бўлгуси тўловлар ҳисобига ўтказилиши лозим. Божхона тўловлари қайтарилганда улар учун фоизлар тўланмайди.

Таянч сўз ва иборалар

1. Бож тарифи
2. Бож тарифи турлари
3. Божхона тўлоалари
4. Божхона божи
5. Божхона йиғими
6. Акциз солиғи
7. қўшилган қиймат солиғи

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Бож тарифини шакллантиришнинг моҳияти ва хусусиятлари нимадан иборат?
2. Божхона тўловларининг моҳиятини тушунтириб беринг?
3. Божхона тўловларининг қандай турлари мавжуд?
4. Божхона тўловларини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби қандай?

Фойдаланилган адабиётлар

Асосий адабиётлар: 3,5,9,10,16,19,20,21.

қўшимча адабиётлар: 35,38,40,43,44.

7-мавзу: Божхона қиймати

Режа:

7.1. Божхона қиймати ҳақида тушунча ва уни белгилаш усуллари.

7.2. Олиб кириладиган товар юзасидан тузилган битим қийматиға қараб божхона баҳосини чиқариш усули.

7.3. Айнан бир хил товар юзасидан тузилган битим қийматиға қараб баҳолаш усули.

7.4. ўхшаши товар юзасидан ўтказилган битим қийматиға қараб божхона баҳосини чиқариш усули.

7.5. қийматларни чегириб ташлаш асосида божхона баҳосини чиқариш усули.

7.6. қийматларни қўшиш асосида божхона баҳосини чиқариш усули.

7.6. Резерв усул.

7.1. Божхона қиймати ҳақида тушунча ва уни белгилаш усуллари

Олиб келинадиган товарларнинг божхона қийматини белгилаш ундирилиши божхона органларига юклатилган божхона божи, йигимлар ва бошка туловларни ҳисоблаш, шунингдек, божхона статистикасини юритиш, божхонага дойр бошка мақсадларда товарлар қийматини белгилаш, шу жумладан, божхонага оид ҳуқуқбузарликлар учун Ўзбекистон Республикаси қонунларида назарда тутилган чораларнинг қўлланилиши учун реал базани (негизни) аниқлаш мақсадида амалга оширилади. Бундан ташқари, товарларнинг божхона қийматини белгилаш тизимидан валюта назоратини амалга ошириш учун зарур бўлган ахборотларни тўплаш ва таҳлил этиш мақсадида ҳам фойдаланилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасида жорий этиладиган товарларнинг божхона қиймати халқаро амалиётда қўлланиладиган божхонада баҳолашнинг умумий қоидаларига асосланади.

Божхона қиймати декларант томонидан Ўзбекистон Республикаси божхона органига товарни божхонада расмийлаштириш пайтида баён қилинади (декларацияланади). Божхона қийматининг декларацияланиши божхона қиймати декларацияларининг белгиланган шакллари (БКД-1 ва БКД-2 шакллари) бўйича амалга оширилади. Бунда божхона қиймати декларацияси божхона қиймати 1000 АҚШ долларига тенг ёки ундан кам бўлган товарларга дойр битимлар учун тулдирилмайди. БКД тулдирилмайдиган товарлар юзасидан божхона қиймати счёт-фактуралар, инвойслар, товартранспорт юкхатлари ва товарларнинг божхона қийматини аниқ белгилашга имкон берадиган бошка ҳужжатлардан фойдаланиб белгиланади.

Товарнинг божхона қиймати декларант томонидан божхона қийматини белгилашнинг келтирилган усуллариға биноан белгиланади.

Божхона қийматининг тугри белгиланиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг товарни божхонада расмийлаштиришни амалга оширувчи божхона органлари амалга оширади.

Товарларнинг божхона қийматини белгилаш куйидаги усулларни изчил тартибда қўллаш йули би-лан амалга оширилади:

- олиб кирилаётган товар юзасидан тузилган битимнинг қийматига караб бах,олаш;
- айнан бир хил товар юзасидан тузилган битим қийматига караб бахолаш;
- ухшаш товар юзасидан тузилган битим қийматига караб бахрлаш;
- қийматларни чегириб ташлаш асосида;
- қийматларни кушиш асосида;
- резервдаги усул.

Олиб келинадиган товарга дойр битим қиймати буйича бахрлаш усули божхона қийматини белгилашнинг асосий усули ҳисобланади. Мабодо асосий усулдан фойдаланиш мумкин булмаса, санаб утилган усулларнинг кейингилари изчил тартибда қўлланилади. Бунда, агар олдинги усулдан фойдаланиш йули билан божхона қийматини белгилаб булмаса, хар бир нав-батдаги усул қўлланилади.

қўлланишдаги изчиллиги декларантнинг хохишига кура узгартирилиши мумкин булган 4 ва 5-усуллардан ташкари, бошка усулларни қўллашдаги курсатилган изчиллик узгартирилиши мумкин эмас.

қийматли негиздаги битимлар учун 1-усул олиб келинадиган товарга дойр битим қиймати буйича бахолаш божхона қийматини белгилашнинг асосий усули ҳисобланади.

2 ва 3-усуллар илгари 1-усулга кура бахоланган худди шунингдек ёки шунга ухшаган товарларга дойр битим бахрсидан божхона қийматини белгилаш учун асосий база сифатида фойдаланишга асосланган. Бунда декларант амалда мавжуд булган савдо битимларининг нархи ва товарларнинг Ўзбекистон Республикаси чегараси оркали олиб утилишлари ҳақидаги хужжатлар асосида тасдиқланган маълумотни ўўллайди.

1997 йилда қонуннинг тегишли моддаларида кўрсатилган, Ўзбекистон Республикаси СИФ-чегараси шартлари асосида олиб келинган товарлар 1998 йилнинг биринчи чорагида худди шунингдек ва шунга ўхшаган товарлар сифатида қўлланилиши мумкин.

қийматларни чегириш ва қўшиш асосидаги усуллар (4 ва 5-усуллар) божхона қийматини ҳисоб-китоб қилишнинг принципиал жихатдан бошқача негизини назарда тугади: 4-усул товарлар дастлабки ҳолати ўзгартирилмасдан (ёки, мабодо қайта ишлашнинг товарлар нархига таъсири белгиланиши мумкин бўлса, қайта ишланган ҳолатида) сотиладиган нархга асосланади; 5-усул товар экспорт қилинган мамлакатда унинг ишлаб чиқарилиши ва олиб чиўиб кетилишига кетган харажатлар ҳақидаги маълумотларга асосланади. Бундай усулларнинг қўлланилиши зарур ахборотни олихдаги муайян қийинчиликлар билан бойлиқлиги сабабли уларни қўлланиш изчиллиги декларант томонидан ўзгартирилиши мумкин.

6-усул резерв усул ҳисобланади, чунки у божхона қийматини белгилаш учун бундан олдинги усуллардан ҳеч бирини қўллаб бўлмаганида қўлланилади. Бу усулга кўра божхона қиймати божхона органларида мавжуд бўлган нархларга оид ахборотга асосланади. Божхона хизматлари божхона қиймати декларацияларида мавжуд бўлган маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва бир тизимга солишни таъминлаши зарур.

Мободо божхона ходими импорт қилинадиган товарларнинг божхонадаги баҳоланишини мустақил амалга оширадиган бўлса, у, шунингдек, 1-5-усуллар шартларини тавлўин қилишда жиддий ўайшўўликни назарда тутадиган 6-резерв усулидан фойдаланиши ҳам мумкин.

7.2. Олиб кириладиган товар юзасидан тузилган битим қийматига қараб божхона баҳосини чиқариш усули

Тўлов бевосита ёки билвосита бўлиши ва валюта ҳақидаги амалдаги қонунларга зид келмайдиган ҳар қандай шаклда амалга оширилиши мумкин. Сотувчининг харидор олдидаги ўарзини узиш ҳисобига импорт товарларнинг етказиб берилиши билвосита тўловга мисол сифатида кўриб чиқилиши мумкин.

Ана шу талабга мувофиқ равишда божхона қиймати фақат унинг божхона қиймати декларациясида кўрсатилган ҳамма элементлари тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланганида 1-усулга кўра аниқланиши мумкин, шу жумладан:

а) битим нархи товар етказиб бериладиган товарга ҳақ тўлаш учун счёт ёки ҳисоб-фактура орқали;

б) битим қийматига қўшимча ҳисобланмалар – тўлов, товарга илова қилинадиган, тижоратчилик ҳужжатлари орқали;

в) харажатларнинг ҳисобдан чиқариладиган (чиқариб ташланадиган) суммалари – тўлов, товарга илова қилинадиган тижоратчилик, божхонага доир ҳужжатлар орқали.

1-усул ҳужжатлар асосида тасдиқланмайдиган ҳолларда қўлланилиши мумкин эмас.

Товарнинг у экспорт қилинган мамлакатдан чегара орқали Ўзбекистон Республикасига олиб ўтилиши ва харидордан ана шу товар ўрнига пуллик ҳисоб-китоблар (тўловлар)нинг қабул қилинган шаклларига мувофиқ, тенг келадиган пул суммасини ёки товарни олиш учун асос бўладиган, қийматга доир баҳолаш ёки унинг ҳисоб-китоб усулини ўз ичига олган шартнома (контракт) нинг мавжудлиги 1-усулни қўлланиш шarti ҳисобланади.

Мисол – харидорлар қатори мавжудлигида божхона қийматининг белгиланиши.

Сотувчи:	1-харидор:	2-харидор:	3-харидор:	
(А) Хитой	(Б) Канада	(В) АҚШ	(С) Ўзбекистон	10000\$
15000\$	20000\$	?		

Товар Хитойдаги сотувчидан Канада ва АҚШдаги сотувчилар орқали Ўзбекистонга келиб тушади ва эркин муомалага чиқариш учун декларация қилинади. Бунда битим нархи қуйидаги тарзда ўзгаради:

А дан Б га - 10000 АҚШ доллари;

Б дан В га - 15000 АЎШ доллари;

В дан С га - 20000 АҚШ доллари.

Харидорлар қатори мавжудлигида товарни Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудида эркин муомалага ўтказадиган шахснинг харид нархи битим нархи сифатида олинади. Ушбу мисолда 3 (С)-харидорнинг 20000 АҚШ долларига тенг харид нарҳини битим нархи сифатида қабул қилиш керак бўлади.

Юўорида кўриб чиқилган қоидаларни ҳисобга олган ҳолда 1 -усул қийматга доир негизга эга бўлмаган ташқи иқтисодий битимларга нисбатан қўлланилиши мумкин эмас:

а) товарнинг бепул етказиб берилиши.

Мисол: сотувчи харидорга намуна сифатида 5 та креслони етказиб берди. Бу ҳолда олди-сотди шартномаси йўқлиги (бўлмаганлиги) сабабли;

б) товар консигнация шартлари асосида етказиб берилган. Етказиб берувчи ўз агентига бир туркум картошкани етказиб берувчи учун фойдалироқ, шартлар асосида сотиш учун етказиб беради. Бу ҳолда агент картошкани сотиб олмайди, яъни унинг эгасига айланмайди; картошкани сотишдан фойдани етказиб берувчи олади (агентга унинг сотишга дои харажатлари ва иш ҳақи тўланиши ҳисобга олинган ҳолда);

в) товарнинг воситачига сотилмасдан воситачи орқали етказиб берилиши. Юридик шахс бўлган компания Бельгияда жойлашган ва Тошкентда ўз номидан фаолият кўрсатмайдиган ўз филиалига эга. Улар ўртасидаги товар етказиб берилиши олди-сотди битими тушунчасига кирмайди;

д) товарларнинг бартер ёки компенсацион операциялар доирасида етказиб берилиши, агар товарлар нархи кўрсатилмаган бўлса;

е) товарларнинг ижара шартномалари (лизинг) бўйича етказиб берилиши. Бу ҳолда товарга мулкчилик қилиш ҳуқуқи ижарага берувчидан ижарачига ўтмайди, мулкдор товардан фойдаланганлик ҳуқуқи учун фойданинг бир қисмини олади ва товарни муайян вақтдан сўнг унинг эгасига (ижарага берувчига) қайтариши мумкин;

ж) товарларнинг вақтинчалик олиб келиш мақсадида етказиб берилиши. Масалан, мулкдор (етказиб берувчи) томонидан муайян вақтдан сўнг етказиб берувчига қайтарилиши лозим бўлган машина истеъмолчига вақтинчалик олиб келиш шартлари асосида етказиб берилади;

к) товарларнинг контрактда назарда тутилган кафолатлар ҳисобига етказиб берилиши. Етказиб берилган ускуна учун кафолат муддати давомида айрим механизмлар ишдан чиқди. Уларни алмаштириш учун янги деталлар етказиб берилади.

Товарларнинг тасарруф этилиши ёки улардан харидор томонидан фойдаланилишига доир чеклашлар.

Импорт қилувчининг олиб келинадиган товарларга доир ҳуқуқларига нисбатан муайян чеклашлар мавжуд бўлганида 1-усул қўлланилмайди. Шу сабабли 1-усулнинг қўлланилишига имкон бермайдиган чеклашларни ва ушбу усулнинг қўлланилиши рухсат қилинадиган чеклашларни аниқ фарқлай билиш зарур.

Конунчиликка кўра харидорнинг бахоланаётган товарларга доир ҳуқуқларига нисбатан чеклашлар мавжуд бўлганида ҳам 1-усулнинг қўлланилиши рухсат этиладиган чеклашларнинг фақат учта тури белгиланган:

а) Ўзбекистон Республикаси қонунларига кўра

белгиланган чеклашлар. Бундай ҳолда қуйидаги тарздаги чеклашлар назарда тутилади: масалан, муайян товарни импорт қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар доирасига нисбатан чеклашлар ва хоказо. Жумладан, ядровий, кимёвий, захарловчи моддалар, гиёҳвандлик моддалари импорти фақат ўатъий чекланган доирадаги ташкилотларга рухсат этилади;

б) товарлар қайтадан сотилиши мумкин бўлган жўғрофий минтақага доир чеклашлар. Бундай ҳолда товарнинг қайтадан сотилиши бўйича айрим шахслар учун ҳудудий чеклашлар назарда тутилади. Масалан, сотувчи товарни Ўзбекистон ҳудудида ўз сотувчиларига сотади ва бутун ҳудудни уларнинг ҳар бирида биттадан алоҳида сотувчи мавжуд 10 та қисмга бўлади. Бунда сотувчиларнинг ҳар бири товарни фақат муайян ҳудудда сотиши мумкинлиги тўғрисидаги шарт ўййилади;

в) товар қийматига жиддий таъсир қилмайдиган чеклашлар. Агар нархга жиддий таъсир этадиган шарт мавжудлиги ҳақида баён қилинса, унда 1-усулнинг қўлланилиши фақат бундай шарт натижасида нархнинг микдорий ўзгариши ҳужжатлар асосида белгиланган ҳолдагина мумкин бўлади. Агар нархга микдорий таъсир қилишни белгилаш ва ҳужжатлар асосида тасдиқлаш мумкин бўлмаса, унда баҳолашнинг бошқа усулларига ўтиш керак бўлади.

Масалан, сотувчи тиббий аппаратни харидор ундан Ўзбекистон Республикасида фақат хайрия мақсадларида фойдаланади, деган шарт билан сотади. Бундай ҳолда 1-усул қўлланилиши мумкин эмас, чунки харидорнинг товардан фойдаланиш ҳуқуқига нисбатан чеклаш мавжуд ва бу ҳилдаги шарт битим қийматига таъсир қилиши мумкин. Шунинг учун баҳолашнинг бошқа усуллари қўлланилиши керак.

Чеклашларнинг 1-усулдан фойдаланиш имкониятига таъсир этиши нуўтаи назаридан олганда, бундай чеклашларни баҳолашдаги асосий мезон - у ёки бу шартнинг битим қийматига таъсир этиш даражасидир. Чеклаш битим нархига жиддий таъсир қилмайдиган ҳолда у 1 -усулнинг қўлланилишига тўсқинлик қилмайди.

Агар харидор ҳуқуқига нисбатан яна қандайдир бошқа чеклашлар мавжуд бўлса, унда 1-усул қўлланилмайди.

Сотув ёки нарх божхона қийматининг белгиланишига тўсқинлик қиладиган қандайдир шартлар ёки мулоҳазалар предмети бўла олмайди.

Бундай шарт шуни назарда тутадик, товар нархининг унинг сотилиши ёки етказиб берилишидаги товарнинг қийматига таъсирини белгилаш мумкин бўлмаган шартларга бойлиқ, бўлмайдиган ҳолларда ҳам 1-усул қўлланилиши мумкин.

Бундай, ҳолда битим шартларини кўриб чиқишда, шунингдек, умумий қабул қилинган тусга эга бўлган ва ташқи иқтисодий фаолиятнинг барча қатнашчиларига тегишли бўладиган (ёки уларга тақдим этилиши мумкин

бўлган) етказиб бериш шартларини ва танланган тусдаги ҳамда умумий қабул қилинмаган етказиб бериш шартларини фарқлай билиш лозим.

қуйида ташқи иқтисодий фаолиятда мавжуд бўлган, 1-усул қўлланилиши рухсат этиладиган товар етказиб беришнинг умумий қабул қилинган шартлари келтирилмоўда:

- товар етказиб беришларнинг барча умумий қабул қилинган шартлари (аввало, ИНКОТЕРМС-1990 га киритилган етказиб бериш шартларидир);

- битимларни тузиш ва товар етказиб берилишини амалга оширишнинг «экспертни жалб этиш (эксперт хулосаси мавжудлиги) шarti билан харид қилиш», «товарни муайян санагача етказиб бериш шarti билан харид қилиш» сингари умумий қабул қилинган шартлари, шунингдек, ташқи савдо операциялари учун умумий қабул қилинган ҳисобланадиган ва битим нархига таъсир қилмайдиган (товар сонига қараб, мазкур сотувчининг «ишончлилиги» сабабли чегирмалар қилиш ва шу каби чегирмалар турлари) бошқа шартлар. Масалан, агар мазкур харидорга товарни хар доим айна шу сотувчидан сотиб олганлиги учун товар қийматидан чегирма қилиниши умумий қабул қилинган амалиёт ҳисобланадиган бўлса, унда бундай чегирма ва бинобарин, битим қиймати эътироф этилиши лозим ва 1-усул қўлланилиши мумкин;

- харидорнинг сотувчига Ўзбекистон Республикасида тайёрланган техник ишланмалар ёки чизмаларни тақдим этиши;

- харидорнинг у импорт «қиладиган товарларнинг сотилишига доир қандайдир ҳаракатларни ўз ҳисобидан (эҳтимол, ҳатто сотувчи билан келишувга кўра) амалга ошириш, масалан, харидор ҳақини тўлайдиган рекламага оид фаолият.

Битимнинг тузилишида, агар баҳоланадиган товарлар қийматини белгилашга ва бинобарин, битим қийматининг божхона мақсадлари учун қабул қилинишига тўсқинлик қиладиган шартлар битим шартлари сифатида илгари сурилган бўлса, бундай ҳолда 1-усулнинг қўлланилиши мумкин бўлмайди. қуйидагилар ана шундай шартларга киради:

- сотувчи импорт қилинадиган товарларга нархни харидор, шунингдек, муайян миқдорлардаги бошқа турдаги товарларни ҳам товарнинг хар бир турига нарх кўрсатилмасидан сотиб олади деган шарт асосида белгилайди. Масалан, 5000 пул бирлиги суммасидаги чарм буюмлари етказиб бериляпти. Етказиб берувчи импорт қилувчининг қиймати номаълум бўлган 2 минг жуфт пойабзални ҳам қўшимча равишда сотиб олишини шарт қилиб қўяди;

- импорт қилинадиган товарлар нархи ана шундай товарлар харидорининг импорт қилинадиган товарларнинг сотувчисига сотадиган бошқа товарларнинг нархи ёки нархларига боғлиқ бўлади. Масалан, сотувчи 1000 пул бирлиги суммасидаги электр товарларини сотяпти. Харидор эса ушбу сотувчига бундай товарларни ишлаб чиқариш учун релени сотяпти. Бунда сотувчи реленинг нархи - 10000 пул бирлиги деган шартни қўяди. Шундай қилиб, электр ускуналари нархи реле нархининг таъсири «синовидан ўтади»;

- нарх импорт қилинадиган товарларга алоқаси бўлмаган ҳақ тўлаш шакли негизида белгиланади. Масалан, импорт қилинадиган товарлар сотувчи тайёр маҳсулотларнинг муайян миқдорини олиш шarti асосида етказиб берадиган

ярим тайёр маҳсулотлардан иборат бўлади. Сотувчи 10000 пул бирлигига ёғоч-тахта сотаяпти. Харидор ёғоч-тахтадан жами 1000 дона столни ишлаб чиқаради. Сотувчи шундай шарт қўяди: харидор ёғоч-тахта учун ҳақ, тўлаш ҳисобига 500 та столни етказиб беради, столлар қиймати белгиланмаган;

- олди-сотди шартномаси фақат ушбу сотувчидан сотиб олиш шартини назарда тутати;

- олди-сотди шартномаси битим қийматини товарларни узаро сотиш (етказиб бериш) шarti асосида белгилайди,

Бундай шартлар мавжуд бўлганида уларнинг битим қийматига таъсир қилган ёки қилмаганлигини ва бундай таъсирни миқдорий жиҳатдан белгилаш мумкин ёки мумкин эмаслигини аниқлаш керак бўлади. Фақат шартнинг қийматга таъсири миқдорий жиҳатини белгилаш мумкин бўлса ва баён қилинган нарх ҳақиқатда тўланган ёки тўланиши лозим бўлган нарх бўладиган бўлсагина, 1-усулни қўллаш мумкин.

Товарларнинг қандайдир тарзда кейинчалик қайта сотилиши, харидор томонидан тасарруф этилиши ёки фойдаланилишидан олинган тушумнинг ҳеч қандай қисми, агар фақат қийматнинг лозим даражадаги ўзгартирилиши амалга оширилмаса, бевосита ёки билвосита сотувчига ўтмайди. Мабодо тузилган шартнома шартларига кўра харидор товарнинг қайта сотилиши, тасарруф этилиши ёки фойдаланилишидан сўнг олинган тушумнинг бир қисмини сотувчига ўтказиши керак бўлсаю, лекин бундай қисм миқдори ёки уни белгилаш усули шартномада кўрсатилмаган ҳолда 1-усулни қўлланиш мумкин эмас. Бироқ, агар шартнома шартларига кўра тушумнинг бериладиган қисми миқдорини ҳисоблаб чиқиш мумкин бўлса, унда божхона қиймати икки босўичда белгиланади: биринчи боскичда божхона қиймати товар олиб келиниши пайтида

1 -усулга кўра белгиланади ва унинг чиқарилиши божхона органининг белгиси ўқилиб белгиланган тартибда амалга оширилади. Товарнинг сотилиши, тасарруф этилиши ёки фойдаланилишидан сўнг импорт қилувчи олинган сумма миқдори ва сотувчига бериладиган сумма ҳақидаги ҳужжатларни тақдим этади. Ана шу маълумотлар асосида божхона қиймати ва бинобарин, олиниши лозим бўлган божхона тўловлари суммаси ўзгартирилади.

Импорт қилувчи ва экспорт қилувчи ўзаро бир-бирига бойлиқ шахслар бўлмаган ҳолатларда, уларнинг бойлиқлиги битимнинг қийматига таъсир қилмаган ва бу декларант томонидан тасдиқланган ҳоллар бундан мустаснодир.

қонуннинг 18-моддасига мувофиқ шахслар қуйидаги ҳолларга мувофиқ, келганида ўзаро бир-бирига бойлиқ деб ҳисобланади:

- битим катнашчиларидан биттаси (жисмоний шахс) ёки битим катнашчиларидан бирининг мансабдор шахси айти бир вақтда битимда катнашаётган бошқа шахснинг мансабдор шахси бўлса;

- битим катнашчилари корхонага биргаликдаги эгалик қилувчи шахслар бўлса;

- битим қатнашчилари меҳнат муносабатлари орқали ўзаро бойлиқ бўлса;
- битим қатнашчиларидан бири битимда қатнашаётган бошқа шахс устав капиталининг овоз ҳуқуқини берувчи камида беш фоизига тенг бўлган улуш (пай) ёки акция эгаси бўлса;
- битимнинг ҳар иккала қатнашчиси бевосита ёки билвосита учинчи шахс назорати остида бўлса;
- битим қатнашчилари биргаликда бевосита ёки билвосита учинчи шахсни назорат қилсалар;
- битим қатнашчиларидан бири битимда қатнашаётган бошқа шахснинг бевосита ёки билвосита назорати остида бўлса;
- битим қатнашчилари ёки уларнинг мансабдор шахслари ўариндошлар бўлсалар.

Сотувчи билан харидорнинг ўзаро бойлиқлиги, шунингдек, бундай бойлиқликнинг битим нархига таъсири ҳақидаги маълумотлар декларант томонидан кўрсатилади.

Сотувчи билан харидор ўртасида алоқа мавжудлигининг ўзи битимнинг баён қилинган қийматини тан олмаслик ва 1-усулни қўллашни рад қилиш учун асос бўла олмайди.

Бундай ҳолда ўзаро бойлиқлик мавжуд бўлгани ёки бўлмагани ва унинг битим қийматига таъсир қилгани ёки қилмаганини аниқлаш зарур. Агар таъсир аниқланмаган бўлса, унда битим қиймати божхона органи томонидан қабул қилиш мумкин бўлган қиймат сифатида қабул қилинади. Агар божхона органида қийматга таъсир мавжуд бўлган деб ҳисоблаш учун асос бўлса, унда божхона органлари бу ҳақда импорт қилувчига (декларантга) хабар қилади ва унга бундай эмаслигини исботлаш ва баён қилинган қийматни ҳужжатлар асосида тасдиқлаш учун имкон беради.

Шубҳа туғиладиган барча ҳолларда тегишли битимга доир маълумотлар божхона органлари томонидан ҳисобга олиб ўййилади.

Сотувчи билан харидор ўртасида ўзаро бойлиқлик бўлган ҳолларда божхона органлари қуйидагича асосий ҳаракатларни амалга оширади:

1) Бундан илгари шу фирма билан битимлар бўлган-бўлмаганлиги ва улар юзасидан қандай мулоҳазалар бўлганлигини текшириш; божхона органида мавжуд бўлган ушбу битимга бевосита ёки билвосита тегишли, ахборотни таҳлил этиш.

Божхона органлари зарур ахборотга эга бўлган ўзаро бойлиқ бўлмаган шахслар ўртасидаги худди шунингдек ёки шунга ўхшаган битимлар ёхуд 4 ёки 5-усулларга кўра белгиланган божхона қиймати билан назоратли таққослашларни мустақил равишда амалга ошириши мумкин. Мабодо бундай ахборот ўзаро бойлиқлик битим қийматига таъсир қилмаган деб ҳулоса чиқариш учун етарли бўладиган ҳолда баён қилинган қиймат божхона органи томонидан декларантдан қўшимча ахборотни сўрамасдан қабул қилинади ва божхона қийматини белгилаш учун 1-усул қўлланилади. Бундан кейин бошқа текширув ўтказилмайди.

2) Бундай ўзаро бойлиқликнинг товар қийматига таъсирини тахлил этиш. Тахлил этиш жараёнида сотувчи билан харидорнинг тижорат муносабатларининг туси ва ташкил этилиши; товарни сотиш шартлари; буюртмалар ўай тарзда берилганлиги; товар қиймати қандай ҳисоблангани, нархнинг қандай белгилангани ва ҳисоб вараққа ёзилгани; ҳақ тўлаш ўай тарзда амалга оширилгани, тўловларнинг қандай ўтказилганлиги ва шу кабилар кўриб чиқилади.

Мабодо текширув (тахлил этиш) жараёнида сотувчи билан харидор гарчи ўзаро бойлиқ шахслар бўлсада, уларнинг бир-биридан товарларни сотиб олиши ва сотиши улар ўртасида гўё бундай бойлиқлик бўлмагани ҳолда содир этиладигани тарздаги каби юз бериши аниқланса, унда бундай ўзаро муносабатлар қийматга таъсир қилмаган деб қабул қилинади. Масалан, агар қийматнинг ушбу саноат тармоғидаги нархни белгилашга доир оддий амалиётга мувофиқ ёки сотувчининг сотиш нархини у билан бойлиқ, бўлмаган харидорларга сотишидаги каби йўл билан тайинлаши аниқланса, унда бу ҳол контрагентларнинг ўзаро муносабатлари қийматга таъсир кўрсатмаганлигини тасдиқлайди.

Мабодо текширув сотувчи билан харидорнинг ўзаро бойлиқлиги битим қийматига таъсир қилмаганлигини тасдиқласа, бундай қиймат қабул қилиш учун мумкин деб эътироф этилади ва божхона қийматини белгилаш учун 1-усул қўлланилади. Акс ҳолда 2-6-усуллар қўлланилади.

3) Декларантга ўзаро бойлиқликнинг битим қийматига таъсири бўлмаганлигини исботлаш имкониятини бериш ва декларант тақдим этган далилларни кўриб чиқиш;

4) Мабодо божхона органида декларант баён қилган битим қийматини қабул қилмасликка асос бўлгани ҳолда бундай асосларни ёзма равишда баён қилиш ва асослаш; импорт қилувчининг талабига кўра унга тегишли маълумотномани тақдим этиш;

5) Импорт қилувчининг хохишига кўра шахслар ўзаро бойлиқлигининг битим қийматига таъсирининг таҳлили натижаларини кутиб ўтирмасдан божхона қийматини белгилашнинг бошқа усулларига ўтиш;

6) Ушбу фирмани махсус ҳисобга олиб ўйиш.

Шуни ҳисобга олиш керакки, божхона органи ўзаро бойлиқлик мавжудлиги ва унинг битим қийматига таъсири юзасидан етарли асосланган шубҳалар бўлмаганида фирмани махсус назорат остига олиб ўйиши мумкин. Бундай назорат фирманинг бошқа битимларни расмийлаштиришидаги фаолиятини кузатиш учун керак ва фақат ана шундан кейин зарур бўлганида ва зарур ахборотлар тўпланганида текширув ўтказилади.

Шуни назарда тутиш керак бўладики, текширувнинг ўтказилиши ва ўзаро бойлиқ шахслар ўртасидаги битим ҳолатларини ўрганиш сотувчи билан харидор ўртасида ўзаро бойлиқлик аниқланган ҳамма ҳолатларда ҳам амалга оширилавермайди. Бу тарздаги ўрганиш фақат божхона органида қийматнинг қабул қилиш учун маўбуллиги юзасидан етарли асосланган шубҳалар мавжуд бўлганидагина талаб этилади. қийматнинг қабул қилиш учун маўбуллиги юзасидан божхона органида шубҳа уйғонмаганида бундай нарх импорт

қилувчига қўшимча ахборотларни сўраб мурожаат қилмасдан қабул қилинади (масалан, агар божхона органи бундан илгари мазкур контрагентлар ўртасидаги мавжуд алоқани ўрганган ёки улар ҳақидаги зарур маълумотларга эга бўлса, шундай қилинади).

Мабодо божхона органида сотувчи билан харидорнинг ўзаро бойлиқлиги муносабатлари ҳусусида шубҳа уйғонса, унда декларант ўзаро бойлиқликнинг битимга таъсир қилмаганлиги ва у баён қилган қийматнинг ҳақиқатан ҳам тўланганлигини исботлаш ҳуқуқига эга бўлади. ўзаро бойлиқ, шахслар ўртасидаги битим қийматининг қабул қилиш учун мақбул деб эътироф этилиши ва унга нисбатан 1-усулнинг қўлланилиши мумкин бўлиши учун декларант у баён қилган қийматнинг ҳақиқатан ҳам тўланганлиги ёхуд баҳоланаётган товарлар бўйича битим қийматининг қуйидагиларга жуда яқинлигини ҳужжатлар асосида тасдиқлаши лозим:

а) харидорлар билан бойлиқ бўлмаган (яъни, ўзаро бойлиқ бўлмаган шахслар) сотувчилар томонидан худди шунингдек ёки шунга ўхшаган товарлар сотилишидаги битим қийматига;

б) худди шунингдек ёки шунга ўхшаган товарларнинг 4-усулга кўра ҳисоблаб чиқилган божхона қийматига;

в) худди шунингдек ёки шунга ўхшаган товарларнинг 5-усулга кўра ҳисоблаб чиқилган божхона қийматига;

г) шу пайтгача божхона органи қабул қилган «назоратли» қийматга.

Бундай таққослашлар фақат декларант ташаббусига кўра амалга оширилади ва баҳоланадиган товарларга доир битим шартларига солиштириб кўриш мақсадида қўлланилади. Таққослашлар ўтказилишида таққосланадиган битимлар шартларидаги фарқларни ҳисобга олиб зарур ўзгартириш қилиниши лозим.

Битимнинг бир қиймати ёки божхона қийматининг бошқа қийматга ўнчалик «жуда яқинлигини» белгилашда қатор омилларни эътиборга олиш керак бўлади. Бундай омиллар импорт қилинадиган товарлар тусини; тармоўнинг ўзига хос хусусиятларини; товар импорт қилинадиган мавсумни, шунингдек, фарқнинг қийматда тижорат моҳиятига эга ёки эга эмаслиги фактини ҳисобга олиши зарур. Бундай омилларнинг турли ҳолларда бир хил бўлмаслиги учун универсал андоза, масалан, ўайд қилинган фоиз каби андозанинг қўлланилиши ҳар бир алоҳида ҳолда мумкин бўлмайди. Масалан, бир хилдаги товарга тегишли ҳолатда қийматлардаги ўнчалик жиддий бўлмаган фарқ, қабул қилинмаслиги мумкин, айтиб беришда эса бошқа бир хилдаги товарга тегишли ҳолатда қийматлардаги анча жиддий фарқнинг бемалол қабул қилиниши ҳам мумкин.

Шундай қилиб, ҳар бир алоҳида ҳолатда махсус текширув ўтказилиши ва ушбу ишга тегишли вазият асосида ўрор қабул қилиниши лозим.

Кўриб чиқиладиган битим шартларининг мувофиқлигини ҳисобга олган ҳолда божхона қийматини аниқлашнинг 1-усули қўлланилиши мумкинлиги белгиланганидан сўнг баён қилинган қийматнинг ўзгартирилиши қонуннинг 14-моддасига мувофиқ амалга оширилади.

ҳақиқатан ҳам тўланган ёки тўланиши лозим бўлган қийматнинг, яъни харидор сотувчига ҳақини тўлаган амалдаги харажатларнинг белгиланиши хар доим божхона қийматини белгилаш учун асосий нуўта бўлади.

хар қандай холда ҳам декларант битим қийматини тасдиқлаш учун БКД-1ни тўлдиришда, ҳақи тўлангани ёки йўқлигидан ўатъи назар, сотувчининг ушбу товарга ҳақ тўланиши учун тақдим этган ҳисобварақни тақдим қилиши шарт.

Агар божхонада расмийлаштириш пайтигача товарга ҳақ тўланиши амалга оширилган бўлса, унда сотувчи тақдим этган ва харидор ҳақини тўлаган ҳисобварақ унинг исботи сифатида тақдим қилинади. Бунда харидорнинг ҳақи тўланган ҳисобварақ, бўйича фойдаланган амалдаги чегирмалари (масалан, тўлов шартларига кўра чегирмалар) ҳисобга олинади.

Мабодо юкнинг божхонада расмийлаштирилиши пайтигача харидор сотувчи тақдим этган ҳисобварақнинг ҳақини тўламаган бўлса, унда божхона органига ҳақи тўланмаган ҳисобварақ тақдим этилади ва шу ҳисобварақ бўйича БКД-1 шаклида кўрсатилган сумманинг ҳисобварақдаги суммага мувофиқлиги текширилади. ҳақи тўланмаган ҳисобварақлар бўйича тўлов шартларига доир чегирмалар эътироф этилмайди. ҳисобварақнинг ҳақи тўланганидан кейин божхона қийматининг ўзгартирилиши амалга оширилиши мумкин.

Ҳисобварақ бўлмаганида 1-усул қўлланилмайди ва божхона қийматининг белгиланиши бошқа усулларга кўра амалга оширилади. Мабодо тақдим этилган ҳисобварақ божхона органида шубҳа уйғотса унда божхона органи битим қийматини тасдиқлайдиган бошқа ҳужжатларни талаб қилиши шарт.

Божхона органи декларант тақдим этган ҳужжатларга биноан битим қийматини эътироф қилганидан сўнг товарнинг божхона қийматини ҳисоб-китоб қилиш учун унга қўшимча ҳисобланмалар ёки чегирмаларни белгилаши зарур. Битим қиймати таркиби товарни етказиб бериш шартларига бойлиқ бўлади.

Фақат қонуннинг 18-моддасида белгиланган харажатлар қийматга қўшимчалар сифатида киритилиши мумкин:

а) товарни божхона ҳудудига олиб кирадиган жойгача етказиш харажатлари, жумладан;

– ташиш қиймати (харажатлари);

– юклаш, тушириш, қайтадан юклаш ва тушириб, бошқасига юклаш харажатлари;

– суғурта суммаси.

б) харидор қилган харажатлар:

– коммиссион брокерлик рағбатлантириш ҳақлари, товарларни сотиб олишга доир коммиссион ҳақлар бундан мустасно;

– агар контейнерлар ва (ёки) бошқа кўп марта ишлатиладиган тара бахрланадиган товарлар билан бир бутун холида кўриб чиқиладиган бўлса, улар қиймати;

– ураш қиймати, шу жумладан, ўраш материаллари ва ўрашга доир ишлар қиймати;

в) сотувчи харидорга бевосита ёки билвосита бепул ёки камайтирилган қиймати бўйича етказиб берадиган хизматлар ва бошқа товарлар қиймати;

г) харидор бахрланадиган товарларнинг сотилиши шартлари сифатида бевосита ёки билвосита амалга ошириши керак бўлган интеллектуал мулк объектларидан фойдаланганлик учун лицензия тўлови ва бошқа тўловлари;

д) олиб келинган товарни кейинчалик қандайдир қайтадан сотиш, тасарруф этиш ёки фойдаланишдан олинадиган тушумнинг сотувчига бевосита ёки билвосита тўланиши лозим бўлган ҳар қандай қисмининг қиймати.

Юўорида санаб ўтилган барча ҳаражатлар фақат улар битим қийматига киритилмаган ва декларант томонидан ҳужжатлар асосида тасдиқланган ҳолидагина битим нархига ўўшиб ҳисобланиши мумкин.

Агар битимни тузишда томонлар товар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган жойгача сотувчи томонидан етказиб берилиши ҳақидаги шартларни қўллашса, унда божхона қиймати қуйидаги тўловларни улар қийматдан чиқариб ташланиши шарти билан ўз ичига ўамраб олмайди, фақат ушбу ҳаражатлар ҳисоб-варақасида алоҳида кўрсатилган бўлса;

- саноат ўурилмалари, машиналар ёки ускуналар каби импорт қилинган товарлар олиб келинганидан кейин амалга оширилган ўурилиш, тиклаш, йиғиш, хизмат кўрсатиш ёки техник ҳамкорлик кўрсатиш ҳаражатлари;

- Ўзбекистон Республикасига импорт қилинганидан кейинги транспорт ҳаражатлари;

- Ўзбекистон Республикасида тўланиши лозим бўлган божлар ва солиқлар.

7.3. Айнан бир хил товар юзасидан тузилган битим қийматига қараб баҳолаш усули

2-усулнинг қўлланилишида айти бир хил товарлар юзасидан тузилган битим қийматига қараб божхона қийматини белгилаш учун база сифатида қабул қилинади.

қонуннинг 19-моддасига биноан баҳоланадиган товарлар билан ҳамма жихатларига кўра, шу жумладан, қуйидаги белгилари бўйича бир хилда бўлган товарлар худди шунингдек товарлар деб тушунилади:

- физик хусусиятлари;
- сифати ва бозордаги кадри;
- ўайси мамлакатда ишлаб чиқарилганлиги;
- ишлаб чиқарувчиси.

Бундай товарларни кўриб чиқишда агар уларнинг бошқа ҳамма хусусиятлари товарларнинг айтиан бир хил товарлар деб эътироф этилиши учун ўўйиладиган юўорида санаб ўтилган талабларга мувофиқ келса, унда уларнинг ташқи кўринишидаги унчалик жиддий бўлмаган фарқлар уларни айтиан бир хил товарлар сифатида кўриб чиқишни рад қилиш учун асос бўла олмайди.

Масалан, бир холда боЁлар ва полизлар учун инсектицидли пуркагич қисмларга бўлинган ва суюқликсиз (дорисиз) етказиб берилади. Иккинчи холда

эса зарарловчи дорилар тўлдирилган ва йиғилган ҳолатдаги худди шундай пуркагичлар етказиб берилади.

Пуркагич иккита йиЁма қисмдан иборат бўлади:

а) насос ва ўопўоЁига бириктирилган учлик ва б) заҳарли моддалар учун контейнер (идиш). қисмларга бўлинган пуркагичларни ишлайдиган ҳолатга келтириш учун контейнер суёқлик билан тўлдирилади ва ўопўоЁи беркитилади. Шундай қилиб, ишлатиш учун тайёрланган пуркагичлар таққосласа бўладиган (ўхшаш) ҳолга келади, ҳамма жихатларига кўра, шу жумладан, физик хусусиятлари ва кадрига кўра бозорда худди шунингдек товарлар тарзида тақдим этилади, бир мамлакатда у қисмларга бўлинган ҳолида, бошқасида эса йиғилган ҳолида ўййилиши бундан мустанодир. Йиғишга доир операция айнан бир хил ёки шунга ўхшаган товарлар тарзида кўриб чиқиладиган йиғилмаган ёки йиғилган товарлардаги фарқларнинг бартараф этилишига олиб келади. Шундай қилиб, товарларнинг бир ҳолатда йиғилган ҳолида, бошқа ҳолатда эса қисмларга бўлинган ҳолида етказиб берилиши уларни айнан бир хил товарлар тарзида кўриб чиқишни истисно эта олмайди.

Агар товар баҳоланаётган товар билан айнаи бир мамлакатда ишлаб чиқарилмаган бўлса, унда у баҳоланаётган товар билан айнан бир хил товар деб ҳисобланмайди.

Турли шахслар ишлаб чиқарган товарлар фақат декларантларда баҳрланаётган товарларни тайёрлаган шахс ишлаб чиқарган айнан бир хил товарлар ҳақида маълумотлар бўлмаса, шундай ҳолдагина айнан бир хил товарлар деб ҳисобланиши мумкин.

Агар товарнинг лойиҳаланиши, тажриба-конструкторлик ишлари, бадий безалиши, дизайни, эскизлари, чизмалари ва шунга ўхшаган ишлари Ўзбекистон Республикасида бажарилган бўлса, у айнан бир хил товар деб ҳисобланмайди.

Агар товарлар қуйидаги шартларга мувофиқ келса, худди шунингдек товарларга доир битим нархи божхона қийматини белгилаш учун база сифатида қабул қилинади:

а) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келиш учун сотилган бўлса;

б) баҳоланаётган товарлар билан айнаи бир вақтда ёки улар олиб келинишига қадар 90 кундан кўп бўлмаган вақтда олиб келинган бўлса;

в) тахминан баҳоланаётган товарлар олиб келинган миқдорда ва (ёки) худди шунингдек тижоратчилик шартлари асосида олиб келинган бўлса.

Бундай усулни қўллашда божхона органлари имкони борица айнан бир хил товарларнинг баҳоланаётган товарлар билан бир хилдаги тижоратчилик шартлари асосида ва кўпроқ ана шунча миқдорларда сотилишидан фойдаланиши лозим. Бунга ўхшаган сотиш ҳоллари аниқланмаганида айнан бир хил товарларнинг қуйидаги учта шартдан бирига мувофиқ ҳолда сотилиши, ҳолидан фойдаланиши мумкин:

а) бир хилдаги тижоратчилик шартлари асосида, бироқ бошқа миқдорларда сотилиши;

б) турлича тижоратчилик шартлари асосида, бироқ кўпроқ айни бир хилдаги миқдорларда сотилиши;

в) турлича тижоратчилик шартлари асосида ва турлича миқдорий омилга кўра сотилиши.

Импорт қилинадиган айнан бир хил товарларга доир битимнинг шу тарзда белгиланган қиймати баҳоланаётган товарлар учун божхона қийматини англатади.

Бунда шуни эсда тутиш керакки, тижорат шартлари ёки миқдорларида фарқлар бўлганида ўзгартириш киритиш учун бундай ўзгартиришнинг унинг мақсадга мувофиқлиги ва аниқлигини шубҳасиз даражага етказадиган далилларнинг кўпайишига ёки камайишига олиб келишига доир омил шарт бўлиб ҳисобланади. Ишлаб чиқарувчининг турли шартлар ва турли миқдорларга тегишли нархларни ўз ичига оладиган амалдаги прејскурантлари ана шундай объектив далиллар сифатида кўриб чиқилиши мумкин.

Масалан, баҳоланаётган импорт қилинган товарлар 10 та бирликдан иборат гуруҳни ташкил этади, божхона органи ва декларант ихтиёрида мавжуд бўлган айнан бир хил импорт қилинган товарларга доир битимнинг ягона қиймати эса 500 та бирликнинг сотилишига тегишлидир. Бунда шу нарса эътироф этилганки, сотувчи миқдор учун чегирмалар тақдим қилади. Бунда талаб этиладиган ўзгартириш сотувчи прејскуранти ва 10 та бирликнинг сотилишига доир нархдан фойдаланиш ёрдамида амалга оширилиши мумкин. Бу прејскурантдаги нарх-навонинг ишончлилиги ва бошқа миқдорлардаги сотишларга ҳам асосланиб тузилганлигини ҳисобга олиб сотувнинг 10 талик бирликлардаги миқдорлар билан сотилиши лозимлигини англатмайди. Бундай объектив мезон бўлмаганида божхона қийматини 2-усулга кўра белгилаб бўлмайди.

Бундай ўзгартириш ҳам декларант томонидан ҳақиқатан ҳам ҳужжатлар асосида тасдиқланган маълумотлар орқали амалга оширилиши лозим.

Масалан, СВЕД типдаги кир ювиш машинаси Швециядан олувчи Х томонидан бепул импорт қилинади. Худди шундай турдаги машина харидор У томонидан АҚШдан савдо битими натижасида импорт қилинади.

А) етказиб берувчи бепул етказиб бериш олувчи (швеция) свед типдаги кир ювиш (х) машиналари (10 дона)

Б) сотувчи худди шунингдек товарни етказиб харидор (АҚШ) бериш бўйича савдо битими (100 дона) (у) божхона қиймати 10000 АҚШ доллари.

а) товар учун 1 -усулни қўллаш мумкин эмас, чунки олиб келиш учун савдо битими асос бўлмаган. б) товарнинг божхона қийматини белгилаш учун 1-усул қўлланилган. Олувчи Х ва харидор У олиб келган кир ювиш машиналари айнан бир хил товарлар ҳисобланади. б) товар учун божхона қиймати белгиланганлиги сабабли уни бепул етказиб беришлар бўлгани ҳолда уларни товарлар миқдорига қараб зарур ўзгартиришлар қилган тарзда 2-усул бўйича баҳолаш учун жалб этиш керак бўлади.

Мабодо ушбу усулни қўллашда айнан бир хил товарларга доир битимнинг бирдан ортик, нархлари аниқланса, унда импорт қилинадиган

товарларнинг божхона қийматини белгилаш учун бундай нархларнинг энг пасткиси (ками) қўлланилади.

7.4. Ўхшаш товар юзасидан ўтказилган битим қийматига қараб божхона баҳосини чиқариш усули

Ўхшаш товарлар деганда, гарчи ҳамма жихатларига кура бир хил булмаса-да, лекин бир-бирига ухшаш хусусиятларга эга ва баҳоланаётган товарлар каби функцияларни бажаришга ва тижорат жихатдан бирини бири билан алмашлашга имкон берадиган ухшаш таркибий қисмларидан иборат булган товарлар тушинилади.

Товарларни бир-бирига ухшашлигини белгилашда куйидаги жихатлар ҳисобга олинади:

- сифати, товар белгисининг мавжудлиги ва бозордаги кадри;
- қайси мамлакатда ишлаб чиқарилганлиги;
- ишлаб чиқарувчиси.

Ухшаш товарларга доир битим нархи буйича Божхона қийматини белгилашнинг 3-усулидан фойдаланишда 2-усулни куллашдаги каби қоидалар кулланилади.

Масалан, бир-бирига ухшаган булимли доирадаги резина покришқалар бир мамлакатда жойлашган иккита турли ишлаб чиқарувчилардан импорт қилинади. Хар бир ишлаб чиқарувчининг уз савдо маркаларидан фойдаланишига қарамасдан резина покришқалар бир хилдаги стандартлар, сифатига эга, импорт қилувчи мамлакатнинг автомобили саноатида бир хилдаги эътиборга сазовор ва талабга эгадир.

Ана шундай маълумотлар асосида куйидагича ҳулосалар чиқарилиши мумкин:

а) ушбу резина покришқалар турли савдо марказларига эгалиги сабабли улар айни бир хил товарлар сифатида қуриб чиқилиши мумкин эмас;

б) шу билан бирга, гарчи покришқа маълумотлари ҳамма жихатларига кура бир хил булмаса-да, барибир улар бир-бирига ухшаган хусусиятларга ва таркибий материалларга эгаки, бу уларнинг бир хилдаги функцияларни бажаришига имкон беради. Товарларни бир хилдаги стандартларни ҳисобга олиб бажарилгани, сифати ва бозордаги қадри жихатидан бир хиллиги ва савдо маркасига эгалиги сабабли уларни ухшаш товарлар сифатида қуриб чиқиш керак булади.

Декларант 3-усулни кулланишда ухшаш товарларни имкони борича баҳоланаётган товарлар билан бир хилдаги тижорат шартлари асосида ва тахминан шунчалик миқдордаги сотилишига доир ахборотдан фойдаланиши лозим. Бундай турдаги сотиш ҳоллари аниқланмаганида учраб турадиган ва куйидагича ўрта шартдан бирига мувофиқ қеладиган ухшаш товарлар сотилишидан фойдаланиш мумкин:

а) ҳудди шундай тижоратчилик шартлари асосида, бироқ турли миқдорларда сотилиши;

б) турлича тижоратчилик шартлари асосида, бироқ тахминан бир хилдаги микдорларда сотилиши;

в) турлича тижоратчилик шартлари асосида ва турли микдорларда сотилиши.

Ана шу шартларни қайсидир бирига кура сотилиш вариантыни танлагач қуйидаги тегишли вариантларга тугри келадиган омиллар бўйича ухшаш товарларнинг Божхона қийматига узгартириш киритиш керак бўлади:

а) фақат микдорий омилларга кура;

б) фақат тижоратчилик шартларига тегишли омилларга кура;

в) тижоратчилик шартларига тегишли омиллар ва микдорий омилларга кура.

Импорт қилинадиган ухшаш товарларга доир битимнинг узгартиришлар ҳисобга олиб белгиланган қиймати баҳоланаётган товарлар учун Божхона қиймати ҳисобланади.

Узгартиришларга нисбатан қуйиладиган талаблар 2-усулга доир узгартиришларга қуйиладиган талаблар сингари бўлади. Мисолни қуриб чиқамиз.

а) Етказиб берувчи (Швеция)	Бепул етказиб бериш	Олувчи (кафолат ҳисобига)
--------------------------------	---------------------	------------------------------

(Р)

“СВЕД” кир ювиш машинаси 10 дона
(етказиб бериш вақти 01.01.98й.)

б) Сотувчи “Альфа” (АҚШ)	Ухшаш товарларни етказиб бериш бўйича савдо битими маншинаси 1000 дона;
--------------------------------	--

Божхона қиймати ў 100000 АҚШ доллари
(етказиб бериш вақти 05.10.97й.)

в) Сотувчи ухшаш товарни етказиб бериш бўйича савдо битими “Бета” кир ювиш машинаси - 20 дона;

Божхона қиймати ў 1800 АҚШ доллари
(етказиб бериш вақти 20.11.97й.)

г) Сотувчи кир (Германия)	Ухшаш товарни етказиб бериш бўйича савдо битими “Гамма” ювиш машинаси - 15000 дона;
---------------------------------	--

Божхона қиймати ў 15000 АҚШ доллари
(етказиб бериш вақти 25.12.97й.)

Ушбу ҳолда айни бир хил товарлар тақдим этилмаган, тунки товарлар турли савдо маркасига ва ташки безатилиши жихатидан принципаал фарқларга эга. Бу уринда гап бир хилдаги хусусиятга эга ва бир хилдаги материаллардан тайёрланган ухшаш товарлар ҳақида боряпти. Савдода улар узаро бир-бирининг урнини алмашлаши мумкин.

б, в, г бандлари остида келтирилган товарлар 1-усулга кура белгиланган Божхона қийматига эга.

а) товар учун 1-усулни куллаш мумкин эмас, чунки сотиб олиш факти йук.

2-усул ҳам кулланилиши мумкин булмайдиган, чунки айнан бир хил товарларнинг Божхона киймати йук. Шундай қилиб, бундай ҳолда 3-усул кулланилиши керак бўлади. б, в, г товарлари учун Божхона киймати белгиланганлиги сабабли уни а) товар учун бепул етказиб бериш учун асосий ҳисоб-китоб базаси сифатида кулланилиши мумкин.

Бирок ушбу ҳолларда ухшаш товарларга доир 3 та энг паст нархлисини танлаш зарур. Бу ҳолда в) вариантдаги етказиб бериш энг макбули бўлиши мумкин, чунки товар бирлигининг нархи 90 АҚШ долларида иборат бўлган эди. Шундай қилиб, зарур узгартиришлар амалга оширилгач, в) товарнинг Божхона кийматидан а) товарни баҳолаш учун фойдаланиш керак бўлади.

Мабодо декларантда айнан бир хил ва ухшаш товарларнинг Божхона киймати ҳақидаги ахборот мавжуд бўлмаса, унда баҳолашнинг бошқа усулларига ўтиш лозим бўлади.

7.5. қийматларни чегириб ташлаш асосида божхона баҳосини чиқариш усули

4-усул бўйича Божхона баҳосини чиқариш учун баҳоладиган, айнан бир хил ёки ухшаш товарлар Ўзбекистон Республикасининг ички бозоридаги дастлабки ҳолати узгартирилмасдан сотиладиган сотиш нархи Божхона кийматини белгилаш учун асос қилиб қабул қилинади.

Қийматни чегириб ташлаш асосида баҳолаш усулидан фойдаланишда товар бирлигининг баҳоладиган, айнан бир хил ёки шунга ўхшаш товарлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сотувчига боғлиқ бўлмаган харидор томонидан олиб келиш санасидан 90 кун ичида энг қуқ гуруҳлар бўйича сотиладиган нархи база сифатида қабул қилинади.

Божхона кийматини ички нарх асосида ҳисоблаш мумкин бўлиши учун ундан факат ички бозорга ҳос бўлган элементлари, яъни ушбу товарлар импортидан кейин амалга оширилган харажатларни чегириб ташланиши зарур.

Қонуннинг 21-моддасига мувофиқ сотиладиган товар бирлиги нархидан қуйидаги харажатлар чегириб ташланади:

а) воситачилиқ ҳақи тулашга қилинган харажатлар, фойдага қуйиладиган одатдаги устамалар ва олиб қелинган бир хил классдаги ва турдаги товарларни Ўзбекистон Республикасида сотиш билан боғлиқ умумий харажатлар;

б) товарлар олиб қириш ёки сотиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасида туланиши лозим бўлган импорт божлари, солиқлар, йигимлар ва туловдлар суммаси;

в) Ўзбекистон Республикасида транспортда ташиш, сугурталаш, юклаш ва тушириш учун қилинган харажатлар.

Ички бозордаги товарларнинг сотилиши нархини танлашда қуриб чиқилладиган товарларнинг импорт қилинганидан сунг биринчи тижорат даражасидаги сотиб олинишидан, яъни импорт қилинган товарларнинг дастлабки қайта сотилишидан фойдаланиш лозим.

Божхона киймати белгиланиши лозим булган товар гуруҳини танлаш учун мисолларни куриб чиқамиз.

Сотиш ҳажми буйича	Бир.Бирлик нархи	Сотишлар учун ушбу нарх сотилган умумий
микдор		
1-10 та бирлик	100 3 та бирликдан	5 та сотиш
65		5та бирликдан 10 та сотиш
11-25 та бирлик	95 11 та бирликдан	5 та сотиш 55
25 дан ортик бирлик	90 30 та бирликдан	1 та сотиш 80
	50 та бирликдан	1 та сотиш

Бир нарх буйича сотилган товарларнинг энг куп микдори 80 тани ташкил этади, шундай қилиб, энг куп жамланган гуруҳдаги товар бирлиги нархи 90 та бирликни ташкил қилади.

Божхона кийматини аниқлаш учун товарнинг сотиш нархидан 6.3-бандда курсатилган, товар бирлигига тугри келадиган харажатларнинг бир қисмини чиқариб ташлаш керак бўлади. Масалан, бу, айтайлик, 18 пул бирлиги - савдо устамаси, 5,4 пул бирлиги - Божхона божлари ва солиқлар, 0,6 пул бирлиги - транспорт харажатлари булсин. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга оширилган ва товар бирлигига тугри келадиган барча харажатларнинг жами суммаси 24 пул бирлигини ташкил этади. Товар бирлиги нархи -90 дан 24 пул бирлигини чиқариб ташлаш керак. Шундай қилиб, товар бирлигининг Божхона киймати 66 пул бирлигидан иборат бўлади. Божхона кийматини олиб келинадиган товарларни сонига ўзгартириб, баҳоланаётган товарлар гуруҳининг Божхона кийматини белгилаш мумкин.

4-усул буйича Божхона кийматини аниқлаш мақсадида фойдаланиш учун товар бирлиги нарҳини белгилашда импорт қилинадиган мамлакатда сотувчига Конуннинг 21-моддасида назарда тутилган элементларнинг товарлар ишлаб чиқарилиши ва уларнинг импорт қилинадиган мамлакатга экспортга сотилиши муносабати билан фойдаланиши учун бевосита ёки билвосита бепул ёки камайтирилган нарх буйича етказиб беришни амалга оширадиган шахсга қандайдир сотилиши эътиборга олинмаслиги керак.

Ички бозорда сотилган товарларни танлашда бир класс ёки турдаги товарлар куриб чиқилади. Ушбу ҳолда 4-усулнинг қулланилиши учун баҳоланаётган товарлар ишлаб чиқарилган мамлакат ва бошқа мамлакатлардан чиққан товарлар ҳам куриб чиқилиши мумкин.

4-усул мақсадлари учун “энг яқин сана”ни белгилашда импорт қилинадиган товарлар ёки айнан бир хил ёки ўхшаш импорт қилинган товарларнинг товар бирлиги нарҳини белгилаш учун етарли микдорда сотилиши амалга ошириладиган сана ана шундай сана бўлади.

Конуннинг 21-моддасида белгиланганидек, баҳоланаётган, айнан бир хил ёки ўхшаш товарларнинг ички бозорда уларни олиб келиш пайтидаги қаб

холатида сотилиши холлари булмаганида декларантнинг илтимосига кура қайта ишлашдан утган товар бирлигининг нархи, кушилган киймати ва 6.3-бандга мувофик чегириб ташланадиган харажатларга доир тузатишлар килингани холда кулланилиши мумкин.

Бунда кейинчалик қайта ишлаш жараёнида кушилган кийматдан чегирмалар объектив ва бундай иш кийматига нисбатан микдорий белгиланадиган маълумотларга аосланиши лозим. Саноатда кабул килинган формулалар, курилиш усуллари ва ишлаб чиқаришнинг тегишли тармоқларидаги бошқа амалиёт хисоб-китоблар негизини ташкил этиши лозим.

Одатда, 4-усул импорт килинган товарлар қайта ишлаш натижасида узининг бошқалари билан бир хиллигини йукотадиган холларда кулланилмайди. Бирок шундай вазиятлар ҳам булиши мумкинки, гарчи импорт килинган товарларнинг бошқалари билан бир хиллиги йукотилган булса-да, қайта ишлаш жараёнида кушилган киймати унчалик кийинчиликларсиз аник белгилаш мумкин булади. Бошқа томондан эса шундай холлар ҳам буладики, импорт килинган товарлар узининг бошқалари билан бир хиллигини саклаб қоладию, бирок импорт килинган мамлакатда товарларда шундай бир унчалик жиддий булмаган элементи бунёд этиб, бунда ушбу баҳолаш усулидан фойдаланиш узини окламайди. Юкорида баён килинганлар сабабли бу хилдаги хар бир вазият хар бир холда алохида тарзда карорлар у ёки бошқа вазиятнинг аниў холатларига мувофик кабул килиниши лозим.

7.6. Қийматларни қўшиш асосида божхона баҳосини чиқариш усули

Қийматларни кушиш асосида Божхона баҳосини чиқариш усулидан фойдаланилганда, товарнинг:

а) баҳоланаётган товарнинг ишлаб чиқариш муносабати билан тайёрловчи томонидан сарфланган материаллар кийматини ва бошқа харажатларни;

б) айнаи бир турдаги товарларни олиб чиқиладиган мамлакатдан Ўзбекистон Республикасига сотишга хос булган умумий харажатларнинг, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Божхона чегарасидан утиш жойигача транспортда ташиб келтириш, юклаш ва тушириш, сугурталаш харажатларини;

в) айнан ёки бир хил ухшаш товарларни Ўзбекистон Республикасига етказиб бериш натижасида экспортёр томонидан одатда олинадиган фойдани кушган холда чиқариладиган баҳоси Божхона кийматини белгилаш учун асос сифатида кабул килинади.

Бу усулга кура Божхона киймати факат Ўзбекистон Республикасидан ташкарида олиш мумкин булган ахборот асосида белгиланади. Одатда, товарларни ишлаб чиқарувчи Ўзбекистон Республикаси юрисдикциясидан ташкарида булади. Шу сабабли 5-усулнинг кулланилиши одатда шундай шартлар билан чекланган буладики, уларга кура харидор билан сотувчи узаро боғланган булади ва ишлаб чиқарувчи Ўзбекистон Республикасининг Божхона органларига ишлаб чиқариш харажатлари хакидаги зарур маълумотларни

такдим этиш ва кейинчалик утказилиши лозим булган уларни текширилишини енгиллаштиришга тайёр булади.

Товарни ишлаб чиқаришни Божхона қийматини белгилаш мақсадида такдим этган ахборот унинг мамлақатида Ўзбекистон Республикаси вакиллари томонидан ишлаб чиқарувчининг розилиги билан ва манфаатдор мамлакатлар ҳукумати етарли даражада вақтлик хабардор қилинади ва у бундай текширишга нисбатан қаршилик қилмайди деган шартга қўра тасдиқланиши мумкин.

Харажатлар ҳақидаги маълумотлар баҳоланаётган товарнинг ишлаб чиқарилишига тегишли, ишлаб чиқарувчи томонидан ёки унинг томонидан такдим этиладиган маълумот асосида белгиланиши лозим. Бундай ахборот ишлаб чиқарувчининг тижоратга оид ҳисоботларида, бундай ҳисоботлар товарлар ишлаб чиқарилган мамлакатда қабул қилинадиган ҳисобга олишнинг умумий қабул қилинган қоидаларига мувофиқ қелади деган шарт билан асос топган бўлиши керак.

Харажатлар, шунингдек, Қонуннинг 18-моддасида назарда тутилган элементлар қийматини, яъни 1-усулни қўллашда ҳисобга олинадиган харажатларни ҳам ўз ичига олиши керак. Улар шу билан бирга яна импорт қилинадиган товарларнинг ишлаб чиқарилиши муносабати билан харидор томонидан сотувчига бевосита ва билвосита етказиб берилган ҳар қандай элементнинг лозим даражада тасдиқланган қийматини ҳам қамраб олиши лозим. Импорт мамлақатида бажарилган элементлар қиймати фақат ана шу элементларни ижро қилувчи амалга оширган ҳақ тўлаш доирасидагина қиритилиши лозим. Шунинг эътиборида қўйиладиган қўйиш усули билан Божхона баҳосини аниқлашда ҳеч қандай харажатлар ёки элементлар қиймати икки марта ҳисобга олиниши мумкин эмас.

Такдим этилган маълумотларни шуни қайд қилиш керакки, “фойда ва харажатлар миқдори” бир бутун сифатида қўйиб чиқилиши лозим. Бу шуни аниқлатадики, агар бирон-бир алоҳида ҳолда ишлаб чиқарувчи фойдаси миқдори унчалик катта бўлмасдан, унинг умумий харажатлари юқори бўлса, унда унинг биргаликда олинган фойдаси ва умумий харажатлари барибир одатда шундай сифатдаги ёки турдаги товарлар сотилишида акс этадиган бундай қўйишларга мувофиқ қилиниши мумкин. Бундай вазият масалан, маҳсулот импорт мамлақатида бозорга чиқадиган ва ишлаб чиқарувчи ўшбу бозорни ўзлаштириш билан боғлиқ юқори умумий харажатларини қисман шунинг ҳисобига қўйиладиган фойданинг ноль даражаси ёки ундан паст даражани қабул қиладиган ҳолда қўйиши мумкин. Агар ишлаб чиқарувчи импорт қилинадиган товарларни сотишда у алоҳида тижоратчилик ҳолатлари оқибатида фойда олишини қўйиш олса, унда унинг фойданинг амалдаги қўйишларини оқлаш учун жиддий тижоратга доир далиллари мажбур бўлиб, унинг нархларга оид қўйиш саноатнинг ўшбу тармоғидаги оддий нарх қўйишини акс эттириши шарт билан бундай қўйишларни эътибор учун қабул қилиш керак бўлади. Бундай вазият, масалан, ишлаб чиқарувчилар талабнинг қўйилмаган тарзда қўйиб қўйиш натижасида нархларни қўйишга мажбур бўлишганида ёки улар товарларни импорт мамлақатида

ишлаб чиқариладиган товарлар тоифасини тулдириш тартибида сотадиган ва узининг рақобатга бардошлилигини сақлаб қолиш мақсадида кам фойдага рози буладиган ҳолда вужудга келиши мумкин. Ишлаб чиқарувчининг узи берадиган фойда ва умумий харажатлар ҳаёдаги маълумотлар ишлаб чиқарувчилар экспорт мамлакида товарларни импорт мамлакига олиб чиқиш учун амалга оширадиган, баҳоланаётган товарлар синфдаги ёки шу турдаги товарларнинг сотилишидаги курсаткичларга мувофиқ келмаганида фойда ва умумий харажатлар миқдори ишлаб чиқарувчи томонидан ёки унинг томонидан тақдим этиладиган маълумотлардан бошқа ишончли маълумотга асосланиши мумкин.

Кийматларни қушиш усулига қўра Божхона кийматини белгилаш мақсадлари учун ишлаб чиқарувчи томонидан ёки унинг номида тақдим этиладиган маълумотдан бошқа ахборот фойдаланилганида импорт қилувчи мамлакатнинг Божхона органлари, агар импорт қилувчи бу ҳақда илтимос қилса, бундай ахборот манбаи, фойдаланилган маълумотлар ва уларга асосланган ҳисоб-китоблар ҳақида унга хабар қилиши лозим.

“Умумий харажатлар” атамаси 7.1.а-бандга киритилмаган товарларнинг ишлаб чиқарилиши ва экспортга сотилишига доир бевосита ва билвосита харажатларни қамраб олиши керак.

Мабодо импорт қилинадиган товар учун шу пайтгача қўлланилган барча усуллар Божхона кийматини белгилашга олиб келмаса, унда хорижли ишлаб чиқарувчи тақдим этган калькуляция ҳужжатлари асосида Божхона кийматини белгилаш имконияти ҳам мавжуд бўлиб, бундай киймат, масалан, материал учун харажатлар, умумий (қушимча) харажатлар, даромад, олиб қилинадиган товарларнинг ҳисоб-китоб қилинган киймат усули бўйича Божхона киймати қаби элементларни ўз ичига олиши лозим. Бепул етказиб бериш учун 1-усулдан 4-усулгача бўлган баҳолаш усуллари истисно қилинади (савдо битимларини йўқлиги, бир ҳилдаги товарлар учун Божхона кийматининг йўқлиги, импорт қилинадиган мамлакатнинг ички бозорида сотувнинг йўқлиги). Божхона олиб қилинадиган товарнинг Божхона кийматини ишлаб чиқарувчи тақдим этган калькуляция ҳужжатлари асосида ҳисоблаб чиқиши мумкин. Мабодо шубҳа пайдо бўлса, ишлаб чиқарувчидан унинг розилиги билан ва 7.2-банднинг 2-қисмида назарда тутилган шартларга риоя қилингани ҳолда текшириб қўриш керак бўлади.

7.7. Резерв усул

Мабодо Божхона киймати декларант томонидан қўрсатилган бешта усулни изчиллик билан қўллаш натижасида белгиланиши мумкин бўлмаса ёки Божхона органлари далиллари асосида Божхона кийматини белгилашнинг ўшбу бешта усулини қўллаш мумкин эмас деб ҳисобланса, унда баҳоланаётган товарларнинг Божхона киймати қуйида келтириладиган талаблар доирасида 1-5-баҳолаш усуллари бир мунча қайишўўлик билан қўлланиш йўли орқали белгиланади ва асосланади.

Резерв усулини қўлашда Божхона органлари декларантга ўзларининг ихтиёрида мавжуд бўлган нархларга оид маълумотларни тақдим қиладилар.

Куйидаги 6-усулга кура Божхона кийматини белгилаш учун база сифатида кулланилиши мумкин эмас:

а) Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган ухшаш товарнинг сотув нархи;

б) икки ва ундан ортиқ муқобил кийматларнинг энг юқориси;

в) товарнинг олиб чиқилган (экспорт қилинган) мамлакат ички бозоридаги баҳоси;

г) олиб чиқилган (экспорт қилинган) мамлакатдан учунчи мамлактларга етказиб берилган товарнинг баҳоси;

д) энг паст Божхона кийматларига, шунингдек, товарларнинг узбошимчалик билан қуйилган ёки уз тасдиғини топмаган сохта кийматлари.

6-усулга кура белгиланган Божхона киймати илғари белгиланган Божхона кийматларига имкони борича максимал тарзда асосланиши лозим.

6-усул доирасида кулланиладиган баҳолаш усуллари 6-усулнинг мақсадлари ва қоидаларига мувофиқ тарзда йул қуйиладиган тарзда қайишқоклик билан қулланадиган 1-5- усулларидан иборат бўлиши керак.

Куйидагилар тартибга кура белгиланган усулларни қулланишда йул қуйилиши мумкин бўлган оқилона қайишқок ёндашувига айрим мисоллар бўла олади:

а) айнан бир хил товарларга нисбатан қайишқоклик қуйидагилар юзасидан йул қуйилиши мумкин.

- айнан бир хил товарларни олиб қелиш муддатлари, бироқ Божхона кийматини белгилаш учун асос сифатида экспорт қилувчи мамлақатида бошқа ишлаб чиқарувчи томонидан ва Божхонада баҳоланиши лозим бўлган товарларни экспорт қилувчи мамлакатдан бошқа қайсидир узга мамлакатда ишлаб чиқарилган худди шунингдек импорт қилинган товарлар қуриб чиқилиши мумкин;

- айнан бир хил импорт қилинган товарларнинг илғари 4 ва 5-усулларга кура белгиланган Божхона кийматидан фойдаланиш;

б) ухшаш товарларга нисбатан қайишқоклик қуйидагилар юзасидан йул қуйилади:

- ухшаш товарларнинг олиб қелиниши муддатларига нисбатан;

- Божхонада баҳоланиши лозим бўлган товарларни экспорт қилувчи мамлакатдан бошқа қайсидир узга мамлақатда ишлаб чиқарилган шунга ухшаган импорт қилинган товарлар шунга ухшаш товарларнинг Божхона кийматини белгилаш учун асос сифатида фойдаланилганида;

- ухшаш импорт қилинган товарларнинг илғари 4 ва 5-усулларга кура белгиланган Божхона кийматидан фойдаланиш;

в) 4-усулга нисбатан товарларнинг ички бозорда сотилиши муддатлари ҳақидаги, шунингдек, уларнинг қай ҳолда импорт қилингани (яъни, муайян қайта ишлашга йул қуйилиши) ҳақидаги талабларнинг қайишқоклик билан талқин этилишига йул қуйилиши мумкин.

6-усулни қуллашда ҳужжатлар оғуали тасдиқлашга нисбатан талаблар, шунингдек, бошқа усулларга нисбатан қупрок қайишқокликка йул қуяди: жаҳон нархлари, ички бозордаги нархлар бўйича ахборот билдирғичларидан

фойдаланиш; комисион рағбатлантириш ҳақлари, чегирмалар, фойда, транспорт тарифлари ва шу кабиларнинг умумий қабул қилинган даражалари ҳақидаги статистик маълумотлардан фойдаланиш. Бунда баҳоланаётган товарларнинг етказиб берилиши шартларини ҳисобга олган ҳолда маълумотлар албатта тегишли равишда ўзгартирилиши лозим.

Таянч сўз ва иборалар

1. Божхона қиймати
2. Божхона баҳоси
3. Божхона баҳосини аниқлаш усуллари
4. Битим қиймати
5. Айнан бир хил товар
6. ўхшаш товар
7. қийматларни чегириш
8. қийматларни қўшиш
9. Резерв усул

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Божхона қиймати деганда нимани тушунасиш?
2. Божхона қийматини белгилашнинг қандай усуллари бор?
3. Олиб кириладиган товар юзасидан тузилган битим қийматига қараб божхона баҳосини чиқариш усули моҳияти нималардан иборат?
4. Айнан бир хил товар юзасидан тузилган битим қийматига қараб баҳолаш усули деганда нимани тушунасиш?
5. ўхшаш товар юзасидан ўтказилган битим қийматига қараб божхона баҳосини чиқариш усули қандай усул?
6. қийматларни чегириб ташлаш асосида божхона баҳосини чиқариш усули қандай усул?
7. қийматларни қўшиш асосида божхона баҳосини чиқариш усули деганда нимани тушунасиш?
8. Резерв усул қандай пайтларда қўлланилади?

Фойдаланилган адабиётлар

Асосий адабиётлар: 1,2,4,9,15,19,24.

қўшимча адабиётлар: 30,31,38,45,49,50,51.

8-мавзу: Божхона қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик

Режа:

- 8.1. Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жисмоний ва юридик шахслар жавобгарлиги.
- 8.2. Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги ишларни юритиш.
- 8.3. Божхона органлари суриштирув органлари сифатида.
- 8.4. Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жиноий жавобгарлик.
- 8.5. Контрабанда тушунчаси ва контрабанда учун жавобгарлик.

8.1. Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жисмоний ва юридик шахслар жавобгарлиги

Контрабандага божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузишларга ва Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарларга тегишли солиқлар ва бошқа мажбурий бож тўловларини тўлашдан бош тортишга қарши кураш функцияси Ўзбекистон Республикаси божхона органларининг асосий функцияларидан бири эканлиги қонун билан мустаҳкамланган. Юқорида айтиб ўтилган функция билан қонун ҳужжатлари томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари сирасига киритилган божхона органларининг мавқеини ҳам белгилаб берилиши ўз функционал вазифаларини ҳал этишда божхона органларининг ҳуқуқини кенгайтиради. Божхона органлари божхона билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларга қарши кураш вазифасини ҳал этиб, божхона ҳақидаги қонун ҳужжатлари бузилишига барҳам бериш мақсадида ҳуқуқий мажбурлаш, санкция усулларини қўллайдилар.

Божхона билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарликка тортиш соҳасида Ўзбекистон Республикаси божхона органларининг ҳуқуқни қўллаш амалиёти Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг IX ва X бўлимлари қоидалари билан қонуний тартибга солинади. Ушбу қоидалар асосида божхона ҳақидаги қонунлар бузилганлиги учун таъсир кўрсатиш чораларига тегишли масалалар бўйича норматив база шаклланади.

Божхона кодексида божхона ҳақидаги қонун ҳужжатлари бузилиши тушунчасига кенг изоҳ берилган. Божхона кодексида ва Ўзбекистон Республикасининг божхона қонун ҳужжатларида белгиланган божхона қоидаларига риоя этмаслик божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларининг бузилиши деб ҳисобланади.

Айтиб ўтилган моддага биноан божхона қонунларининг бузилиши Божхона кодекси, «Бож тарифи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни, Ўзбекистон Республикасининг божхона иши тўғрисидаги бошқа қонун ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари билан белгиланган Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарлар ва транспорт воситаларининг божхона назорати ва божхона расмийлаштируви (шу жумладан божхона режимлари) тартибига, божхона тўловларини тўлашга, божхона имтиёзлари бериш ва улардан фойдаланишга тажовуз қилувчи шахсларнинг ҳуқуққа зид тусдаги ҳатти-

ҳаракати ёхуд ҳаракатсизлигидир. Бунинг учун (яъни, уларнинг ҳуқуққа зид ҳатти-ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги учун) Божхона кодексида жавобгарлик назарда тутилган.

Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларининг бузилганлиги учун жавобгарлик субъектларини аниқлашда шуни назарда тутиш керакки, қуйидаги Ўзбекистон Республикаси шахслари ҳам, хорижий шахслар ҳам маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин:

а) фуқаролар (улар ҳуқуқбузарлик содир этилган пайтда ўн олти ёшга тўлганда);

б) мансабдор шахслар (агар улар ҳуқуқбузарлик содир этган пайтда уларнинг хизмат вазифаларига Божхона кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг божхона иши бўйича қонун ҳужжатлари талаблари бажарилишини таъминлаш кирса);

в) юридик шахслар (мулкчилик шаклларида қатъи назар корхоналар, ташкилотлар, муассасалар);

г) юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахслар.

Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 15-бўлими 134-172-моддаларида божхона ҳақидаги қонунлар бузилиши турлари ва улар бузилганлиги учун жавобгарлик белгиланган.

Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузган фуқаролар ва мансабдор шахслар маъмурий жавобгар бўладилар, уларнинг қилмишларида жиноят аломатлари бўлган тақдирда эса, жиноий жавобгарликка тортиладилар.

ҳуқуқни бузувчи (жисмоний шахс) билан божхона органи (юридик шахс) ўртасида ўзаро муносабатлар пайдо бўлганда, ҳуқуқ бузиш мавзуси эса фуқарога тегишли товар божхона қоидаларининг бузилиши фуқаро томонидан содир этилган деб тавсифланади.

Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларининг бузилганлиги учун шахслардан божхона органи томонидан фаолиятнинг муайян турини амалга ошириш учун берилган лицензия ёки малака аттестати чақириб олиниши мумкин.

Мансабдор шахслар, агар улар томонидан ҳуқуқни бузиш содир этилиши пайтида Божхона кодекси, шунингдек бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган талаблар бажарилишини таъминлаш уларнинг хизмат мажбуриятларига кирса, божхона қоидалари бузилганлиги учун жавоб беради.

Юридик шахслар ва юридик шахсни ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган шахсларга нисбатан Божхона кодексининг 134-172-моддаларида назарда тутилган божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларининг бузилганлиги учун жарималар, божхона органи томонидан фаолиятнинг муайян турини амалга ошириш учун берилган лицензия ёки малака аттестатини чақириб олиш, божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларининг бузилиши қуроли ёки бевосита ашёси ҳисобланган товарлар ва транспорт воситалари мусодара қилиниши қўлланилади.

Корхоналар ва ташкилотлар ходимлари томонидан улар ўз хизмат вазифаларини бажариши чоғида содир этилган божхонага оид қонун ҳужжатларининг бузилиши, яъни корхона ёки фуқаро (юқни оловчи,

жўнатувчи, ташувчи, сақдовчи)нинг иши билан боғлиқ ҳамда уларнинг манфаатлари йўлида ва товарлари билан содир этилган ҳатти-ҳаракат корхона ва ташкилот (юридик шахс) томонидан содир этилган божхона қоидаларининг бузилиши сифатида тавсифланади. Ушбу ҳолда юридик шахслар сифатида божхона органи билан корхона, ташкилот ўртасида ўзаро муносабат пайдо бўлади. Корхона, ташкилот ёки фуқарога қарашли бўлган товар қонунни бузиш ашёси ҳисобланади.

Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузган шахслардан товарлар ва транспорт воситаларини мусодара қилиш имконияти бўлмаган тақдирда қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда уларнинг қиймати ундирилади.

Юридик шахсларни жавобгарликка тортиш уларнинг мансабдор шахслари ва бошқа ходимларини улар божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлиги учун жавобгарликдан озод этмайди.

Юридик шахснинг мансабдор шахслари ва бошқа ходимларини контрабанда учун ҳамда божхона иши соҳасида бошқа жиноятларни содир этганлик учун жиноий жавобгарликка тортиш юридик шахсни божхонага оид қонун ҳужжатларида назарда тутилган жавобгарликдан озод этмайди.

Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун бериладиган жазо турлари. Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун қуйидаги жазолар берилади (БК нинг 132-моддасига мувофиқ):

1. Жарима. Жарима маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишда айбдор шахсдан давлат ҳисобига пул ундиришдир. Жариманинг миқдори маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган вақтдаги, давом этаётган маъмурий ҳуқуқбузарлик учун эса ҳуқуқбузарлик аниқланган вақтдаги белгилаб қўйилган энг кам ойлик иш ҳақидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Товарлар ва транспорт воситаларининг қийматидан келиб чиқиб ҳисобланадиган жарима кўринишидаги жазони белгилашда ана шу нарсалар қиймати деганда ҳуқуқбузарлик аниқланган кунда уларнинг эркин (бозор) нархи тушунилади.

2. Божхона кодексида назарда тутилган айрим фаолият турларини амалга ошириш учун божхона органи томонидан берилган лицензияни ёки малака аттестатини чақириб олиш. Лицензия ёки малака аттестатини чақириб олиш божхона омборлари, божсиз савдо дўконлари, эркин омборлар, вақтинча сақлаш омборларига, шунингдек божхона брокери, божхона ташувчисига ёки божхона расмийлаштируви мутахассисига улар томонидан божхона қоидалари бузилганлиги учун, агар ушбу ҳуқуқбузарликлар кўрсатиб ўтилган шахслар томонидан лицензия ёки малака аттестати билан назарда тутилган фаолиятни амалга ошириш муносабати билан содир этилган бўлса қўлланилиши мумкин.

3. Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатлари бузилишини содир этиш қуроли ёки бевосита ашёси ҳисобланган товарлар ва транспорт воситаларини мусодара қилиш. Мусодара қилиш - божхона қоидалари бузилиши объекти ҳисобланган товарлар ва транспорт воситаларининг давлат мулкига мажбурий текинга олиб қўйилиши қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Божхона кодексининг 132-моддаси 2 ва 3-бандларида назарда тутилган жазолар эса, ҳам асосий, ҳам қўшимча жазо сифатида қўлланилиши мумкин.

Юридик шахс ёки юридик шахсни ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланучи шахс томонидан божхона ҳақидаги қонун

ҳужжатлари бир неча марта бузилса, ҳар бир ҳуқуқбузарлик учун алоҳида жазо берилади.

Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жазо берилиши жавобгарликка тортилаётган шахсларни бож тўловларини тўлаш на Божхона кодексида назарда тутилган бошқа талабларни бажариш мажбуриятидан озод этмайди.

Божхона органи томонидан муайян фаолият турларини амалга ошириш учун берилган лицензия ёки малака аттестатини қайтариб олиш ҳамда жарима кўринишида жазо белгилаш божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузиш ҳолати аниқланган кундан бошлаб олти ойдан кечиктирмай, лекин у содир этилган кундан бошлаб уч йилдан кечиктирмай бюджетга божхона тўловларини тўламаслик билан боғлиқ ишлар бўйича - беш йилдан кечиктирмай қўлланиши мумкин.

Товарлар ва транспорт воситаларини мусодара қилиш кўринишидаги жазо божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузиш содир этилган ёки аниқланган вақтдан ҳамда у асосий ёки қўшимча жазо эканлигидан қатъи назар қўлланилади.

Товарлар ва транспорт воситаларини ғайриқонуний олиб ўтиш куни деб уларни Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали ҳақиқатда олиб ўтилган кун ҳисобланади.

8.2. Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги ишларни юритиш

Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги ишларни юритиш тартиби божхона органларининг мансабдор шахслари томонидан Божхона кодексига мувофиқ, Кодексида тартибга солинмаган ҳолларда эса маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Божхона органи мансабдор шахси томонидан божхона қоидалари бузилганлиги белгилари аниқланиши божхона ҳақидаги қонун ҳужжатлари бузилиши ҳақида иш юритилишига асос бўлади.

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш вазифалари қуйидагалар ҳисобланади: ҳар бир ишнинг ҳолатини ўз вақтида, ҳар томонлама, тўлиқ ва холис аниқлаш, уни қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал этиш, чиқарилган қарор ижро этилишини таъминлаш, шунингдек маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилиши сабаблари ва унга кўмаклашувчи шарт-шароитларни аниқлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, фуқароларни Конституцияга ва Ўзбекистон Республикаси қонунларига риоя қилиш руҳида тарбиялаш, қонунчилиқни мустаҳкамлаш.

Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатлари бузилиши тўғрисидаги ишларни юритиш қуйидаги босқичлардан иборат бўлади:

– божхона ҳақидаги қонун ҳужжатлари бузилишини аниқлаш ва уларга барҳам бериш, бирламчи материалларни, ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги хабарларни текшириш, аниқланган факт на ҳуқуқ бузиш ҳолатлари, ҳуқуқ бузувчининг шахсини аниқлаш, исботлар тўплаш ва текшириш бўйича

процессуал ҳаракатларни ёритиш, текшириш материалларини кўриб чиқиш ва унинг натижалари бўйича қарор қабул қилиш;

- иш материалларини кўриб чиқишга тайёрлаш;
- божхона ҳақидаги қонун ҳужжатлари бузилиши тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш;

- божхона ҳақидаги қонун ҳужжатлари бузилиши тўғрисидаги ишлар бўйича қарорлар ижроси;

- ҳуқуқ бузишларнинг олдини олиш бўйича таклифлар, ахборот ва хабарлар киритиш, улар содир этилишига кўмаклашувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш ҳамда тартибга солишнинг бошқа чора-тадбирлари.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 276-моддасига мувофиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишга оид далиллар ҳар қандай фактик маълумотлардан иборат бўлиб, органлар (мансабдор шахслар) шу маълумотларга асосланиб маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳолати юз берган ёки бермаганлигини, муайян шахснинг уни содир этишда айбдорлигини ва ишни тўғри кўриб чиқиш учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатларни қонунда белгиланган тартибда аниқдайди.

Бу маълумотлар қуйидаги воситалар: божхона ҳақидаги қонун ҳужжатлари тўғрисидаги баённома, жавобгарликка тортилаётган шахснинг тушунтиришлари, жабрланувчи гувоҳларнинг кўрсатмалари, эксперт хулосаси, ашёвий далиллар, ашё ва ҳужжатларни олиб қўйиш тўғрисидаги тузилган баённома, шунингдек бошқа материаллар билан белгиланади.

Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги ишни божхона органининг мансабдор шахси ҳуқуқбузарлик аниқланган жойда ёки юқори божхона органининг рухсати билан ҳуқуқбузарлик содир этилган жойда юритади.

Божхона қоидалари бузилиши тўғрисидаги ишларни юритиш учун бир божхона органидан бошқасига бериш масалалари улар учун юқори турувчи Ўзбекистон Республикаси божхона органи томонидан ҳал этилади.

Ўзбекистон Республикасининг юқори турувчи божхона органи божхона қоидалари бузилиши тўғрисидаги ҳар қандай ишни юритиш учун ўзига қабул қилиши ёки уни ушбу мақсадлар учун Ўзбекистон Республикасининг исталган қуйи божхона органларига бериши мумкин.

Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги ишни юритиш у бошланган кундан эътиборан бир ой муддатдан кечикмай тугалланиши лозим.

Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги ишларни юритиш муддати зарур ҳолларда божхона органининг бошлиғи томонидан юридик шахсларга ва юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган шахсларга нисбатан тўрт ойгача узайтирилиши мумкин.

Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги иш материалларида мавжуд бўлган маълумотлар иш кўриб чиқилгунга қадар ошкор қилинмайди.

қуйидаги ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларининг бузилиши тўғрисидаги иш юритиш бошланмаслиги, бошланган иш эса тўхтатилиши керак:

- 1) воқеа ёки божхона ҳуқуқбузарлиги таркиби мавжуд бўлмаганда;
- 2) божхона қоидалари бузилиши содир этилган пайтда шахс ўн олти ёшга тўлмаганда;
- 3) божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларининг бузилишини содир этган шахс ақли бутун бўлмаганда;
- 4) шахс зарур мудофаа ёки энг охирги чора ҳолатида иш кўрганда;
- 5) божхона қоидалари бузилганлиги учун жазо қўллаш бартараф этилган тақдирда амнистия чиқарилганда;
- 6) божхона ҳақидаги қонунлар бузилганлиги учун жавобгарликни белгиловчи ҳужжат бекор қилинганда;
- 7) ишни кўриб чиқиш пайтига келиб, божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларининг бузилганлиги учун жазо бериш муддатлари тугаганда;
- 8) жавобгарликка тортилувчи шахсга нисбатан бир фактнинг ўзи бўйича жазо қўллаш тўғрисида қарор ёхуд божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларининг бузилиши тўғрисидаги ишни тўхтатиш ҳақида белгиланган тартибда бекор қилинмаган қарор мавжуд бўлганда, шунингдек ўша бир фактнинг ўзи бўйича жиноий иш мавжуд бўлганда;
- 9) унга нисбатан иш юритиш бошланган шахс вафот этганда.

Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги факти бўйича ҳамда зарур ҳаракатларни содир этиш пайтида божхона органининг мансабдор шахси қонун ҳужжатларида белгиланадиган шаклда баённомалар тузади. Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги иш бўйича баённомаларга тўпланган далиллар кўшиб қўйилади. Божхона органининг мансабдор шахси иш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда узил-кесил ҳал этилгунга қадар далилларнинг сақданишини таъминлаш чораларини кўриши шарт.

Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларининг бузилишини аниқлаш ва тўхтатиш ҳамда дастлабки ҳужжатларни тузиш (божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларининг бузилиши тўғрисида баённома тузиш, тушунтиришлар олиш, ҳуқуқни бузиш қуроли ёки бевосита буюми ҳисобланган ашёлар ва ҳужжатларни олиб қўйиш, уларнинг сақланишини таъминлаш, жарима ундириш таъминланиши учун буюмларни олиб қўйиш ва бошқа ҳаракатлар) божхона постларининг оператив-инспекторлик таркиби, контрабандага қарши кураш, божхона қоидалари бузилишига қарши кураш бўлими ва суриштирув ходимлари, шунингдек ҳуқуқ бузилишини бевосита аниқлаган божхона хизматларининг бошқа бўлинмалари ходимлари томонидан амалга оширилади.

Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларига риоя қилинишини текшириш ва маъмурий баённомалар тузиш ҳуқуқи берилган божхона органларининг мансабдор шахсларига қуйидаги лавозимларда ишловчи шахслар тегишли бўлади:

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг бошқармалари, бўлимлари бошлиқлари, бош, катта инспекторлари ва инспекторлари ҳудудий

божхона хизматларининг бошқармалар, бўлимлар, бўлинмалар, божхона постлари бошлиқлари, бош, катта инспекторлари ва инспекторлари.

МЖК нинг 279-моддаси, ЎЗР БК нинг 177-моддаси талабларига мувофиқ божхона қонунлари бузилишининг ҳар бир факти бўйича маъмурий ҳуқуқбузарликни бевосита аниқлаган божхона органи ходими белгиланган шакл бўйича баённома тузади.

Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларининг бузилиши тўғрисидаги баённомада қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

1. Баённома тузилган сана ва жой.
2. Баённомани тузган шахснинг лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми.
3. ҳуқуқни бузган шахс тўғрисидаги маълумотлар.
4. Сафарнинг мақсади, йўналиш, поезд, автомашина ёки бошқа транспорт воситасининг тартиб рақами, унинг кимга тегишли эканлиги, бориш йўналиши.
5. Содир этилган қонун бузиш жойи, вақти ва моҳияти.
6. Мазкур ҳуқуқ бузиш учун жавобгарликни назарда тутувчи меъёрий ҳужжат.
7. Олиб қўйилган (ушланган) ашёлар, бойликлар ва ҳужжатлар тўғрисидаги маълумотлар.
8. ҳуқуқ бузувчининг тушунтириши ва бошқалар.

Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларининг бузилиши аниқланишининг ҳар бир ҳолати ва улар бўйича кўрилган чоралар юзасидан божхона органи ходими томонидан билдиришнома ёзилади. Унда содир этилган ҳуқуқ бузиш аниқланишининг барча ҳолатлари (излаш усуллари, яшириш усуллари, назорат қилиш, техник воситаларини қўллаш, оғзаки сўров натижасида олинган маълумотлар, багаж ва қўлда олиб юриладиган юкни расмийлаштириш, шахсан кўздан кечириш, транспорт воситаси, контейнерни кўздан кечириш, шунингдек, ишга тегишли бўлган бошқа ҳолатлар) акс эттирилиши керак.

Агар ҳуқуқ бузувчининг бирор-бир ноҳуқуқий ҳатти-ҳаракатлари билан моддий зарар етказилса - билдиришномада моддий зарар кимга, қанча миқдорда, қай тарзда стказилганлиги қисқа, бироқ батафсил баён этилади.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 285-288-моддаларига мувофиқ бошқа таъсир кўрсатиш чоралари қўлланиб бўлинганидан кейин маъмурий ҳуқуқбузарликни тўхтатиш, ҳуқуқбузарнинг шахсини аниқлаш, башарти баённома тузиш зарур бўлиб, уни ҳуқуқбузарлик содир этилган жойнинг ўзида тузиш имкони бўлмаган тақдирда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар юзасидан чиқарилган қарорларни ижро этиш мақсадида мазкур шахсни маъмурий йўл билан ушлаб туришга, шахсни кўрикдан ўтказишга, унинг ашёлари, транспорт воситаларини кўздан кечиришга ва ашё ҳамда ҳужжатларни олиб қўйишга йўл қўйилади.

ЎЗР МЖКнинг 287-моддасига мувофиқ божхона органлари ходимлари ЎЗР МЖК нинг 198 ва 227-моддаларида назарда тутилган ҳолатлар содир этилганда, маъмурий тўхтатишни амалга оширишлари мумкин. Маъмурий тўхтатиш тўғрисида баённома тузилади. Унда баённома тузилган сана ва жой, лавозими, божхона органи, баённомани тузган шахснинг фамилияси, исми ва отасининг

исми, ушланган шахс тўғрисидаги маълумотлар, ушлаш вақти, жойи ва асослари, ушланган шахс олиб келинган вақт ва жой, ушланган озод қилинган вақт, ушлаш вақтида қандай ҳаракатлар қилинганлиги кўрсатилади.

Баённомага уни тузган шахс, ушланган шахс, гувоҳлар, бошқа шахслар бор бўлганда улар ҳам имзо чекадилар. Ушланган шахс имзо чекишни рад этган тақдирда бу ҳақда баённомада қайд этилади.

Божхона назорати, кўздан кечирув пайтида топилган ҳуқуқбузарлик курули ёки бевосита буюми бўлган товарлар, транспорт воситалари, хужжатлар на бошқа буюмлар божхона органларининг мансабдор шахслари томонидан ҳолислар гувоҳлигида олиб қўйилади. Олиб қўйилган товарлар, транспорт воситалари, хужжатлар ва бошқа буюмлар иш кўриб чиқилгунга қадар божхона органлари белгиллаган жойларда сақланади.

Божхона ҳақидаги қопун хужжатлари бузилган тақдирда жарима ҳамма товарлар ва транспорт воситаларининг қиймати ундирилишини таъминлаш учун ҳуқуқбузардан, агар у Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш жойига эга бўлмаса ва юридик шахсдан - агар у Ўзбекистон Республикаси ҳудудида филиал ёки ваколатхонага эга бўлмаса, товарлар ва транспорт воситалари, Ўзбекистон Республикаси валютаси ва валюта бойликлари олиб қўйилишига йўл қўйилади.

Товарлар на транспорт воситалари ва бошқа ашёларни олиб қўйишнинг имкони бўлмаган тақдирда улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш тақиқланади, уларнинг сақланиши эса қонун хужжатларида назарда тутилган тартибда таъминланади.

Божхона органининг мансабдор шахси олиб қўйилган товарлар, транспорт воситалари ва бошқа буюмларни баҳолаш пайтидаги бозор нархлари бўйича баҳолаб, уларнинг эскирганлигини ҳисобга олади. Зарур ҳолларда баҳолаш мутахассис иштирокида ўтказилади. Пул, облигациялар, чеклар, акциялар ва бошқа қимматли қоғозлар номинал қиймати бўйича ҳисобга олинади.

Божхона органининг мансабдор шахси божхона ҳақидаги қонун хужжатларини бузганлик тўғрисидаги ишни юритиш жараёнида далилларни аниқлаш ва уларни қайд этиш, ишга аҳамияти бўлган бошқа ҳолатларни аниқдаш учун жойни, ҳудудларни, биноларни, транспорт воситаларини, ашёлар ва хужжатларни божхона текширувидан ўтказишга ҳақлидир.

Божхона текшируви ҳудуди, биноси, транспорт воситаси, ашёлари ва хужжатлари текшириляётган шахс (унинг вакили) иштирокида камида икки гувоҳ ҳозирлигида, зарур ҳолларда эса мутахассислар иштирокида ўтказилади.

Божхона ҳақидага қонунлар бузилиши тўғрисидаги ишларни юритишда божхона органи мансабдор шахсининг қарори билан қонун хужжатларида белгиланган тартибда экспертиза тайинланиши мумкин.

Божхона ҳақидаги қонун хужжатлари бузилиши тўғрисидаги ишни юритаётган божхона органининг мансабдор шахси қарор асосида ва гувоҳлар, зарур ҳолларда эса мутахассислар иштирокида товарлар ва бошқа буюмларнинг намуналари ва нусхаларини олиш, шунингдек экспертиза ўтказиш учун зарур бўлган имзолар, дастхатлар, намуналарни олишга ҳақлидир.

Божхона ҳақидага қонун ҳужжатларининг бузилиши тўғрисидаги ишни юритишда жавобгарликка тортилувчи шахсдан ташқари, унинг вакили, адвокати, эксперт, мутахассис, таржимон, гувоҳ ҳолис қатнашишлари мумкин.

Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги иш бўйича чиқимлар қуйидагилардан иборат бўлади:

- гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар, холисларга тўланадиган суммалар;

- текширув ва инвентарлаш муносабати билан сарфланган суммалар;

- далилларни сақлаш, ташиш (жўнатиш) ва текшириш учун сарфланган суммалар;

- ишни юритиш ва кўриш муносабати билан божхона органи келган бошқа харажатлар.

Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги ишларга қуйидагилар киради:

- агар жазо чораси тариқасида жарима, лицензиями ёки малака аттестатини чақириб олиш чораси, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган алоҳида ҳолларда товарларни мусодара қилиш чораси қўлланилса, божхона органи томонидан кўрилади.

- агар асосий ёки қўшимча жазо чораси тариқасида товарларни ва транспорт воситаларини мусодара қилиш назарда тутилса, тегишли божхона органи жойлашган ердаги суд томонидан кўрилади. Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги ишларни кўриш ва божхона органлари номидан жазоларни қўллашга божхона органларининг бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари (қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри давлат божхона қўмитаси бошқармалари ва «Тошкент-АЭРО» МБМ бошлиқлари) ҳақлидир.

Маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган хорижлик фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар МЖКнинг 17-моддасига мувофиқ умумий асосларда маъмурий жавобгарликка тортилиши керак.

ЎЗР БКнинг 188-моддасига мувофиқ божхона органи бошлиғи (бошлиқ ўринбосари) божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиб, қуйидаги қарорлардан бирини чиқаради:

- жарима солиш тўғрисида;

- иш юритишни тугатиш тўғрисида;

- жиноят ишини кўзғатиш ва суриштирув ўтказиш тўғрисида;

- ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги материалларни тегишли идорада бўйича юбориш тўғрисида;

- ишни қўшимча равишда юритиш (текшириш) учун қайтариш тўғрисида.

Божхона органи бошлиғи (унинг ўринбосари) Ўзбекистон Республикаси МЖК 271-моддасида назарда тутилган ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирдагина ишни юритишни тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин. Бунда қарорда мазкур модда ва қўлланилган меъёрий ҳужжатнинг тегишли бандига ҳавола қилинган ҳолда ишни юритиш тўхтатилганлиги тўғрисида батафсил қайд этилади.

Маъмурий (божхона) ҳуқуқни бузиш тўғрисидаги иш бўйича қарор ишни кўриб чиқиш тамом бўлгач дарҳол эълон қилинади. ҳуқуқни бузувчи у қайси божхона ҳуқуқини бузгани учун ЎзР БК нинг 132-моддасида назарда тутилган жазога дучор қилинаётганлигини аниқ билиши керак. қарор нусхаси уч кун ичида унга нисбатан қарор чиқарилган шахсга, шунингдек унинг илтимосига кўра жабрланувчи суриштирилади ёки юборилади. қарор нусхаси тилхат остида топширилади, агар у жўнатилса, бу ҳақда ишда тегишли ёзув қайд этилади. Маъмурий жазо қўлланилиши жавобгарликка тортилувчи шахсни бож тўловларини тўлаш мажбуриятидан ва Божхона кодексида назарда тутилган бошқа талабларни бажаришдан озод қилмайди.

Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги иш бўйича қарор устидан юқори турувчи божхона органига (мансабдор шахсга) ёки божхона органи жойлашган ердаги судга ўн кун муддатда берилиши мумкин.

Юқори турувчи божхона органи бошлиғи божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги иш бўйича чиқарилган қарор устидан берилган шикоятни ёки прокурорнинг протестини кўриш вақтида қуйидаги ҳал қилув қарорларидан бирини қабул қилади:

а) қарорни ўзгаришсиз қолдиради, шикоят ёки протестни эса қаноатлантирмайди;

б) қарорни бекор қилади ва ишни янгидан кўриш учун юборади;

в) қарорни бекор қилади ва иш юритишни тугатади;

г) божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жазо чорасини камайтирмаган ҳолда уни Ўзбекистон Республикасининг Божхона Кодексида назарда тутилган доирада ўзгартиради.

Божхона кодексининг 192-моддасига мувофиқ божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги иш бўйича чиқарилган қарорни бекор қилиб, иш юритишнинг тугатилиши ундирилган пул суммаларининг, олиб қўйилган ва мусодара қилинган ашёларнинг қайтарилишига, шунингдек айнан қабул қилинган қарор билан боғлиқ бошқа чеклашлар бекор қилинишига олиб келади.

Божхона органларининг жарима солиш тўғрисидаги қарорини ижро этиш Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 193-198-моддалари (XI бўлим) талабларига мувофиқ амалга оширилади.

8.3. Божхона органлари суриштирув органлари сифатида

ЎзР ЖПК 38-моддасига мувофиқ божхона органлари божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларининг бузилиши тўғрисидаги ишлар бўйича суриштирув органлари ҳисобланади.

Жиноий ишлар бўйича суриштирув дастлабки тергов учун амалдаги жиноят-процессуал қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда ва қоидалар бўйича амалга оширилади. қуйидаги ҳолатлар бундан мустаснодир:

– суриштирувни суриштирув органлари бошлиқлари ёки уларнинг топшириғига кўра суриштирувчилар олиб боради;

– суриштирувчининг қарори суриштирув органи бошлиғи томонидан

тасдиқланиши керак.

Суриштирув органига жиноят белгиларини ва уни содир этган шахсларни аниқлаш, ЎзР ЖПК билан белгиланган қоидаларга мувофиқ улар текширилгандан кейин жиноий иш бўйича исбот сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган маълумотларни аниқлаш мақсадида илмий-техник воситалардан фойдаланган ҳолда зарур чора-тадбирлар кўриш юкланади. ЎзР ЖПК 38-моддаси 8-бандига мувофиқ божхона органлари божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларининг бузилганлиги учун, яъни ЎзР ЖК 182-моддасида назарда тутилган белгилар мавжуд бўлган жиноятлар бўйича суриштирув олиб борадилар.

ЎзР ЖК 182-моддси бўйича жиноий жавобгарликни назарда тутувчи жиноят бегисига эга бўлган ҳуқуқ бузишни аниқлаб, бошлиқ (суриштирув органи раҳбари, суриштирувчи) ЎзР ЖПК 329, 39 ва 330-моддаларига мувофиқ белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказди (дарҳол) ва қуйидагилар хусусида қарор қабул қилади:

а) жиноий иш қўзғатиш, юритиш учун ўзига қабул қилиш ва суриштиришга киритиш;

б) жиноий иш қўзғашни рад этиш;

в) идоравий бўйсунтириш бўйича ариза, маълумот бериш.

Жиноят белгилари мавжуд бўлган тақдирда суриштирув органи жиноий иш қўзғайди ва Жиноят процессуал кодексига амал қилган ҳолда жиноятни аниқлаш ва унинг изларини мустаҳкамлаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини амалга оширади

Жиноий иш бўйича суриштирув 10 суткадан ортиқ бўлмаган муддатда тамомланиши керак. ЎзР ЖПК 342-моддасига мувофиқ суриштирувчи ишни, агар:

1) оғир ёки ўта оғир жиноят аниқланган бўлса;

2) муайян шахсни айбдор сифатида ишда қатнашишга жалб қилиш учун асос аниқланган бўлса;

3) ишни тўхтатиш учун асос аниқланган бўлса;

4) терговчи иш юритиш учун ишни унга беришни талаб қилса суриштирув учун белгаланган муддат тамом бўлишини кутмай ишни зудлик билан терговчига бериши керак.

8.4. Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жиноий жавобгарлик

Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жиноий жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 182-моддасида назарда тутилган, яъни «Божхона ҳақидаги қонунларни бузиш Божхона назоратини четлаб ўти божхона назоратидан яшириб ўтказиш божхона ҳужжатлари ва воситаларига ўхшатиб ясалган ҳужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланган ҳолда ўқиб декларациясиз ўтказиш бошқа номга ўзилган декларациядан фойдаланиб, товар ўқиб бошқа қимматликларни Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан ўтказиш:

а) жуда кўп миқдорда;

б) хизмат лавозимидан фойдаланган ҳолда содир этилган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиши ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд мол-мулк мусодара қилиниб, уч йилгача озодликдан маҳрум қилиниши билан жазоланади.

Ушбу ҳаракат:

а) чегарани бузиб ўтиш, яъни божхона хизматининг розилигини олмасдан туриб, товар ёки бошқа қимматликларни Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан очикдан-очик ўтказиш пули билан;

б) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, мол-мулк мусодара қилиниб, уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузишда зарар суммаси алоҳида йирик миқдорни ташкил этиши шарт эмас, яъни хизмат мавқеидан фойдаланиш мазкур жиноятнинг мустақил белгисини ташкил этади.

Объектив жиҳатдан божхона ҳақидаги қонунлар бузилиши товарлар ва бошқа қимматликларнинг Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтилишида ифодаланади. Субъектив жиҳатдан жиноят содир этилган жиноятнинг тўғридан-тўғри содир этилганлигида ифодаланади.

Ақли жойида бўлган ва 16 ёшга тўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси, хорижий давлатлар фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс жиноят субъекти бўлиши мумкин.

ЖК нинг 182-моддасида қайд этилган жиноятнинг объектив жиҳати товарлар ёки бошқа буюмларни олиб ўтиш, уларни содир этиш усуллари, олиб ўтилаётган товарлар ва бошқа буюмларнинг йирик миқдори бўйича ҳаракатларни ўз ичига олади. Жиноий оқибатларнинг бошланиши талаб этилмайди.

Божхона назоратига қалбаки ҳужжатлар, қасддан бузилган маълумотлар мавжуд бўлган ҳужжатлар, шунингдек божхона органлари божхона назорати объектларининг Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали ўтиши билан боғлиқ ноҳуқуқий қарор қабул қилиниши учун уларни адаштириш мақсадида унга асос бўлмаган ҳолда ноқонуний тузилган ёхуд тасдиқланган ҳужжатларни тақдим этиш ҳужжатлардан алдов йўли билан фойдаланиш деб эътироф этилади. Муҳрларни, харфлар ва бошқа маркировкаларни сохталаштириш, ҳужжатлардан алдов йўли билан фойдаланишдаги сингари мақсадда қонуний сифатда тақдим этиладиган ўхшаш белгилар қўйиш божхона бирхиллаштирувчи воситаларидан алдаш мақсадида фойдаланиш деб эътироф этилади.

Товарлар ва қимматликларнинг божхона назоратидан бошқа жойда олиб ўтилиши Ўзбекистон Республикаси божхона органлари белгилаган жойлардан бошқа жойда ёки божхона расмийлаштирувини амалга оширишнинг белгиланган вақтидан ташқарида амалга оширилиши мумкин.

Обеткларни божхона назоратидан олиб ўтиш учун буюмларнинг аниқлаштирилишини қийинлаштирадиган яширин жойлардан фойдаланиш ёки

бошқа усуллардан фойдаланиш ёхуд бир хил буюмни бошқа буюмлар кўринишига ўхшатиш божхона назоратидан яшириш деб тушунилади. Товарлар ёки бошқа объектларни божхона назоратидан олиб ўтиш миқдори мазкур моддага изоҳга мувофиқ, агар у энг кам ойлик иш ҳақининг юз баравари ва ундан ортиғига тенг бўлса, алоҳида йирик миқдор деб тан олинади.

Олиб ўтиладиган буюмлар уларни турли божхона режимларида ва махсус шарт-шароитларда, жумладан қонун ҳужжатларида юз бераётган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда олиб ўтишнинг махсус қоидаларини белгиловчи қонун ҳужжатлари асосида мазкур модда рўйхатига тушувчи буюмлар деб эътироф этилади.

8.5. Контрабанда тушунчаси ва контрабанда учун жавобгарлик

Контрабанда товарлар, валюта ва бошқа қимматликларни божхона ҳақидаги қонунларни бузган ҳолда давлат чегараси орқали яширинча олиб ўтиш. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ контрабанда - яъни божхона назоратини четлаб ёки божхона назоратидан яшириб ёхуд божхона ҳужжатлари ёки воситаларига ўхшатиб ясалган ҳужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланиб, декларациясиз ёки бошқа номга ёзилган декларациядан фойдаланиб, кучли таъсир қилувчи заҳарли, заҳарловчи, радиоактив, портловчи моддалар, портлаш қурилмалари, қурол-яроғ, шунингдек, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ёки диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастликни тарғиб қилувчи материалларни Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан ўтказиш, у мол-мулк мусодара қилиниб ёки мусодара қилинмай беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ядровий, кимёвий, биологик ва оммавий қирғин қуролининг бошқа турларини, шундай қуролларни яратишда фойдаланилиши мумкинлиги аён бўлган материал ва мосламаларни, шунингдек гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни кўп миқдорларда контрабанда қилишда мол-мулк мусодара қилиниб, ўн йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади {Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 246-моддаси}. Жиноят таркиби қуйидагиларни тавсифловчи белгиларнинг тўрт гуруҳини ташкил этади: жиноят объекти, унинг объектив жиҳати, жиноят субъекти ва субъектив томон.

Жамиятнинг ҳавфсизлигини таъминловчи ижтимоий муносабатлар контрабанда жинояти объекти ҳисобланади. Объектив жиҳатдан контрабанда тақиқданган буюмларнинг Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтилишида ифодаланади. Субъектив жиҳатдан жиноят содир этилган жиноятнинг қасддан содир этилганлигида ифодаланади. Ақди жойида ва ўн олти ёшга тўлган Ўзбекистон Республикаси, хорижий давлат фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс жиноят субъекти бўлиши мумкин.

Контрабанда учун жиноий жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали ушбу буюмлар МДХ мамлакатларига ёки МДХ га кирмайдиган мамлакатларга олиб ўтилишидан қатъи назар, Жиноят кодексининг 246-

моддаси диспозициясида кўрсатилган ашёларнинг ғайриқонуний олиб ўтилиши билан бошланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг «Контрабанда ва божхона ҳақидаги қонун ҳужжатлари бузилиши тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида» 1996 йил 27 февралдаги 2-сон қарорида қуйидагилар тушунтирилган:

а) Жиноят кодексининг 246 ва 82-моддалари диспозицияларида кўрсатилган буюмлар, товарлар ва бошқа бойликларнинг Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали ғайриқонуний олиб ўтилиши деганда божхона назоратидан ташқари уларнинг божхона органи жойлашган жойдан бошқа жойда ёки божхона расмийлаштируви ва назорати амалга ошириладиган вақтдан ташқари олиб ўтилиши эътироф этилиши керак;

б) божхона назоратидан яширган ҳолда Жиноят кодексининг 246 ва 182-моддалари диспозицияларида кўрсатилган буюмлар, товарлар ва бошқа бойликларнинг Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали ғайриқонуний олиб ўтилиши деганда уларнинг яширин жойлардан ва уларни аниқлашнинг бошқа усулларида ёки бир хил буюмларга бошқа кўриниш бориш йўли билан олиб ўтишдан фойдаланган ҳолда олиб ўтилиши ҳам тушунилиши керак. Махсус сақнадиган жойлар деганда яширин жойларни, шунингдек транспорт воситаларидаги контрабанда мақсадларидаги конструктив сақнадиган жойлар ва олдиндан бўлақларга ажратилиши, монтаж қилинган буюмларни олиб ўтиш учун асбоб-ускуналар ва мосламаларни ҳисоблаш зарур;

в) ҳужжатлардан алдов йўли билан фойдаланиш деганда божхона органига буюмлар, товарлар ва бошқа бойликларни божхона чегараси орқали олиб ўтиш учун асос сифатида қалбаки ҳужжатлар, ғайриқонуний йўл билан олинган ҳужжатлар, ёхуд сохта маълумотлар бор бўлган ҳужжатлар тақдим этилишини тушуниш керак;

г) Ўзбекистон Республикаси божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ божхона бирхиллаштируви воситалари деганда товарлар ёки бошқа бойликларни уларга тамғалар, муҳрлар, рақамли, хавфли ва бошқа маркировкалаш белгиларини, бирхиллаштириш белгиларини, штамплар қўйишни, нусха ва намуналар олишни, товарларни, бошқа бойликларни тавсифлашни, чизмалар чизишни, кўламли тасвирлар, фотосуратлар, рангли суратлар тайёрлашни, товарга илова қилинадиган ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлардан фойдаланишни бирхиллаштириш тушунилади.

Божхона бирхиллаштирувчи воситаларидан алдаш йўли билан фойдаланиш деганда, Ўзбекистон Республикаси ёхуд бошқа давлатларнинг божхона органлари томонидан қўлланилган бирхиллаштириш воситаларининг ўзгартирилиши, йўқ қилиниши, шикаст етказилиши ёки йўқотилиши билан боғлиқ шахсларнинг ҳатти-ҳаракатларини тушуниш керак;

д) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 246-моддасида санаб ўтилган, декларация тўлдирилган ёки ўз номи билан декларация тўлдирилмаган контрабанда буюмлари ёхуд 182-моддада кўрсатилган товарлар ёки бойликлар деганда, контрабанда буюмлари ёки товарлар ёхуд бошқа бойликларни

декларация тўлдириш тартиби бузилиш билан боғлиқ шахсларнинг чегара орқали олиб ўтиш мақсадида, яъни декларация тўлдириш шакли ва жойи тўғрисидаги божхона ҳақидаги қонуннинг белгиланган талабларига риоя қилмаслик, уни амалга ошириш тартиби, декларация тақдим этиш муддатларига ва бошқа қўшимча ҳужжатларга риоя қилмаслик, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган ёки унинг ҳудудидан олиб чиқиладиган контрабанда буюмлари, товарлар ёки бошқа бойликларга нисбатан декларацияга уларнинг номи ва сонига доир сохта маълумотлар киритилиши билан боғлиқ ҳатти-ҳаракатлари тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 246 ва 182-моддаларида кўрсатилган контрабанда ёки божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларининг бузилиши дсб, буюмлар, товар-моддий бойликларнинг Ўзбекистон Республикаси чегараси орқали ҳақиқатда ғайриқонуний олиб ўтилиши пайтидан бошлаб тамом бўлган жиноят деб ҳисоблаш керак.

Таянч сўз ва иборалар

1. Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузиш
2. Юридик жавобгарлик
3. Жиноий жавобгаолик
4. қасддан содир этиш
5. Контрабанда

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жисмоний ва юридик шахслар жавобгарлик деганда нимани тушунасиш?
2. Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жиноий жавобгарлик деганда нимани тушунасиш?
3. Контрабанда тушунчасини изоҳлаб беринг?
4. Контрабанда учун қандай жавобгарлик чоралари белгиланган?

Фойдаланилган адабиётлар

Асосий адабиётлар: 2,4,9,15,16,19,24.

қўшимча адабиётлар: 35,38,40,43,44.

Адабиётлар.

Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: "Адолат". 1992.
2. Ўзбекистон Республикаси Божхона Кодекси. Т.: "Адолат" 1999.
3. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси. Т.: "Адолат" 1999.
4. Ўзбекистон Республикаси "Давлат божхона хизмати тўғрисида" ги қонуни "Халқ сўзи" 1997 йил 29 август .
5. Ўзбекистон Республикаси «Бож тарифи тўғрисида» ги қонуни 1997 йил 29 август «Халқ сўзи» газетаси
6. «Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида»ги қонуни 1991 йил 14 июн
7. Ўзбекистон Республикасининг “Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги қонуни 1993 йил 7 май
8. Ўзбекистон Республикасининг «Маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида» ги қонуни 1993 йил 28 декабр
9. Ўзбекистон Республикасининг “хорижий инвесторларнинг кафолатлари ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қонуни 1998 йил 30 апрел
10. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т.: "Ўзбекистон" 1992.
11. Каримов И.А. Ўзбекистон - бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос хусусиятлари. Т.: "Ўзбекистон" 1993.
12. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т.: "Ўзбекистон" 1999.
13. Руководства по исследованию номенклатур ВЭД, основанный на ГС. – Люксембург, 1993
14. Российское таможенное право, М.: «Инфра-М», 1997
15. Комментарий к ТК РФ. – М.: «Инфра-М», 1997
16. Таможенное дело. – С.-П.: «Логос-Сиб», 1994
17. Практика таможенного регулирования. – М., 1994
18. ТН ВЭД. – М., 1993
19. НН ВЭД СНГ. – М., 1996
20. История таможи государства Российского. – М., - 1995
21. Международные конвенции Организации Объединенных Наций по таможенному делу. – Ташкент: ИПК «Шарк», 1995
22. Комилов Ў.Т. ва бошқалар «Божхона иши асолари» «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» Т. 1999
23. Комилов У.Т. и другие. «Основы таможенного дела» «Мир экономики и права» Т. 1999
24. Солиқ тўловчининг журнали. 2001-2003.
25. Бозор, пул ва кредит журнали. 2000-2003.
26. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси журнали. 2000-2003.
27. Солиқлар ва божхона хабарлари газетаси. 1999-2002.

28. Ҳамкор газетаси. 2001-2003.

Қўшимча адабиётлар

29. Алимбоев С. ва бошқ. Солиқлар. Т.: "Меҳнат" 1999.
30. Брызгалин В. Налоги и налоговое право. М.: "Финансы и статистика". 1998.
31. Маликов Т. «Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб муаммолари.» Т.: "Академия" 2002.
32. Мельник Д. Налоговый менеджмент. М.: "Анkil" 2002.
33. Вахобов А., Срожиддинова З. «Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети». Т; 2002
34. Тошмуродова Б. «Солиқлар воситасида иқтисодиётни бошқариш механизми». Т; «Янги аср авлоди» 2002.
35. Семигулова Э., Мажидов А. «Налоги и налогообложение». Учебное пособие. Т; ТИТЛП. 1999.
36. Черник Д. «Налоги в рыночной экономике» М; «Финансы». 1999.
37. Большаков С. «Финансовая политика государства и предприятия». М; «Книжный мир» 2002.
38. Караваева И. «Налоговое регулирование рыночной экономики»: Учебное пособие. М: ЮНИТИ-ДАНА, 2000 г.
39. Налоги и налогообложение в вопросах и ответах: часть 1. Т.: ГНК 1998.
40. «Налоги и налогообложение в Российской Федерации» (учебник для ВУЗов), М.: «Книжный мир» 1999.
41. «Налоги» Учебное пособие. (Под.ред. Д.Г Черника) М.: «Финансы и статистика», 1998.
42. «Финансы» (Под. ред. Дробозиной Л.А.) М.: «Юнити», 2000.
43. Хван Л.Б. «Солиқ ҳуқуқи», Т.: «Консаудит информ» 2001.
44. Налоги и налоговое право: Учебное пособие (под ред. А.В. Брызгалина) М.: "Аналитика пресс" 1999.
45. Налоги и налогообложение в вопросах и ответах: җаъ-1. Тошкент, Республиканский информационно-консультативный центр Государственного налогового комитета Республики Узбекистан. 1998.
46. Налоговые системы зарубежных стран. 2-е издание М.: "Закон и право", ЮНИТИ, 1997.
47. Л.Хван. Солиқ ҳуқуқи. Т.: "Консаудитинформ" 2002.
48. Тулаходжаева М.М. Система финансового контроля в Республики Узбекистан. Т.: Мир экономики и права, 1998.
49. Пушкарева В.М. История финансовой мысли и политики налогов. М.: Инфра-М., 1998.

МУНДАРИЖА	
1-мавзу: "Божхона иши асослари" фанининг предмети ва вазифалари	4
2-мавзу: Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона органлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари	15
3-мавзу: Ўзбекистон Республикасининг Божхона сиёсати	28
4-мавзу: Божхона назорати	43
5-мавзу: Божхона режимлари	59
6-мавзу: Божхона тўловлари	78
7-мавзу: Божхона қиймати	85
8-мавзу: Божхона қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик	110
Адабиётлар	126